МАРТ 3 1988

ISSN 0235—1277

Ёш куч

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зарафшон шаҳар пионер ва ўқувчилар саройида тўқишни ўрганиш бўйича тўгарак ишламоқда. Унинг раҳбари Тишенко Татьяна Васильевна саккиз йилдан бери ўқувчиларга чеварлик сирларини ўргатиб келмоқда.

А. КУДРЯШОВ фотоси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ёш куч
Молодая смена

Ижтимоий-сиёсий, адабий бадиий безакли журнал

УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 3 (21) МАРТ, 1988.

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти.

Бош редактор
Худойберди ТЎХТАБОЕВ

Редколлегия:
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Евгений БЕРЕЗИКОВ
Владимир ВОЛОТКО
(бош редактор ўринбосари)
Евгений ГРЕВЦОВ
Хуршид ДЎСТМУҲАМЕДОВ
Эркин МАЛИКОВ
(масъул секретарь)
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ
Латиф МАҲМУДОВ
Мирвосил ОДИЛОВ
Ҳакимжон ПИРМУҲАМЕДОВ
Йўлдошали ТОЖИБОЕВ
Александр ФРОЛОВ
Озод ШАРАФИДДИНОВ

Рассом Маҳкам АБДУЛЛАЕВ

Техредактор: Ғайбулла БАРИМОВ

«Ёш куч («Молодая смена») — ежемесячный общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал.

На узбекском языке
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113, Тошкент — ЧГСП. «Правда» газетаси кўчаси, 60.

Телефонлар:

78-94-67, 78-75-94, 78-94-73,
78-48-85, 78-85-64, 78-57-84.

Редакция ҳажми 4 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёш куч» — «Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

«Ёш куч» — «Молодая смена» 3 март, 1988

С «Ёш гвардия» нашриёти.

Босмахонага туширилди 15.01.88 й. Босишга рухсат этилди 19.02.88 й. Офсет усулида чоп этилди. Р-11566. Қоғоз формати 70×108¹/₈. Қоғоз ҳажми — 4 лист. Шартли босма листи 5,6. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 200092 нусха. Буюртма № 2588. Баҳоси 35 тийин.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.

Тошкент 700000, Ленин проспекти, 41.

ЯНГИЛАНИШ ФАСЛИ

социал-иқтисодий ривожланишни тезлаштириш ҳам одамларнинг ўзларига боғлиқ.»
(пахтакор, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат Тўхтахон ҚИРҒИЗБОЕВАНИНГ сўзидан)

«Қайта қуриш, йўл қўйилган жиддий хатоларни тузатиш»... Нега хато қилдик? Нега доҳий партияси белгилаб берган одил йўлдан айрим пайтларда адашдик? Нега адашганларнинг адашганини кўрдигу, айта билмадик? Адашишдан адашмадик? Бу онгимизга сингиб қолаёзган бепарволигимиздан, тайёрга айёрлик, эринчоқлик, ўзибўларчиликдан!

Инсон — ўз ақли билан яшамоқлик учун туғилган инсон, ақл қувватини оромдан эмас, мислсиз машқ машаққатларидан оладиган инсон, нега адашади?

— Лоқайдлигидан!

Жамиятимизнинг тенг ярмини ташкиллайдиган қизлар комсомолнинг олий анжуманларида очиб ташланган хато ва камчиликларга муросасиз бўладилар, эзгулик, ҳақиқат тантанаси учун ҳамиша курашчандирлар. Улар чўл шамолидан юзлари қорайса, қўллари пахта пайкалларида тилинса, қурилишларда қадоқ бўлса ор қилмайдилар. Зебу-зийнат, ялтироқ тақинчоқларни эмас, балки мумтоз адабиётимиз дурдоналарини саралашга моҳир, тарих ғилдирагини олға ҳаракатлантиришга қодир улар. Шунинг учун ҳам келажаги бор, уларнинг!

« — Турли-туман металл тақинчоқларни тақиб юришни одат қилгандим. ...Рокнинг чинакам мубталоси эдим... Кейинчалик ўша аудиториядаги бир группа йигит-қизларнинг нигоҳлари бефарқлик, мақсадлари беҳуда вақт ўтказиш эканлигини тушуна бошлагач, ўзимга алам қилди. Ниятим — бир гуруҳ ёшлар учун эмас, кўпчиликка хизмат қилиш!»... (Хонанда Наргиза Зокирова билан суҳбатдан)

Биз Сизни таниймиз. Тан оламиз Сизни! Байрамингизни баҳорнинг илк кунида нишонлаймиз. Гуллар кулган, кўнгиллар қувончга тўлган, табиат оройиш олган дамларда қутлаймиз Сизни! Эркингиз, кўркингиз, эзгу ниятларингизга ҳамроҳлигингиз мангу бўлсин, деймиз. Баҳор фасли — табиатнинг уйғониш палласи, кўклам пайт. Сизлар эса халқнинг келажагисиз. Ҳаётни янгилайсиз... Байрамингиз қутлуғ бўлсин, орзу-ниятларингиз пойингизга тўшалаётган гулу раънолар каби барқ урсин, қизлар!

Умида АБДУАЗИМОВА.

Сиз бу қизни кўргансиз. Ота-онасига куйгимчак, ака-укаларига суйгимчак, кўзларида, сўзларида битмас-туганмас меҳр ёғдуси...

У билан автобусда ёнма-ён кетгансиз ёки йўл-йўлакларда, бекатларда дуч келиб қолгансиз. Қўлида китоб-дафтар тўла сумкача, кўнглида имтиҳон ёки синов саволларига дона-дона жавоблар такрори, устоз сабоқларининг изҳори...

Ана, у, тилсиз машиналарни гапиртирмоқда, бошидаги қизил дуррачаси меҳнатда бўғриққан ол ёноқларидан шуълаланади, тонгги нигоҳида кун адоғидан умидворлик...

Дўстлари, дугоналари даврасида раксга тушаётган, қўшиқ айтаётган, шеър ўқиётган ҳам — ўша!

«Табиат хотин-қизларни нақадар чин, ёрқин, тийрак ақл-идрокли қилиб яратган,— деган эди ўз даврида атоқли рус ёзувчиси Н. Г. Чернишевский. — **Бу ақл-идрок рад этилмай, яксон қилинмай ҳаракатга солинса инсоният тарихи ўн баробар тез одим отган бўлур эди!»**

Бу ният В. И. Ленин даҳосининг оламшумул маҳсули — Улуғ Октябрь Социалистик революцияси туфайли амалга ошди. Ватанимизда хотин-қизларнинг мавқеи, жамиятда тутган ўрни тубдан ўзгарди. Давлатни идора этишда, меҳнат ва ижодда, маориф ва маданиятда, янги авлодни тарбиялаш ва ардоқлашда, истиқболни бунёд этишда... ҳайрли, хайратланарли ишларда уларнинг ўрни кўзга кўринди.

Порлоқ тақдирни яратаётган қизларга қаранг! Улар хоҳ меҳнат дастгоҳи, хоҳ ўқув даргоҳи бўлсин, фидокорлиги, вафодорлиги, мафтункорлиги билан бир-бирларига жуда ўхшаб кетадилар. Талаба, колхозчи, ишчи ёки «боғча опа», «ошпаз қиз», «чевар дугона» бўлиб кунларидан завқ-шавқ туядилар, қилаётган ишларини илҳом билан уддалайдилар. Ўз завқ ва мароқларини бошқаларга ҳам юқдира оладилар. Бу қизлар энг пок туйғулар билан севишга арзийдилар, тинч, феруза осмон остида, осуда ҳаёт бағрида эркин яшашга ҳақлидирлар. Уларга бу ҳақ-ҳуқуқни, мислсиз муҳаббатни курашчан момоларимиз, бувиларимиз ҳадя қилишган.

«Аёлларимиз вужудини эзиб келган тенгсизлик, ҳақсизлик, рўдапо паранжи, чимматлар йўқ энди! «Ҳужум»ни ҳаракатга келтирган куч миллионлар иродаси эди!»

(партия ветерани Норжон АБДУСАЛОМОВА сўзидан)

8-Март халқаро хотин-қизларнинг бирдамлик кунини нишонлаш бундан роппароса 75 йил муқаддам бошланган эди. 1913 йил, 8-март — **БАЙРАМ**га катта тайёргарлик кўрилган, РСДРПнинг Петербург комитети махсус комиссия аъзоларини тузган, митинг ва намойишлар ўтказиш учун жанговар варақалар тарқатган эди. Давр нафаси бунинг қанчалик қийинчилик билан ташкил этилганини ифодалаб турибди. Ўшанда илк йўлланма олган, хотин-қизлар озодлиги, эрки, ҳуқуқи учун курашганларнинг эзгу ниятлари йиллар оша мукаммаллашиб, камол топиб борди. Ватан учун бўлган жангларда, қонли, суронли кунларда аёлларнинг куч-қудрати, жасорати тан олинди. Қўлга киритилган ютуқ ва муваффақиятларга даҳлдор бўлди улар...

«Ёшлар мендан қайта қуриш нималарда ўз ифодасини топаяпти, деб сўраб қолишади. Бу саволга лўнда қилиб жавоб беришим қийин. Чунки қайта қуриш кўп нарсага боғлиқ. Аммо муҳими — Инсон. Кейинги йилларда йўл қўйилган жиддий хатоларни тузатиш, демократияни мустаҳкамлаш ҳам,

Бу сонда:

Комсомол: эртанги кун вазифалари
Ўз-ўзини бошқариш
Қинғир ишнинг қийиғи
Билағонлар конкурси
Биринчи муҳаббат
Улғайиш
Паҳлавоннинг ўғирланиши

www.ziyouz.com kutubxonasi



Республикамиз комсомоллари қайта қуришни қандай амалга оширмоқдалар! Бу борада қандай муаммолар мавжуд! Комсомолларнинг бугунги, эртанги вазифалари нималардан иборат! Мухбирларимиз шу хусусда ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари Евгений Гревцов билан суҳбатлашдилар.

КОМСОМОЛ. эртанги кун масъулияти

Евгений ГРЕВЦОВ

Мухбир: Иттифоқ ва республика комсомоллари анжумани бўлиб ўтганига бир йил бўлди. Шу давр ичида республика комсомоли ҳаётида қандай ўзгаришлар юз берди!

Е. Гревцов: Нима учун комсомол ташкилотлари фаолияти ёшларнинг туб манфаатлари, қизиқишларидан ажралиб қолди? 1987 йил биз учун ана шу сабабларни чуқур, объектив, энг муҳими ҳалол ўрганиш йили бўлди. Натижада комсомол ташкилотлари фаолиятидаги бюрократизм, формализмнинг манбаалари аниқланди, ёш авлодни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашдаги, комсомол кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги жиддий хатолар сабаби ўрганилди. Ишни шундай ўрганиш олға томон ҳаракатланишимизнинг йўналишини аниқлашга имкон берди, ВЛКСМ XX, ЎзЛКСМ XXIII съезди, ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи пленуми қарорларида ҳам у ўз ифодасини топди. Шуни таъкидлаш лозимки, бу иш кабинет характерида бўлмади, унда барча комсомол ходимлари, шунингдек, ташкилот оддий аъзоларининг коллектив фикри ифодаланди. Демак, ўтган йилнинг асосий якуни истиқболдаги аниқ программанинг ишлаб чиқилганлиги бўлди.

Биз фақат ишни ўрганибгина қолмай, изланишлар ҳам олиб бордик. Тўғри, бир йил ичида қандайдир ҳайратомуз ўзгаришлар бўлишини кутиш қийин, лекин ижобий силжишлар, албатта бор. Айниқса, комсомол ташкилотларидаги одатий «қониқиш» туйғулари ўрнини бугун ишга масъулият, қониқмаслик ҳисси эгаллаётганлиги муҳимдир. Сайлов органлари фаолиятини баҳолашга жиддий ёндошишнинг намунаси сифатида қуйидаги фактни келтириш мумкин: ўтган ҳисобот ва сайловларда 237 бошланғич комсомол ташкилотларининг секретарлари фаолияти «қониқарсиз» деб топилди.

Демократиянинг асосий белгиси — аппарат эмас, сайлов органлари мавқеи ошганлигидир. Бу жиҳатдан ЎзЛКСМ Марказий Комитети ишининг ўзи қайта кўриб чиқилмоқда. Биз ўз структурамизни ўзгартирдик; ўзини оқлай олмаган олти комиссия ўрнига, ҳозир биз ЛКСМ Марказий Комитети аъзоларидан тузилган тўққиз бўлим фаолиятига таянамиз.

Фаолиятнинг янги услубига ўтишдан аввал биз республика Марказий Комитетининг оддий аъзолари — ишчи, колхозчи, хизматчилар — ўз вазифаларини маълум тайёргарликсиз уддалай олмасликларини тушундик. Улар бир ҳафта давомида республика комсомол мактабида лекция тингладилар, турли баҳсларда иштирок этиб назарий билимларини оширдилар. Энди ўз билимларини амалиётга — бўлимларнинг конкрет ишига, бюрога масалаларни тайёрлашга татбиқ этадилар. (Сир эмас, мунтазам равишда командировкаларга чиқилса-да, ЛКСМ Марказий Комитетининг барча ходимлари ҳам кабинетча фикрлашни енгишга муваффақ бўлавермайдилар.)

Яқинда Марказий Комитет бюросида Қўқон шаҳар 13-болалар боғчасининг тарбиячиси Неля Пименова Тўрткўл район комсомол комитетининг йигит ва қизларда рус тилини ўрганишга эҳтиёжни тарбиялаш борасидаги ишлар ҳақида бамаъни, батафсил сўзлаб берди. Неляда бунақа чиқиш тажрибаси йўқ эди, лекин фикрини яхши ифодалай олди. «Бевосита алоқа»лар ўтказиш ҳам анъанага айланиб қолди. Улар область комсомол комитети бюро аъзолари, ВЛКСМ XX съезди делегатлари, ёш депутатлар ҳам иштирок этташкилотларга келадиган ҳужжатлар «оқими» ҳам сезиларли даражада қисқарди. Агар 1986 йилда ЛКСМ Марказий Комитети бюросида 332 та масала кўрилган бўлса, 1987 йилда бу рақам 172 тага тушди — фарқни сезяпсизми? Шунга мувофиқ секретариатда ҳам 1986 йилда 1956 масала кўрилган бўлса, ўтган йили бу рақам 643 тага тушди.

Лекин ҳар эҳтимолга қарши рақамлар билан иш кўриш одати кўпгина комсомол ходимларида сақланиб қолди. Бу каби фактлар аниқланганда ЛКСМ Марказий Комитети уларга принципиал баҳо бериб келмоқда. Муҳими, барча даражадаги бюрократларга ҳам шундай зарба беришдир.

Мухбир: Комсомолга «Ўнта-ўнталаб», яъни оммавий суратда қабул қилавериш ташкилотнинг обрўсини сезиларли равишда тўкиб қўйди. Ҳозир бу борада қандай ишлар олиб борилмоқда!

Е. Гревцов: Ҳа, комсомолга оммавий суратда қабул қилавериш вабодай хавфли касалликка айланган эди. Мактабларда деярли ҳаммани автоматик тарзда аъзоликка қабул қилинар эди. Натижаси нима бўлди? Оқибатда моқдалар. Барча саволларга конкрет жавоб берилмоқда. Муаммолар назоратга олиниб ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда.

Комсомолнинг обрўси унинг амалдаги ишлари билан белгиланади. Республика комсомолининг XXIII съездида ижтимоий аҳамиятга молик вазифалар белгилаб олинган эди. Булар саноатга, қишлоқ хўжалик тармоқларига оталиқ ёрдами кўрсатиш, ёшлар кафеларини, видеобарларини қуриш ва бошқалар. Съездда қўйилган вазифаларнинг учдан бир қисми амалга ошириб бўлинди.

Даврнинг яна бир муҳим белгиси маълум шароитдан келиб чиққан ҳолда ўз муаммоларини аниқлаш ва уни конкрет ҳал қилишдир. Қотиб қолган бир хилликдан аста қутулиб боряпмиз. Масалан, Фарғона область комсомол комитети бошланғич комсомол ташкилотларига бевосита ёрдам кўрсатиш учун комплекс бригадалар чиқишларини ташкил этмоқда. Самарқанд Давлат Университетида тузилган жамоат комиссияси ёш мутахассислар, стипендия, ётоқхона тақсимоти масалаларини ҳал қилади. Тўпланган тажрибани оммалаштириш мақсадида «Қайта қуриш одимлари» деган махсус тўплам чиқаряпмиз. Лекин бу деган сўз бирон бир соҳадаги илғор тажрибани тўғри келса-келмаса ҳар бир ташкилот оммалаштириши шарт, дегани эмас...

Мухбир: Комсомолда қоғозбозликка чек қўйиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда!

Е. Гревцов: Қоғозбозлик — комсомолнинг сурункали давом этиб келаётган касалликларидан бири саналади. Ундан қутулиш учун анча ишлар қилинди: комсомол комитетларидан сўраладиган информацияларнинг қатъий рўйхати белгилаб қўйилди. Ундан ортиғини талаб қилиш тақиқланди. Юқоридан бошланғич бугунга келиб ҳар ўнта комсомол аъзосидан бири аввалги иш ёки ўқиш жойидан учётдан чиқмаёқ ташкилот билан алоқаларини уздилар. Кейинги вақтларда вазият анча ўзгарди. ВЛКСМ сафига кирмоқчи бўлганларга талаб анча ошди. Буни рақамлар тили билан шундай исботлаш мумкин: агар 1984 йили комсомолга 318 минг ўқувчи, 37 минг ишчи, 18,5 минг колхозчи қабул қилинган бўлса, 1987 йилда 238 минг ўқувчи, 8 минг ишчи, 5,2 минг колхозчи қабул қилинди. Бу гапларга изоҳнинг ҳожати йўқ, чамамда. Ҳозир бизни бошқа ҳол ташвишга солмоқда. Ўқувчилар сони ортяпти-ю, комсомолга қабул кескин қисқаряпти. Шундай ташкилотлар ҳам борки — булар оз эмас — 1987 йил давомида комсомолга биронта одам қабул қилишмаган. Комсомол комитети аъзолари ёшларни ташкилотга қабул қилишга тайёрлашдан ўзларини соқит қилиб олдилар. «Ким комсомолга ўтмоқчи бўлса, ўзи айтар», деб. Баъзан бундан ҳам ошириб юборишади — қабул қилувчи комиссия аъзоликка ўтмоқчи бўлган ёшни синаш учун туйқусдан «Шри Ланка ёҳуд Мадагаскарда ҳозирги кунда аҳвол қандай?» қабилидаги саволларни қалаштириб ташлайди. Жавоб ололмаса, аъзоликка ўтиш истагида келган ёшни сиёсий жиҳатдан ҳафтафаҳм ҳисоблаб, уни қабул қилмайди. Бунақада ахир комсомол ташкилотдан мазҳабга, яъни кўпчиликдан ажралган тўдага ўхшаб қолади-ку!

Комсомолга «ўнта-ўнталаб» ўтказиш қанчалар нотўғри бўлса, ёшлардан ажралишга олиб келадиган бунақа йўл ҳам шунчалар номақбулдир!

Мухбир: Ёшларнинг норасмий ташкилотлари ҳақида нима дея оласиз!

Е. Гревцов: Аввалам бор уларни норасмий деган ибора билан аташ менга эриш туюлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ташаббуслимией, ёки ҳаваскорлик ташкилотлари десак, эҳтимол тўғрироқ бўлар. Уларнинг кўпайганлиги ёшларнинг ижтимоий ҳаётга, маданият, санъатга, янгича тарздаги муомалага эҳтиёж уйғонганлигидан далолат беради.

Уларнинг тузилганлигининг расмий характери сабабини, комсомол комитетларининг эътиборсизлиги, билъакс уларга қарши курашганлигидан қидириш тўғрироқ бўлади. Ёшларнинг қизиқишларидан кўз юмиб бўлмаслигини ҳаёт тасдиқлади. Ҳозир бой берилган вазиятни ўнглаш — бундай ташкилотларга зарур ёрдамни бериш, уларда туғилган ғоялар, олиб бораётган ишларига бефарқ бўлмаслик керак.

Яқиндаям «хэви метал», «брейк» — бу бизники эмас, бунга қарши курашиш керак, қабилидаги хитоблар эшитиларди. Ҳозир ишонч билан айтиш керакки, бундай ёндошиш эскирди — ёшлардан ажралиб алоҳида бўлиб қолиш мумкин. Комсомол комитетлари эса норасмий ташкилотлар билан қарама-қарши тарафга юрмаслиги керак.

Ҳозир бизга клублар керак. Клуб учун жой йўқ деб ўзимизни алдамайлик. Шинамгина сиёсий маориф уйлари бор — ўша ерда клуб очиш керак. У ерда қулоқни қоматга келтирадиган музика бўлиши, анвойи чироқлар ўчиб-ёниб туриши шарт эмас. Мушоиралар ўтказиш, тасвирий санъат, кино ва бошқа турли соҳалар бўйича суҳбатлар, баҳслар ўтказиш мумкин.

Биз ёшларга шундай шароитлар яратиб беришимиз лозимки, токи улар арзон-гаров кўнгилочарликка эмас, чин маънодаги маданиятга интилсинлар. Ҳаваскорлик ташкилотлари бу борада қўл келиши турган гап.

Мухбир: Гап ёшларнинг маданий савиясига келиб тақалган экан, кейинги пайтларда ёшларнинг умумий маданий савияси тушиб кетганини нима билан изоҳлаш, бу бўшлиқни қандай тўлдириш мумкин?

Е. Гревцов: Баъзи ёшларнинг «айниши» бу асосан давр билан боғлиқ. Кейинги йилларда биз қанча «қаҳрамон»larимиздан воз кечдик. Ёшлар босар-тусарини билмай қолган кўпгина олғир одамлар кўтар-кўтар қилинганини кўрмадиларми?! Бу ҳол беихтиёр одамни маънавий депсинишларга олиб келган. Бизнинг вазифамиз — ёшларни ҳақиқий зиёли қилиб тарбиялаш, ўзгалар дардини ҳис қила оладиган, ахлоқий қонунларимизни оёқости қилишга журъат этолмайдиган қилиб шакллантиришдир. Шунда бундай ёшларнинг маданиятга талпиниши табиий бўлади. Ўшандагина бундай ёшларга Америкада ўзбек миниатюрасининг ажойиб виставкаси очилгани ҳолда Ўзбекистоннинг ўзида кўпгина халқ ҳунармандчилиги уни эгаллайдиган ворислар чиқмаётганлиги учун ҳам йўқолиб бораётганлиги жуда уят туюлган бўларди. Бугунги кунда ёшларни гўзаллик олами билан ошно қилиш ҳамда шу йўл орқали юксак ахлоқий қадриятларни тарбиялашнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бу борада комсомол комитетлари ўз сўзларини айтиши керак. Ҳозир улар кафе, видеобарлар очишга астойдил берилиб кетишди. Буям керак, лекин у ерда қулоқни қоматга келтирадиган музика ва ўчиб ёнадиган ўнлаб анвойи чироқлар бўлиши шарт эмас — мушоиралар ўтказиш, тасвирий санъат, кино ва бошқа турли баҳс кечалари ўтказиш мумкин. Эҳтимол, шу йўл ҳақиқий маданиятга эришишда илк қадамлар бўлар.

Тасвирий санъат тарғиботини ҳам йўлга қўйишимиз керак. СПТУ, мактабларда расмлар кўргазмасини очиш ғояси ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Келинглар, шу ишга киришайлик!

Мухбир: Бошланғич ташкилотларни қай йўл билан ғоялар туғиладиган масканга айлантириш мумкин?

Е. Гревцов: Ғоялар эмас, амалга ошириладиган ишлар масканига десангиз-чи? Ғоялар ҳамма вақт тўлиб ётади. Уларни амалга оширгувчи азаматлар камроқ холос. Бунинг учун нима қилиш керак. Союзнинг янги аъзолари билан ишни йўлга қўйиш даркор. Мудраб ётган комсомол комитетларини уйғотиш, фаолиятсиз активларни чақириб олишни кўпроқ амалга оширишимиз керак. Мана сизга қоғозда эмас, амалда ташаббусни фаолиятга айлантирган ташкилотлар: Навоий шаҳар комсомол комитети ёшларнинг «Уй-жойни ўз қўлимиз билан барпо этамиз» ҳаракатига раҳбарлик қилмоқда. Сурхондарёда комсомоллар Бойсун болалар уйи тарбияланувчиларининг ҳаётини суғурта қилдиришибди. Ёшларнинг кўнгилочар бар, кафе, дискотекаларини ташкил этишда наманганликлар пешқадамлик қилишмоқда.

Андижондаги олий ўқув юрти талабалари ҳар шанба маҳаллаларга бориб, болаларга рус тилини ўргатишмоқда. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Энди гап сизларда — журналистларда қолди: яхши тажрибаларни ўрганинглар, тарғиб қилинглар, оммалаштиринглар.

Мухбир: Баъзи ёшларнинг ғарб маданиятига сажда қилиши ҳақида нима дейсиз?

Е. Гревцов: Олдин иборани аниқлаб олайлик, маданиятга эмас, оммавий маданиятга десак тўғрироқ бўлар. Бунинг учун ёшларнигина айблаш тўғри келмас. Ахир ғарбни хунук кўрсатиш баробарида биз савияси мундайроқ «Абба» ва «Бони М» ансамблларини пластинкаларини кўпайтиришга зўр бердик. Лекин Ғарбнинг ҳақиқий маданияти ёшларга доим ҳам етиб бормаганини ўйламадик. Ҳозир аҳвол ўзгаряпти. Мамлакатимиз бой маданиятга эга, лекин биз «ўзимизники»ни «ўзга»ларга қарши қўймаслигимиз керак. Ҳақиқий ижодкорнинг асари — у қаерда яшагани, яшаётганидан қатъий назар мухлислари учун доим азиз бўлаверади. Муҳими, ҳақиқатни қалбакисидан фарқлашдир.

Мухбир: Телевидениедаги чиқишларидан бирида ВЛКСМ Марказий Комитети биринчи секретари Виктор Мироненко комсомолдаги қайта қуришни «озчилик одам майдонда актив ҳаракат қиладиган, кўпчилик уни пассив томоша қиладиган футбол ўйини»га таққослаган эди. Республикамиздаги мавжуд аҳвол ана шу таққос кўзгусида қандай кўринишда деб ўйлайсиз?

Е. Гревцов: Учинчи тоифадагилар ҳам бор — «футбол ўйини»ни пассив томоша қилишга умуман келмаганларни ҳам назардан соқит қилиб бўлмайди. Демак, улар комсомолдаги қайта қуришдан умуман четга чиқиб қолишган. Уларни камайтириш учун эса ишлаш керак.

Мухбир: Комсомол съездларининг баъзи делегатлари жуда пассив фаолият кўрсатмоқда деб ўйламиз...

Е. Гревцов: Ошкора бўлайлик. Кундалик ташвишлар билан ўралашиб баъзи делегатларимиз ўз делегатлик бурчларини унутиб қўйдилар. Биз уларнинг ҳар бири съезд мандатини ўтаб беришлари кераклигини тушунишларига имкон беряпмиз.

Тошкент трактор заводининг ишчиси Равшан Абдуқодиров фаолияти бу жиҳатдан ибротомуз. У Москвада ВЛКСМ XX съездида ўзига юқтирган ишчанлик кайфиятини бир дам сусайтиргани йўқ. Унинг ВЛКСМ XX съезди ҳақидаги ҳисоботи қуруқ ҳисобот эмас, бирлашма комсомолларининг амалий ишлари учун ҳақиқий программа бўлиб хизмат қилмоқда.

Яна бир мисол. Тошкентдаги авиазавод ишчиси, ЎзЛКСМ XXIII съезди делегати Олег Свиязовга пленумда: «Сен ўз дўстларингдан нима билан фарқланасан?» деган ғалати савол тушди. «Улар бирон-бир тўсиқни бартараф қила олмай, четга чиқишлари мумкин, мен эса чекинмайман» деб жавоб берди делегат.

Комсомол аъзоси учун съезд делегати бўлиш шарафгина эмас, жиддий масъулият ҳамдир.

Мухбир: Комсомолнинг соғлом турмуш тарзи учун курашдаги ўрни қандай?

Е. Гревцов: Сабабларни яхши ўрганмай оқибатнинг ўзи билангина иш кўриб мақсадга етиб бўлмайди. Милиция, дружиначилар, ОКОД тўполонларни тинчитишаётиб, моҳиятан оқибат билангина курашишади, нима учун шундай бўлганлигини аниқлашмайди. Пиянисталикнинг туб илдизлари ҳақида ўйлаш ҳаммамизнинг бурчимиз. Маданий савиянинг пастлиги, бачкана эҳтиёжлар, қалбсизлик — мана, ўйлашимча пиянисталикнинг асосий сабаби!

Мавзудан хиёл четга чиқиб кўрай. Яқинда Қорақалпоғистондаги техникумлардан бирида бўлишга тўғри келди. Болалардан «қайси бирларинг Хивани бориб кўргансизлар?» деб сўрадим. (Бутун дунёдан туристлар ошиқадиган Хива бу ердан ниҳояти 70 километрча масофада). Бироита боладан садо чиқмади. Эҳтимол, уларга Хива қизиқ туюлмас, деб ўйларсиз. Бироқ, улар нимага қизиқишини ҳарчанд суриштирсам-да, аниқлай олмадим. Маънавий бўшлиқдан фақат билиш, кўриш, яратиш эҳтиёжи туфайлигина қутулиш мумкин. Бундай эҳтиёжни инсон ҳаётининг энг ёш чоғлариданоқ махсус тарбиялаш керак.

Мухбир: Суҳбатимиз сўнгида республика комсомоллари олдида бугунги кунда турган вазифаларни белгилаб олсак...

Е. Гревцов: Бу вазифалар ВЛКСМ XX съездида белгилаб берилган. Вазифалардан бири сифатида мен ёшларнинг мамлакат иқтисодий ислоҳотидаги иштирокини кўрсатган бўлур эдим. Тараққиётимиз марралари янги шароитларда ёшлар қандай ишлашларига боғлиқдир. Бугун ҳар қачонгидан ҳам илмий-техник ижодкорликни ривожлантиришни давр тақозо этмоқда. Бу борада илк қадамлар қўйилди. «Союзхлопок» бирлашмаси ва Чиноз район «Қизил Октябрь» колхоз комсомол комитети ҳамкорликда чиқарган қарорлари билан Ёшлар комплекс ижодий коллективи тузилди. Ҳамкорлик ҳақида шартнома битилди. Энди «Қизил Октябрь» колхозида тузилган комсомол ёшлар коллективи ёрдамида далаларда қишлоқ хўжалик фанларининг энг янги ютуқлари қўлланила бошланди. Журналингиз бу ҳақда ҳикоя қилган эди. Ўйлайманки сизлар бу мавзуга тағин қайтарсизлар.

Ишлаб чиқариш корхоналари ҳақида кучга кирган Қонун олдимизга талайгина муаммоларни кўндаланг қўйиши аён. Жумладан, корхона ҳисобидаги ишчилар сони кескин камайиши мумкин. Демак, комсомол ташкилоти ходимлари ёшларни ишга жойлаштириш муаммоси билан жиддий шуғулланишлари керак. Комсомол ташкилотларининг молиявий мустақиллиги ошмоқда — тажриба тариқасида бир қанча бошланғич ташкилотларга банкда счёт очиб берилган эди. Агар у ўзини оқласа, бу ишни охирига етказиши керак.

Жамиятни янада демократизациялаштириш, шубҳасиз комсомолга ҳам тегишлидир. Бунда биз ўтган, биз учун муҳим бўлган йилда тўплаган тажрибамизга таянамиз.

Комсомол ходимининг қиёфаси ҳам кўп жиҳатдан ўзгариши керак. Область, шаҳар, район комсомол комитетларида бирон нарса ўзгармагунча қайта қуриш бўлмайди, деб асосий вазифани уларга юклайдиган оддий комсомол аъзолари ҳарҳолда қайта қуришни ўзларидан бошлашса ёмон бўлмасди.

«Демократия сабоқлари»ни — ўқувчиларнинг халқ ҳокимияти органлари вакиллари билан учрашувини давом эттиришни режалаштириб турибмиз. Комсомолнинг халқ депутатлари билан алоқаси ҳам мустаҳкамланиши, ёшлар манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мавҳум бўлиб қолмаслиги керак. Биринчи даражадаги вазифамиз — ёшларнинг гражданлик активлигини кучайтириш, уларнинг маънавий тарбиясига эътиборни оширишимиз керак.

«Ёш куч» журналхонларидан журъат ва ташаббускорликни, ижодий беҳаловатликни ҳамда эртанги кун масъулиятини чуқур тушуниб етишларини истардим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚИЗЛАР КЕНГАШЛАРИ НИМА УЧУН КЕРАК?

Гўё ҳаёт қонунига айланган ҳақиқат каби аксарият ҳолда мана бундай аҳвол юзага келади:

Бошланғич синфларда илғорлик кўпинча қизлар тарафида бўлади-ю юқори синфларга бориб фанларда бир қанча мураккабликлар юзага келар экан, бирдан ўғил болалар актив бўлиб қоладилар.

Нега?

Бўй чўзиб, онасига дастёрлиги ортиб қолган қизлар вақтдан ютқазадиларми?

Буни ўнтадан битта бўлса ҳам фанларни «аъло» ўзлаштиргани-ю рўзғорга ўқувининг зўрлигини намойиш этувчи қизлар мисолида рад этиш мумкин. Ҳа, бундай қизлар кўп бўлади; одобу ҳулқи жойида, ўқитувчиси-ю ота-оналар хурсанд. Бундайлар ҳаётда ҳам қоқилмайди: институтни битказиб, ғалвасиз, тинчгина ишлаб кетишади.

Масалага жиддий ёндошиб, уни синчиклаб текширадиган бўлсак, улар кўпчилигининг ижтимоий ҳаётида қайсидир томон оқсаган, жамоат ишларига умуман қатнашмаган ёки бўш вақтининг бирон қисмини ўзи учун қизиқарли бўлган машғулотларга, жумладан, тўгаракларга қатнаш, кино ва театрларга боришга сарфламаган бўлади. Ишлаб чиқаришдаги фаолият даврида эса у жамоат ишига зарурият сезмайди, ўзига хос ташаббускорлик унда ҳеч қачон туғилмайди, умуман активлик деган нарса йўқолади. Кейинчалик бундай аёлнинг мақсади, иш вақтини амал-тақал билан ўтказиб, рўзғори учун қайғуриш бўлиб қолади. Бу жойда балки муболағани ҳаддан ошираётгандирмиз, бироқ ҳар нарсага иқтидорли аёлларда маънавий қолоқлик шундай пайдо бўлмайдими?

Еки аксинча, жамоат ишларида актив қатнашадиган, куйди-пишди, дарсдан кейин мактабда кечгача қолиб кетадиган қизларнинг оилага ёлчиб нафи тегмайди.

Ўзини илм-фанга бағишлаган кўпчилик қизларнинг турмушдаги нўноқликларига қандайдир сабаб бордир ахир?!

Хуллас, қизлар оламига оид ана шундай муаммоларнинг кетма-кет туғилиб келаётганига ҳаётни айблай олмаймиз, бунинг замирида ёлғиз қизларнинг ўзига боғлиқ чигалликлар ётади...

Хотин-қизлар кенгашлари... хотин қизларни халқ ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларига ва қизиқишлар бўйича клубларга, физкультура ва спорт билан шуғулланишга, территорияларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига жалб этади. Уй-рўзғор ишларини юритиш бўйича хотин-қизларнинг ўқишини ўтказади, уларнинг куч-ғайратини соғлом, маданий турмушни ташкил этишга, аҳолига кўрсатиладиган уй-жой — коммунал, маиший, медицина, савдо хизматини яхшилашга қаратади.

Хотин-қизлар кенгашлари тўғрисидаги НИЗОМдан.

Республика хотин-қизларининг V съездидан кейин хотин-қизлар кенгашларининг вазифалари янада аниқлашди, кенгашлар иш планлари асосида фаолиятларини бошладилар. Биз шу муносабат билан жойларда бўлиб қизлар кенгашлари ишларига қизиқдик. Ўқитувчилар, мактаб директорлари, билим юрти раҳбарлари, ота-оналар, қизлар билан суҳбатлашдик. Суҳбатларимизда ўз-ўзидан шундай савол туғилди: «Хотин-қизлар кенгашларининг иши ҳар томонлама қизиқарли бўлиши мумкин, лекин ўқув юртлари, мактабларда кенгаш қилиши лозим бўлган ишларни пионер, комсомол ташкилотлари бажараётган бир пайтда яна қизлар кенгашлари шартмикан?» Бир жиҳатдан мулоҳазаларда жон бордек, лекин қизларнинг ўзлари муҳокама қиладиган ишлари, ўғил болаларсиз ҳал қиладиган масалалари йўқми? Қизлар кенгаши фақат ўзаро сирлашиш учун керакми? Қиз бола қиз бола-да! Қиз болаларга алоҳида эътибор албатта зарур!

Мулоҳазалардан айримларини журналхон ҳукмига ҳавола қиламиз.

Шарифа Боймурзина — Қорақалпоғистон АССР, Тўрткўл районидаги пионерлар уйининг директори, республика хотин-қизларининг V съезди делегати:

— Съезддан хурсанд бўлиб қайтдим. Пионерлар саройимизнинг навбатдаги ишларида қизлар билан ишлашни қайта қуриш кераклигини ўйладим. Съездда айтилган гаплардан мени ўйлантиргани шу бўлдики, қиз бола келажакда қандай инсон бўлиб етишмасин у аввало уй бекаси бўлиши керак. Ҳа, қиз бола биринчи навбатда бекаликни ўрганиши керак. Кийимининг сўкилган жойини тикиб кия оладими, укасининг тугмаси узилган бўлса онасини кутиб турмай қадам қўядими? Еки онаси ишдан келишига кечки овқатнинг майда-чуйдасини тайёрлаб турадими, кир ювиш, дазмол қилишдан ўзини олиб қочмайдими?

Дарвоқе, оналаримиз кун бўйи ишдалар, қизлар бекаликни кимдан ўрганадилар? Оилада бувилари бор хонадонлар учун яхши. Бувимиз қизим ундай қилинг, бундай қилинг деб кўрсатиб ишимизни баҳолайдилар. Лекин, бувижонлари алоҳида турадиган қизлар-чи? Дарсдан бўш вақтларида фақат китоб ўқиб, телевизор кўрадиларми? Тўғрироғи, худди шундай, ҳатто сакқиз, тўққизинчи синфда ўқийдиган қизларнинг кўпчилиги уй тутишни, осонроқ овқатларни пиширишни билмайдилар. Шундай экан, пионерлар саройининг қизлар қатнайдиган тўгараклари ҳам она, ҳам буви ўрнига ўтиши керакмасми? Керак! Бу ишда мактаб қизлар кенгашларининг ёрдами зарур бўлади. Кенгаш қиз боланинг вақтни қандай ўтказаётганига қизиқиши лозим. Қиз бола учун бекорчи вақт бўлмаслиги керак. Саройимизда ўнлаб тўгараклар ишлаб турибди. Бичиш-тикиш, тўқиш, пазандалик, уй тутиш, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларимизда йил давомида машғулотлар ўтади. Лекин биз қизларнинг тўгарак ишида фаоллигини кўрмаяпмиз, ўйлаймизки, мактабларда тузилган қизлар кенгашлари қизларнинг касб-ҳунар ўрганишига эътибор беради, уларнинг мактабдами, пионерлар саройидами бирор тўгаракка қатнашига таъсир ўтказади. Оналаримизнинг «қиз боланинг ўргангани ўзига, қилган иши онасига фойда» деган гаплари бежиз айтилмаган.

Тошкент шаҳар, Чилонзор район мактабларидан бирида ота-оналар йиғилиши бўлди. Йиғилиш ўзўзидан қизлар билан болалар ўртасидаги муомаланинг ёмонлигига бориб тақалди. Ўғил болалар қизларни ҳурмат қилишмас экан. Шу синфда ўғли ўқиётганлар қизларни, қизлари борлар ўғил болаларни айблашди. Айрим ота-оналар мактабда тарбиявий ишлар яхши эмас, деди.

Ота-оналарнинг сўзларидан парчалар:

— Кўпгина қизларимиз кўчада, жамоат жойларида ўзларини тута билмайдилар. Баланд овоз билан гаплашиш, кулиш қиз бола учун одобсизлик ҳисобланади. Лекин ўзини доим эркин ҳис қилувчи қизларимиз мулойим, уятчан тенгдошларини қолоқликда айблаб «қишлоқи» деб бурнини жийирадилар. Шундай ҳолатлар кўпроқ кўча-кўйда, мактабда содир бўлади.

— Менинг қизим кеча байрамга олиб берган кўйлагимни жуда оддий, киймайман, деди. Дугоналари юз сўмлик материаллардан кўйлак тиктираётган эмиш. Бу кўйлакни кийишга уялармиш. Мен унга ўқувчилар учун мактаб формаси энг чиройли либослигини, ҳар хил латта-путталарга қизиқиш ўқувчига хос эмаслигини тушунтиролмадим. Энди нима қилиш керак, ахир саккизинчи синф ўқувчиси ҳозирдан шу қадар кийим-кечакка берилаётган бўлса унинг келажаги қандай бўлади?

Тошкентдаги 138-мактаб директори Дилбар Азимова сўзи:

— Қизлар кенгашлари ҳақида гап-сўзлар бўл-

ЁШЛАРНИНГ ТЕХНИК

Республикамиз ишлаб чиқаришида ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг меҳнатлари орқали техник-иқтисодий кўрсаткичлар бирмунча ошиб бормоқда. Бироқ, ошкора айтадиган бўлсак саноатимиздаги ёшларнинг меҳнатга тайёргарлиги талаб даражасида эмас.

Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Жумладан, завод ва фабрикаларимизда техникавий қолоқлик бор. Бу ҳам етмаганидек ёш ишчилар жудаям уқувсиз. Кенг билимга эга эмаслар, корхоналарининг ишлаб чиқариш экономикасини билмайдилар. Ўзлари бошқараётган станокларга бирон янгилик, ўзгартишлар киритиш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ахир ишчи станокнинг қулига айланмаслиги керак. Акс ҳолда, биз саноатда қайта қуришларни жадаллата олмаймиз.

Ҳозир республикамизда 253 та пионер ва ўқувчилар саройлари, 101 та ёш техник станциялари ишламоқда. Бу муассасалар қошида техника клублари алоҳида ўрин эгаллайди. Масалан, Наманган область ДОСААФи қошида ёшларни техника ижодиётига жалб қилиш ниятида авто — ва мото спорт техник клублари ташкил қилинган. Бу клубларда ёшлар техникага оид билимларини оширибгина қолмай, оммавий спорт мусобақаларида, туристик маршрутларда ҳам қатнашадилар. Ҳар йили область комсомол комитети, район ва шаҳардаги спорт-техника клубларининг оммавий кўригини ўтказади. Бу кўрикда ёшларнинг техникани бошқариш бўйича олган кўникмалари синаб кўрилади, улар ясаган техника моделлари намойиш этилади. Айни пайтда Тошкентда, Ангрен, Чирчиқ шаҳарларида радиоспортчилар секциялари ишлаб турибди. Киров районидаги 259 ва 260, Куйбишев районидаги 190-ўрта мактабларда радиотелеграф, радиопеленгация тўгараклари самарали ишлаб турибди.

Худди шунингдек ёшларнинг ҳаваскорлик техника ижодиётини ривожлантириш ниятида ёш техниклар станциялари анча ибратли ишларни амалга ошираётганини кўрамиз. Жумладан, Наманган область болалар техник станцияси қошида ўн битта уюшма ташкил қилинган. Уларда болалар автотранспорт, радиотехника, кино-фото, автоматика ва телевидения, электрон-ҳисоблаш машиналари билан танишадилар, микромоделлар ясайдилар.

Ҳаваскорлик техника тўгараклари клуб муассасаларида ҳам мавжуд. Масалан, Наманган район Маданият саройида ёш радиоҳаваскорлик уюшмаси, Наманган шаҳар 3-Маданият уйида эса ёш велотехниклар тўгараги очилган.

Аммо республикамизда ҳаваскорлик техника ижодиётини махсус ўрганиш бу соҳада жиддий ўзгаришлар қилиш зарурлигини кўрсатди.

Ёш техниклар станциялари ва клуб муассасаларига ҳаваскорлик техника ижодиётини ташкил қилишда ғов бўлаётган иккинчи масала бу зарур кадрларнинг етишмаслигидир. Шу пайтгача на ёш техниклар станциялари учун, на клуб муассасаларида техник тўгаракларни очиш ишларини ташкил қилувчи кадрлар ҳеч қаерда тайёрланмаган. Шу боисдан станцияларда мавжуд тўгаракларни дуч келган кишиларга топширишга тўғри келмоқда. Шундай бўлгач, ўқув-тарбиявий ишларнинг сифати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Яна бир муаммо. Маълумки техник тўгаракларни зарур станокларсиз, асбоб-ускуналарсиз, турли-туман материалларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳатто уларни сотиб олиш учун маблағ бўлганида ҳам ҳеч қаердан тополмайсан. Масалан, диапроекторлар, фильмоскоплар «анқонинг уруғи»дек гап. ЭҲМ тўгараклари учун зарур бўлган машиналар ҳали у ёқда турсин, ҳатто авиамодел, радиотехника тўгараклари учун зарур бўлган органстекло, фанер каби оддий материалларни сотиб олиш имкони йўқ. Республикамиз марказий шаҳарларида «Ёш техник» деган магазинлар йўқ. Ваҳоланки бундай магазинлар ва уларнинг филиалларини очиш вақти келди.

Республикамиз саноатида қанчадан қанча чиқиндилар мавжуддир. Булардан техника тўгараклари фойдаланса бўлади-ку. Бу ўринда республикамизда биринчилардан бўлиб яхши ташаббус бошлаган Чилонзор районининг тажрибасини ҳамма жойларда оммалаштирилса мақсадга мувофиқ бўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

масидан олдин ҳам мактабимизда қизлар билан алоҳида иш олиб борар эдик. Ўқитувчи Муяссар Расулова раҳбарлик қилган «Қизлар давраси» дарсдан ташқари вақтларни мазмунли ўтишини таъминлади. Одоб-ахлоқ масалаларида алоҳида суҳбатлар ўтказдик. «Балли қизлар!» конкурсларида эса соч турмаклаш, дастурхон безаш, фартук тикиш, салат тайёрлаш, чучвара тугиш каби мусобақаларга тайёрланиш жараёнида қизларимиз бу ҳунарларни аста-секин эгаллаб бордилар. Қувончлиси шуки, мактабимиз шаҳардаги 73-болалар боғчасини оталиққа олган. Боғча бизга берган материаллардан кичкинтойлар учун зарур нарсалар тикиб берамиз, ҳозир ҳам бу ишимиз давом этяпти. Эндиликда «Қизлар давраси» ўз номи билан — «Қизлар кенгаши» деб аталади. Қизлар кенгашлари ҳамма мактабларда албатта тузилиши, унинг иши расмиятчиликдан иборат бўлиб қолмаслиги, қизларнинг ҳаёт мазмунига айланиши керак.

Ҳа, Дилбар Азимова тўғри айтдилар. Хўш, қизлар ҳаётининг мазмуни нималардан иборат? Юқорида биз қизларнинг ўз сирлари дедик? Бу қандай сирлар экан, ёки ўсмир қизлар ҳақида «бу қиз ўқишдан бошқа нарсани ўйламаслиги керак» десак тўғри бўладими? Кўпгина ўқитувчиларимиз қизларда сал ўзгариш сезгудек бўлса «сен ҳозир ўқувчисан, фақат ўқишингни билишинг керак» деб танбеҳ берадилар. Ўқувчи «ўқувчи» бўлганлиги учун ҳам юрагини ҳаяжонга тўлдирган ҳолатни ўқитувчисига, умуман мактабдаги бирон кимсага айтгиси келмайди. «Барибир тушунмайди, фақат койишни билади» деб ҳафсаласи пир бўлади.

Редакцияга келган хатлардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— Ҳурматли редакция, менга маслаҳат беринг, хатимни журналда ёритган тақдирда ҳам исмимни ёзмаслигингизни илтимос қиламан. Чунки сиримни ўқитувчиларим билмаслиги керак.

Мен саккизинчи синфда ўқийман. 9-да ўқийдиган бир бола мени доим кузатиб юрарди. Яқинда, кўча эшигимиз тутқичида гуллар пайдо бўлди. У мени ҳурмат қилишини, у мен билан умрбод дўст бўлмоқчи эканлигини ёзади. У менга, сен ҳаммадан яхшисан, чиройлисан, сен ҳақингда кўп ўйлайман, дейди. Онам хатни кўриб қолиб, ҳеч гуноҳим бўлмаса ҳам уришдилар... Атрофимда ўзўзидан шунча гаплар бўлиб турса мен қандай қилиб нуқул китобни ўйлашим мумкин? Ўқишларим ёмон экан, деган хаёлга борманг, ҳаммаси яхши, лекин ўқувчилар китобдан бошқани ўйламаслиги керак, деган талаб тўғри эмас. Нега мен бошқа нарсаларни ўйлаяпман, мени тўғри тушунинг, мен ҳеч қандай ёмон иш қилганим йўқ. У ҳам аълочи, яхши бола. Унинг менга муносабатини ўқитувчиларимиз билиб қолгудек бўлса унга яхши кўз билан қарамайдилар, у бирданига ўқувчиликдан «чиқади», обрўси тушади. Уйлаб қоламан, рост гапириб дилингдагини айтсангда, маломат эшитсанг. Ичингда бошқа нарсаларни ўйлаб турганинг ҳолда тилинг бошқа нарсани гапирса яхши ўқувчи, деган ном олсанг? Шунга хафа бўлиб кетаман.

Салом билан М.»

Иккинчи хат:

«Ҳурматли редакция!

Яқинда онамнинг оналари вафот этдилар. Биз бувимизни яхши кўрардик, йиғладик, ачиндик, ёдимга тушсалар ҳамон хафа бўлиб кетаман. Лекин баъзи урф-одатларимиз инсон учун оғир бўлишини бувимнинг вафотидан кейин билдим. Марҳумнинг яқинлари, сал бўйига чўзилган болалар ҳам қирқ кунгача аза тутишлари, ойнакка қарамаслик, телевизор кўрмаслик, радио эшитмаслик, кулмаслиги керак экан. Бир йилгача кўк кийиш, махсикалишда юриш лозим. Бунинг устига ҳар хил маросимларда дастурхон безаш, қўй сўйиш керак. Ахир қиз бола ойнага қарамаса, сочларини тўғриламаса қандай қилиб мактабга боради. Телевизор, радио эшитмаса, дунёдаги гап-сўзлардан бехабар қолса у қандай инсон бўлади? Бунинг ўлиб кетган кишига нима фойдаси бор? Биз бувимизнинг хотирасини буларсиз ҳам ҳурмат қиламиз-ку! Шу ярамас одатларни деб уйда болалар телевизор кўришдан маҳрум бўлса, булар ўзи нимага керак?

Ҳурмат билан ОЙНАҚУЛОВА М.
Душанба шаҳри»

Хатларни ўқишдан тўхтаб, яна қизлар кенгашларининг вазифаларига қайтамиз. Қизлар оламига чуқурроқ кириб борар эканмиз, мактаблар, билим юртларида, ишлаб чиқариш корхоналарида — ҳамма, ҳамма жойларда, қизлар билан қиладиган ишларимиз кўлами кенгайиб боришини сезамиз. Нега энди мактабга хафақон келган дугонамизнинг ички дунёси қизлар кенгашини қизиқтирмайди. Дугонамиз бошини эгиб, бир йил давомида мотам либосида юрса-ю, биз уни ҳис қилмасак?

Керак пайтда маслаҳатлашгани бирор ишончли одам тополмаганимиз бизни ташвишга солмаса, нега кўпинча рост сўзлар эриш туюлади?

Кўпгина ўқитувчиларимиз, тарбиячиларимизнинг қизлар билан «суҳбатлар» фақат кимнингдир нотўғри хатти-ҳаракати сезилиб қолгандагина ўтиши керак деган тушунчалари эскирганлигини ҳаёт ўзи кўрсатиб турибди. Йирик корхоналарда хотин-қизлар кенгашлари қандай тартибда тузилса билим юртлари ва мактабларда ҳам шу қоида асосида тузилади. Аввало хотин-қиз ўқитувчилардан мактаб қизлар кенгашига раҳбарлик қила оладиган тажрибали ва жонкуяр педагог аёл сайланади, кейин юқори синф қизларининг умумий йиғилишида аълочи қизлардан бири қизлар кенгаши раисининг ўринбосари, ҳар юқори синфлардан биттадан вакил аъзоси қилиб очиқ овоз бериш йўли билан сайланади. Низомдаги ушбу бандга эътибор беринг:

«... Хотин-қизлар кенгашлари ўз ишини хотин-қизлар жамоатчилигининг ижодий ташаббускорлиги ва фаолияти асосида, хотин-қизларнинг талаб эҳтиёжлари ва манфаатларига мувофиқ равишда қуради. Ўз фаолиятларига оид вазифаларни таркиб топган анъаналар, шунингдек, мавжуд тажрибани ҳисобга олиб ўзлари белгилайди, олиб бораётган ишлари тўғрисида хотин-қизлар ҳузурида мунтазам ҳисоб бериб туради»

Демак, бугунги ҳаётий тажрибалар мактабларда ҳам қизлар кенгашларининг зарурлигини қайд қиляпти. Бир пайтлари мактабларда хотин-қизлар советлари тузилар эди. Бугунги кенгашлар ҳам шу советлар фаолиятининг чуқурлаштирилган, кенг қамровли кўринишидир. Вазифа битта: қизлар маънавиятини юксалтириш.

Республика ўқитувчиларининг VII съездида ҳам бу масалага атрофлича тўхталди. Қизларимизнинг энг аввало латофатли, назокатли, ҳар томонлама етук ва гўзал инсон бўлиб ўсишлари учун ҳам қизлар кенгашлари керак. Амалга оширажак ишларимиз ниҳоятда кўп.

Азиз қизлар, ўнинчини битказдингиз, қўлингизда етуклик аттестати. Мустақил ҳаётнинг турли чорраҳалари сизни кутиб турибди... Мустақилликнинг дастлабки кунлариёқ турмуш учун зарур бўлган майда-чуйдаларни билмаслигингиз сезилиб қолади. Абитуриентлигингизни эсланг: таниш қизларингиз олдидасиз ёки бир неча қиз бўлиб ижарада турибсиз. Уйда эътибор бермаган майда-чуйдалар узоқ жойда сиз учун ўзига хос ташвиш туғдирди.

Ҳамхонангизнинг тароғида соч тараб тўғри қиляпсизми? Нега оёқ артадиган сочиғингиз алоҳида эмас? Ички кийимларингизни кўчалик кийимга мослаб олганмисиз?

Камчиликларингизни ҳар хил ҳолатда, баъзан танбеҳ эшитиб англайсиз. Шунда шошибман, деб ўзингизни овутмоқчи бўласиз. Иқрор бўлинг, аслида оддий гигиена қоидаларига уйда ҳам амал қилмасдингиз, тўғрими?

Қизлар кенгашлари муҳокама қиладиган масалалар, ўтказадиган тадбирларнинг мавзуси ранг-баранг, уни ҳаёт ўзи тақозо қиляпти. Кийинишдан тортиб сўзлашув маданиятигача, уй тутишдан тортиб ўғил болалар билан дўстлик муносабатларигача, момоларимизнинг энг яхши урф-одатларидан тортиб бугунги соч ўстиришгача ва ҳоказо ва ҳоказо масалалар олдимизда турибди. Замонавий, маданиятли қиз ўз юртининг тарихини, аёл қаҳрамонларини, халқининг адабиётини, ўтмиш маданиятини билиши керак. Ахир биз ўрганадиган нарсаларнинг ҳаммасини ўрта мактаб дарсликлари қамраб олмаганлиги маълум-ку. Шу туфайлидан ҳам қизлар кенгашларининг вазифалари бугунги кун талаб эҳтиёжлари асосида белгиланади.

Ҳа, қизлар кенгашлари мактабда тарбиявий ишни яхшилашга ёрдам берадиган энг актив жамоат ташкилотларидан бирига айланиши лозим. Қизларга қуруқ насиҳатлардан иборат йиғилишлар, қотиб қолган қоидалар эмас, самимий суҳбатлар, дўстона маслаҳатлар, мазмунли ва мароқли давралар керак. Эндиликда шундай дўст, ўртоқ, мураббий «Қизлар кенгаш»лари бўлса ажаб эмас.

Раъно РАМОНОВА.

РАЕДАКЦИЯДАН: Қадрли қизлар!

Қизлар кенгашлари ўзининг илк қадамини ташлаяпти. У сизнинг юрагингизга чуқурроқ кириб боришига, сизнинг маънавий дўстингизга айланишига ишонасизми? Шундай ишончга сазовор бўлмоғи учун кенгашлар олдига қандай вазифалар қўясиз? Хатларингизни кутамиз!

ИЖОДИЁТИ ҚАНДАЙ?

ган бўлар эди, деб ўйлаймиз. Бу район саноат чиқиндиларидан иккита «Ўзинг яса» типидаги магазинлар ташкил қилди. Табиийки бу ерда ёш ҳаваскорлик техник ижодкорлари гавжумдир.

Республикамиздаги «Ёшларнинг ҳаваскорлик техник ижодиётини ташкил қилишни яхшилаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ўйлаймиз.

Биринчидан, «Ёш техниклар станция»ларини район маданият уйлари билан бирлаштириш ва станцияларни Маданият министрлигига ўтказиш лозим. Давр биздан илмий-техника революцияси ютуқларини кенг пропаганда қилиш, ёшларни техника ижодиётига жалб қилишни янги поғонага кўтаришни талаб қилмоқда. Бу вазифа энг аввало, клуб муассасалари зиммасига юклатилади. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил 12 июлидаги қарорида бу ҳақда алоҳида таъкидланган. Аммо клуб муассасалари ҳаваскорлик техника ижодиётини ташкил қилиш имкониятига эга эмас. «Ёш техниклар станция»лари унча кучли бўлмасада моддий-техника базасига эга, аммо уларда етук кадрларнинг йўқлиги, ишлаётган кишиларнинг эса ҳаваскорлик ижодиётини ташкил қилиш сирларидан, методларидан бехабарлиги мавжуд бўлган имкониятлардан унумли фойдаланиш имкониятини бермаяпти. Агар станциялар район маданият уйларига бирлаштирилса: биринчидан, клуб муассасаларининг моддий техник базаси яхшиланади; иккинчидан, ҳаваскорлик техника ижодиётини, шу билан бирга ҳаваскорлик ижодиётининг бошқа турларини ҳам юқори савияда олиб бориш имконияти юзага келади; учинчидан, маданий-оқартув техникумлари ва маданият институтида ҳаваскорлик техника ижодиётини ташкил қилувчи махсус кадрлар тайёрлашга реал замин яратилади; тўртинчидан, тарқоқ кучлар бирлаштирилади. Охиргиси ниҳоятда муҳим. Чунки, мамлакатимиздаги клуб муассасаларининг ривожланиш тенденциялари кўрсатиб турибдики, келгусидаги маданият уйлари ва маданият саройлари ҳаваскорлик техника ижодиётини уюштиришни ҳам ўз қўлларига олмоқлари зарур бўлади. Масалан, худди шу важдан Москва, Ленинград, Кемерово, Новокузнецк, Свердловск шаҳарларида Техника ва Маданият саройлари клуб муассасаларининг энг ибратли формалари сифатида юзага келган. Бу ижобий ўзгаришлар тез орада бизда ҳам амалга оширилиши лозим бўлади.

Иккинчидан, ҳаваскорлик техника ижодиётини зарур станоклар, асбобускуналар ва материаллар билан таъминлашни йўлга қўйиш зарур. Бизнинг фикримизча, бу вазифани «Узсельхозтехника» ва савдо базалари зиммасига юклатилса, ҳамда «Ёш техник» магазинларида индивидуал заказлар қабул қилишни йўлга қўйса бўлади.

М. С. Горбачев стахановчилик ҳаракати ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари билан бўлган учрашувда шундай деган эди: «...Ёшларнинг техника ижодкорлиги учун мумкин бўлган барча воситалар билан имконият яратишимиз керак. Ёшларнинг ижодий потенциалини жамият социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга қаратиш учун имконият яратибгина қолмай, шу билан бирга барча зарур шароитларни ҳам вужудга келтириш лозим».

Дарҳақиқат, ёшларнинг ҳаваскорлик техник ижодиётини ривожлантириш билан бевосита шуғулланадиган ташкилот ва идоралар ўз фаолиятларини қайта қуришга оид тадбирлари комплексини ишлаб чиқишлари керак. Ана шундагина ҳаваскорлик техник ижодиёти ёшларнинг ўн иккинчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этган бўлади.

Аҳмаджон РЎЗМЕТОВ,
педагогика фанлари кандидати;
Виктор АЛИМАСОВ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

РУС ТИЛИ САБОҚЛАРИ

Иккинчи сабоқ

Ҳурматли ўқувчилар, биринчи сабоқда рус тилидаги «личные местоимения» — кишилик олмошлари деб аталадиган «я», «ты», «мы», «вы», «он», «она», «оно», «они» сўзларини билиб олдингиз. Бу сабоқда шу олмошлар билан гап тузамиз ва буларнинг ўзгарган шаклларидан бири билан танишамиз. Қуйидаги гапларни ўқиб, уларни ўзбекчаси билан солиштиринг:

Я ученик — Мен ўқувчиман.
Мы ученики — Биз ўқувчимиз.
Я ученица — Мен ўқувчиман.
Мы ученицы — Биз ўқувчимиз.
Ты ученик — Сен ўқувчисан.
Вы ученики — Сиз ўқувчисиз.
Ты ученица — Сен ўқувчисан.
Вы ученицы — Сиз ўқувчисиз.
Он ученик — У ўқувчи.
Она ученица — У ўқувчи.
Они ученицы — Улар ўқувчилар.

Бу гапларни солиштирсак, қуйидаги хулосага келамиз: 1) Рус тилида ўқувчи ўғил бола бўлса «ученик», қиз бола бўлса «ученица» деб аталади. Ўзбек тилида эса ўғил бола ҳам, қиз бола ҳам «ўқувчи» деб аталади.

2) Рус тилида кесим бўлиб келган сўзга ҳеч нарса қўшилмайди. Ўзбек тилида фақат учинчи шахсда шундай. Биринчи ва иккинчи шахсларда эса «—ман», «—миз», «—сан», «—сиз» деган элементлар қўшилади. Бу элементлар «боғлама» деб аталади.

3) Рус тилида эга бирликда бўлса, кесим ҳам бирликда берилади. Я ученик, эга кўпликни билдирса, кесим ҳам кўпликда ишлатилади, Мы ученики. Ўзбек тилида эса ҳамма ҳолда ҳам кўплик қўшимчаси «—лар» ишлатилмайди. Улар ўқувчи.

«Я», «мы», «ты», «вы» олмошларининг ушбу бош шаклларини бир ва биринчи деб олсак, ҳар қайсиси тўрттадан шаклга эга:

1	2	3	4	
Я	— меня	— мне	— мной	мною
Ты	— тебя	— тебе	— тобой	тобою
Мы	— нас	— нам	— нами	
Вы	— вас	— вам	— вами	

«меня» ва «тебя»нинг талаффузи юмшоқ «минйа», ва «тибйа» тарзида бўлади. «Он, «она», «оно» бештадан шаклга эга:

1	2	3	4	5
Он	— его	— ему	— им	— нем
Оно	— его	— ему	— им	— нем
Она	— её	— ей	— ею	— ней
Они	— их	— им	— ими	— них

Бу олмошларнинг биринчи шаклининг қандай ишлатилишини билдик: Энди қолган шаклларни кўриб чиқайлик. Иккинчи шакл қуйидагича ҳолларда ишлатилади:

1) Олмошга «—ни» маъносини бериш керак бўлганда: меня — мени; тебя — сени; нас — бизни; вас — сизни. Масалан:

— Ты знаешь меня? Сен мени биласанми, танийсанми?

— Да, я хорошо знаю тебя. Ҳа, мен сени яхши биламан.

— Кто знает нас? Бизни ким билади?

— Я знаю вас. Мен сизни биламан.

2) Олмошга «—га» маъносини бериш керак бўлганда:

Ты не трогай меня, нас. Сен менга, бизга тегма;

Я не трону тебя вас. Мен сенга сизга тегмайман;

Это касается меня, тебя, нас, вас. Бу менга, сенга, бизга, сизга тегишли.

3) Инкорда. Бу ҳолда улар ўзбек тилидаги бош шаклга, яъни «мен», «сен», «биз», «сиз»га тўғри келади. Масалан: Меня нет дома. Мен уйда йўқман; Меня не было дома. Мен уйда йўқ эдим; Нигде тебя нет. Ҳеч ерда йўқсан; Там нас не будет. Биз у ерда бўлмаймиз; Вас всегда нет дома. Сиз доим уйда йўқсиз.

«Он», «оно», «она», «они» олмошларининг ҳам иккинчи шакли мазкур ҳолларда ишлатилади. Масалан:

Я знаю его её, их. Мен уни, уларни биламан, танийман; Это касается его, ее, их. Бу унга, унга, уларга тегишли; Его, её, их нет дома. У, улар уйда йўқ.

Бундан ташқари «его», «ее», «их» олмошга — нинг маъносини қўйиш керак бўлганда ҳам ишлатилади: «его», её, унинг, их — уларнинг. Масалан:

Это его сын дочь — Бу унинг отасининг ўғли қизи.

Это её сын дочь — Бу унинг онасининг ўғли қизи.

Сын его её приехал — Унинг ўғли келди.

Дочь его ее приехала — Унинг қизи келди.

Олмошнинг мазкур шақли баъзи кўмакчилар билан қўлланади. Рус тилидаги кўмакчи сўз олдида келганлиги учун «предлог» (олд кўмакчи) деб аталади. Лекин бу ҳақда кейинги сабоқда гаплашамиз. Ҳозир қуйидаги сабоқларни олинг!

Сабоқни яхшилаб ўзлаштириб тубандаги сўзларни жумласи билан ёдланг:

учить — ўргатмоқ;

Он учил его говорить по русски — У унга рус тилини ўргатган (ўргатар эди);

учить — ёд олмоқ;

Он учил стихи — У шеър ёдлар эди;

Он учил урок — У дарс қилар эди

Учиться — ўқимоқ;

Он учится в пятом классе — У бешинчи синфда ўқийди.

Он учился на токаря — У токарликка ўқир эди (ўқиган эди).

учиться — ўрганмоқ;

Он учился плавать — У сузишни ўрганар (ўрганган) эди.

научить — ўргатмоқ

Он научил его говорить по-русски — У унга рус тилини ўргатди.

Он учил стих — У шеър ёдлар эди (Ёдлаган эди)

выучить — ёдлаб олмоқ

Он выучил стих — У шеърни ёдлади (ёдлаб олди).

научиться — ўрганиб олмоқ

Он научился плавать — У сузишни ўрганди (ўрганиб олди).

Он научился ремеслу — У ҳунар ўрганди.

Он научился токарскому делу — У токарликни ўрганди (ўрганиб олди).

Сабоқни С. ЮСУПОВА ва А. МАХАМАТОВ тайёрладилар

www.ziyouz.com kutubxonasi

Асқад МУХТОР,
Ўзбекистон халқ шоири.

Бош сатрлар

Қаламга маҳкумдир ҳар шай, ҳар ҳодиса,
Даҳшату муҳаббат, илоҳ, газанда...
Аммо она-Ватан хусусида эса
Е ёзмаслик керак,
ёки, ёзганда —

Китобхон орзулар қанотида учсин.
Вужуди титрасин муқаддас дарддан.
Ҳайратдан нафаси ичига тушсин,
Билмасин қайси зум уни ўзгартган.

Мен-чи, юрак ютиб, бу сафар фақат
Ватаннинг йўлларин тилга оламан.
Руҳан уфқларга талпиниб қат-қат,
Узоқ-узоқларга назар соламан.

Ватаним йўллари гўё жонли, илиқ,
Юракка туташган қон томирларим.
Уларга ўйларим пойдор қилиб,
Умрим йўлларини мен муҳрладим.

Бир кун улар бутун бўйи билан
Жангларию рангли салютлари,
Соғинчлари, сўнмас қалб ўтлари,
Тақдирлари, қатл қабрлари,

Фожиалар, бахтли онлари,
Висол, фироқ, азиз инсонлари,
Ўйчан мўйсафиду шўх норасталар,
Орзу, қувонч, армон, ўйи билан, —
Хуллас, бир кун бутун бўйи билан
Кўз ўнгимга келиб ястанар.

Унинг узоқ, эзгу манзилларига
Ҳазин ғурур билан боқарман.
Ҳаёт йўлларимнинг сўнгги гулханида
Мен қалбимни яна ёқарман.

Эҳтимол, ўшанда келар тошиб-жўшиб,
Бир умр қийноқда бош қотирганим —
Ватан ҳақидаги кичик бир қўшиқ —
Бир умр излаган бош сатрларим.

Мен сизни атадим бош сатрлар деб,
Қалбларга илоҳий оташ солингиз,
Ҳалок бўлган солдат хатларидек,
Ҳаётга муҳаббат бўлиб қолингиз!

Туман

Кузги ёмғир қуйди, қуйди чунон
Ер ҳам тўйди, ҳатто толиқди.
Тупроқ, шувоқ руҳин кўтариб туман
Қирлар орқасидан судралиб чиқди.

Хирмондай кумушранг, сезимли,
Эпкинида жиндак асал, ёз ҳиди.
Ўрлаб борар,
унутилган бир бош узумни
Гўё этагига олмоқчи эди.

Шўрлик

Эриб тўкилишдан чўчигансимон,
Аста сузар туннинг оқ қуши.
Аста сузар асал ҳидли туман,
Она ернинг хайрли туши...

Нафрат

Давр ясабди бизнинг асабларни
Арматураданми, алланимадан...
Юракка келганда фақат, негадир,
Ишлатилган экан юмшоқроқ маъдан.

Гоҳо шундай яшагинг келади
Маънавият учун, руҳият учун,
Нафосатнинг сеҳрий чўққиларига
Чамалаб кўрасан юракнинг кучин...

Нолишмас бу, ҳали чўғ-ку бор,
Ишонса бўлади бу юракларга.
Фақат, ҳар замонда қора очкўзлик
Қум сепиб кетмаса ғилдиракларга.

Гоҳ эрталаб туриб, сезасан: кимдир
Нишонга олади сени елкангдан;
Пистирмада сассиз ўқ янграр
Гоҳ базадан, гоҳо дўкондан...

Булар тинчимайди сира. Афтидан,
Биз ҳам сал калтароқ ўйлабмиз, шерик:
Босиб келганларни янчган эканмизу
Орамиздагилар қолибди тирик.

Янгам

Янгам энди кекса, куюнчак аёл,
Паст-баландни кўрган турмушда.
Фарзанддан гап очсанг,
«Менинг болаларим
Нобуд бўлган, — дейди, — урушда».

Ишонаман унга, ёшлигин эслаб
Кўзидаги жиндек шуъладан.
Ишонаман, гарчи биламанки,
Болалари унинг бўлмаган.

Тоғам кетгач, тракторин минди;
Ўжар дев яшаркан хотин кишида.
На келин, на бева: кун-тун юрар эди
Этиги билчиллаб ғўза ичида.

Гербицид ташиди қоғоз қоп елкалаб,
Совуқда шўр ювди, ботқоққа тушди.
...Йигирма миллионга кирмайди унинг
Саратон ўтида ўртанган пушти.

У бешик устида алла айтмаган,
Аччиқ армонлари яшар пинҳона.
Ҳасадини қўзғар (худо кўрсатмасин!)
Тобутга бош уриб йиғлаган она.

Янгам энди кекса, куюнчак хотин,
Паст-баландни кўрган турмушда.
Фарзанддан гап очсанг,
«Менинг болаларим
Нобуд бўлган, — дейди, — урушда».

Эзгулик палласи

Эрталабдан ғашман,
ҳафсалам пир,
Фаррош
машинага хазон ортади,
Муюшда
уч тийинга
инвалид кампир
Сизни тарозида тортади.
Инсон —60 кило
Инсон —70 кило!..
Бири юздан ортди — уч қат бақбақа.
Ўзи мамнун, юзларида жило,
Консерва банкага ташлади чақа.

...Мана, минг сўм! — дейман,
Сиз руҳимни тортинг.
Ўйларимни тортинг, ҳиссимни!
Улар зилу замбил, босиб тушаётир,
Руҳим эзиб фоний жисмимни.
Тарози палласи изламанг зинҳор,
Унга
абадият ўзи юклаган.
Руҳимга эзгулик палласи, даркор,
Ундай палла эса
ҳали етмаган.
Гоҳо дард чалади,
гоҳ қўрқув, хавотир,
Минг йиллик ғам босар руҳимни.
Руҳим зилу замбил,
босиб тушаётир,
Эзиб тушаётир
фоний жисмимни.
Мен нима қилардим
агар яхши сўзлар
Енгиллатмасалар юкимни,
Юлдуздай сеҳрли,
меҳрли кўзлар
Чарақлатмасалар кўкимни,
Гоҳо кўнгил сўраб дунёда дўстлар
Кўтариб турмаса руҳимни!

Покланиш

Чарчаб қолаяпман кечки соатларда
Эзиб ёмғир ёғур.
Шамол изғийди.
Сариғ сув сарқиган қамиш бўғотларда
Мусича инлари тўзғийди.

Ўзимдами чарчоқ, табиатдами ё,
Тушунмай ҳам қолдим қўйингчи...
Кузги полизларда,
«қайдам» дея гўё
Қўлларини ёяр қўриқчи.

Бошимда чувалиб ўйлар қийналар,
Унутмоқчи бўлган ўйларим.
Дилозор ростгўйлик,
ошкор таъналар,
Нега сизни бир вақт эркин қўймадим?

Айтилмаган ҳақ гап,
Ичга ютган ғазаб,
Журъатсизлик, қурбсизликларим —
Ҳаммаси оғрийди ярадай қақшаб,
Ҳамон кезаман мен, мана, тун ярим...

Пушайман ўртайди.
Бўзаради уфқ.
Булутлар безовта оқади.
Оқмаса-чи? Ўртамаса? Йўқ,
Чидамасди қалбнинг тоқати.

Ором ваъда қилар дилга йироқлар,
Чарчоқ тарқагандай.
Лекин тонг олис.
Руҳни поклар балки тунги қийноқлар,
Гуноҳкорлик ҳисси, ор-номус.

Келинг, шу шафқатсиз виждон овози
Юрсин, бизни тарк этмай харгиз,
Камолот дардида.
доим норози,
Сўнгги соатгача,
изма-из!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳалима АҲМЕДОВА

Шаҳлонинг саволлари

— Опа, одамлар нега бир-бирин тинмасдан
ёмонлашади,
Яна эртаси кун омонлашади?
— Сингилжон, ҳасаднинг борлиги қурсин,
Имонга дунёнинг торлиги қурсин.
— Опа, Ҳасан бобонинг битта қўли қаерда?
Жуда раҳмим келади уни кўрсам қай ерда.
— Синглим, тинчлик деган сўзнинг бағри
бут бўлсин
У кунларнинг дарди қайтмасин, унут бўлсин,
— Опа, нега Дилноз холани эри урар ҳар
куни?
Кўриб кўп эзиламан, йиғлаб турганда уни...
— Сингилчам, ёшсан-да! Содда
фалсафангда нелар кечади...
Қачонки, икки қалб адашса йўлдан,
Бу сирни юракнинг ўзи ечади.
— Эслайсизми, опа, ҳув ўтган йили —
Сувга чўкиб кетган эди ўртоғим Гули
Бувим айтди, у бўлганмиш жаннатнинг дури
Опа, шу ростми...
Энди ҳеч ёнимга Гули қайтмасми?
— Сингилчам, кичкина шоирам менинг,
Покиза руҳингдан ўргилай ўзим.
Чексиз саволлардан довдираб қолдим,
Гарчи алдамоқлик берса-да тўзим.
Жавобсиз саволлар жуда кўп жоним,
Ҳамма яшар ўзин оқламоқ учун.
Фақат шоир бўлиб яшагин, синглим,
Дунёни покиза сақламоқ учун.

Қишлоқда

Бунда ҳайратларнинг деразасини,
Ҳар кун синдиради юрак — шўх бола.
Вазмин елкасига кетмонин ташлаб,
Қуёшга бормоқчи бўлади дала.
Ҳар бир хонадоннинг эшигида бор,
Йўлларга тикилган бир жуфт оқ хаёл.
Кичик беланчакда Ватан ўстирар,
Садоқат сиғинган покиза аёл.
Йўлларнинг тушлари эртакдай узун,
Бошига ёстиқдир хотиралари.
Далани соғиниб уйғонар қизлар —
Тонгларнинг бегумон бокиралари.
Боғларда бир сирли титроқ уйғонар,
Сархуш лаҳзалардан энтикар осмон.
Сўрилар остида чорпояда жим —
Орзунинг рангига айланар армон.

Болалар уйида айтилган алла

Естиқчангнинг ярмида ой, ярмида кун
йиғлади,
Иссиқ — иссиқ оғушлардан етим бир тун
йиғлади,
Тушолмасдан деразадан эртаклар ҳун
йиғлади,
Алла дейман, юрагимга тош қулайди,
болажон.
Яхши бола кўзин юмиб жим ухлайди,
болажон.

Кўзинг юмсанг тўшакларинг оппоқ тушга
белангай,
Туш кўрасан: Баҳодирга қайбир рақиб
элангай,
Дийдор сўраб қўлчаларинг бўшлиқларга
тилангай,
Алла дейман кўксимда бор совуқ ханжар
болажон,
Тирик қолди маликалар, ўлди аждар
болажон!

Лабларингда ухлаб ётар таниш исм-илтижо,
Онанг тирик, отанг тирик, сен мангу —
тирик хато,
Зор титрайди хатосидан руҳингда Момо ҳаво,
Алла дейман, хатолардан улғай омон,
болажон,
Ерилгайдир ёрилтошлар, ухлар армон,
болажон.

Сенга оппоқ тонглар тилаб қалдирғочлар
елади,
Ватан — онанг меҳр деган бешигига белади,
Ишон бир кун сени излаб Гўрўғлилар келади,
Алла дейман, киприкларинг дилга ботар,
болажон,
Юрагингда Тўмарислар қўшиқ айтар,
болажон.
Естиқчангнинг ярмида ой, ярмида кун
йиғлади...

Муҳайё МИРСАИДОВА
Тошкент

Тўйдан олдинги тилак

Сингилжон, қалбинг гул севгидан гулбоғ,
Умидинг чеки йўқ, поёнсиз орзунг.
Бу боғга тушмасин нуқта ёки доғ,
Садоқат бўлолсин ягона мавзу!

— Туп қўйиб, палак ёз, — дейди кексалар,
Турмуш нималигин билмаган қизга.
Ўзга хонадонга бўлгач бекалар,
Тушмоқ керак бўлар ўзга бир изга.

Ҳаёт — йўл, бу йўлда қоқилма асло,
Хатонинг олдини олган яхшидир.
Севибсан, севилгин мисоли Лайло,
Муҳаббат одамзод қалбин нақшидир.

Сингилжон, қалбингда севгидан гулбоғ,
Умидинг чеки йўқ, поёнсиз орзунг.
Тушмасин бу боғга нуқта ёки доғ,
Садоқат бўлолсин ягона мавзу!

Арофат НОСИРОВА

* * *

Ҳар сўзинг дилимга дармондир,
Тингласам, қувноқман боладек.
Кўрмаган кунларим армондир,
Кўрганда юзларим лоладек.

Ногаҳон эшитсам овозинг,
Севинчдан порлайди кўзларим.
Қўшиқдай туюлар ҳар сўзинг,
Ўзингсан соғиниб изларим...

Кўзларинг уйғотган муҳаббат,
Юракдан шеър бўлиб туғилар.
Жисмимда илҳому ҳарорат,
Бу ишқим дилларга йўғрилар.

Мавлуда АВАЗОВА
Фарғона

Баҳор

Тупроқнинг кўксидан дарчалар очиб,
Майсалар қуёшга боққанча қолди.
Яп-яланг бошлари рўмолга ёлчиб,
Дарахтлар келинлик ибосин олди.
Йўргакдан бўшалди бокира ҳислар,
Фикрлар чопмоқда зўр кучга тўлиб.
Баҳорнинг карами кенгдир шунчалар,
Яшаймиз тонгларнинг эркаси бўлиб!..

Сувчи

Тонгнинг парчасидан тикилган яктак
Девдай қоматини турибди қучиб.
Тунлари ниҳолга айтаркан эртак
Қуёш қийиқ тикар қизғониб, чўчиб.
Оловранг севинчдан дуррача танғиб,
Қўлида қийиғи, шошар висолга.
Сув қочган нонидан егач мириқиб
Ажаб, маҳбуб ухлар суяниб толга.
Манглайидан ширин ўпади қуёш
Ва йўл олар чексиз далалар томон...
Сувчининг аёли кутар дамлаб ош,
У эса тушида яратар хирмон...

Юракка

Дўстларга уйингни катта очасан,
Ғафлатда душманга бериб қўйма жой.
Эл ғам-қувончига бағринг қил Ватан,
Чин саҳоват сенга бағишлар чирой.
Гурсиллаб қадам бос, чарчама бевақт
Бўлақол яхшининг умрига тиргак.
Агар туққан боланг — оташ Муҳаббат
Ўз уйин топмаса кечирма, юрак!

Энг муаттар гул

Таъқиб этинг, эгри сўқмоқ, қайтмас йўлга
тушса дил,
Туйғуларим боғланг майли, орзу бўлсин
оппоқ тонг.
Ўтдай қайноқ, сутдай ширин ҳаёт истайди
кўнгил,
Уришсангиз майлику-я, ишонмаслик кўп
ёмон.
Сочимдан мўл ҳаётимни барбод қилишга
қодир,
Сиз қодирсиз, эй яхшилар, мени тоғ деб
англашга.
Кўкрагимда НОМУС деган энг муаттар
гул бордир,
Ҳар кимнинг ҳам қўли етмас уни узиб
ташлашга.
Гулларимни асраяпман қўшиқлар қанотида,
Бир баҳодир топиб олар келса поклик отида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саломат ҒОЙИБНАЗАРОВА
Самарқанд

Шаршара

Шаршара!..
Бир қара,
Оқар тоғдан — тизилган маржон.
Ер бўйнидан узилган маржон.
Гулдирайди гўё гўдакдек.
Тўлиб,
тошиб,
шошиб оқади.
Қирраларга уриб бошини,
Писанд қилмай тўсиқ-тошини,
Овозидан ошиб оқади,
Парвозланиб — ёр бўйнига
Маржон тақади!

* * *

Рост сўзимга қўл силтадинг,
эшитмай хой қиз,
Ноз-карашма билан беҳад париваш, ой қиз.
Ақлу, фаҳм-фаросатдан ўзингда йўғ-а,
Бировдан-да ололмассан...
умрингга «вой» қиз!

Дарёга деганларим

Дарё, қудратингга тасанно айтиб,
Қирғоқда турибман, мажнунтол мисол.
Сен билан оқмоқни орзулаб, атай
Бағрингга шўнғибди уч кунлик ҳилол...
Баҳорда тошқинсан,
Кучли вулқонсан
Кучу-ғайратларга тўлган ўғлонсан.
Она Заминга сингиб, чирмашиб,
Жон ато этгувчи томирда қонсан.
Кечмишим, бугуним, тушган маҳрингга,
Мўл ҳосилга имкон, бизга имонсан,
Чимзорлар юртига, чўллар бағрига,
Боргунча йўқ бўлсанг, Дарё, Армонсан!..
Эртамни ёшартир, Дарём, онажон!

* * *

Деразам ёнида узоқ ўлтириб,
Майин еллар билан суҳбат қурдим-да,
Сирдош оқ қоғознинг юзин тўлдириб,
Иморат қурдим-да мустаҳкам сўздан...
Турдим-да
Қалбим қатидаги оташ ҳисларни
Сизга тортиқ қилдим бўй — басти билан.
Очил дил, ёнган дил, куйган дил, дилим!..
Бир хушфеъл мезбонлик ҳаваси билан,
Очиқ деразадан мўраладим жим...
Илҳом гулдастасин келтирдинг, менга!

Тоғ устида ҳарир камалак

Девсифат тоғларнинг наъраси бўлиб
Осмонда ўкирди момақалдироқ.
Кумушранг булутлар кули соврилиб
Дўлларга айланди бодроқ ва бодроқ.
Оҳ, бунга далалар ташнайди, кўпдан!..
Ташналикни сезиб қолганидек осмон,
Яна қуёшини илиб қўйди-ку!
Тортиғини тортиб олгандек,
осмон!..
Оҳ бунга далалар ташнайди кўпдан!

Онам

Бу олам азалдан гўзал туюлар,
Гўзаллик сеҳридан — менга, бу олам!
Севгидан сўйласам севинч қуйилар...
Севикли оламни танитган Онам!

Мурғак қалбимдаги қат-қат саволлар,
Жавобсиз қолмади Онам бор экан.
Эртаклар юртини кезса хаёллар
Йўлчи маёғим ҳам Онам — ёр экан!

Уйқусиз тунлару оромсиз кунлар,
Қора кипригининг тагида қотди.
Ташвишли дамларга тилаб якунлар
Оппоқ тилаклари тонгим уйғотди!

Метин бардошининг байрами бўлиб,
Энди қизчаларим қизғанар, Онам.
Бахтимга соғ-омон бўлинг,
Термулиб
Кулган нигоҳингиз бизга нур,
Онам!

Кўринмас одам

Ҳар куни уйқудан кўзини очиб,
Аҳмаджон сўради: — Қанилар дадам?
Сўнг ухлаб қолди-ю
уйқуси қочиб
Туриб дер:
— Дадамлар кўринмас одам!

Севгимни қуёшга қиламан қиёс

Севгимни қуёшга қиламан қиёс,
Совқотсанг қуёшдай нур таратайин.
Поклик — садоқатни тарк этма, холос...
Неки ярат десанг, мен яратайин!

Севгимни қуёшга қиламан қиёс,
Туганмас ёғдудир унинг йўллари.
Тун каби тўсиққа дуч келсанг бехос,
Севгим юрагингда — чорлар илгари...

Севгимни қуёшга қиламан қиёс,
Қора булутни ҳам тешиб ўтади.
Ярқироқ юлдузга гар қилсанг парвоз,
Сиртмоқ бўлиб нури йўлда тутади...

Севгимни қуёшга қиламан қиёс,
Севгилим, қалбингга сочай илиқ нур.
Покиза севгимга суюмлигинг хос,
У менинг бойлигим, гавҳарим, у — дур.

Севгимни қуёшга қиламан қиёс,
Ҳаёт кошонаси севги-ла обод.
Сен унда боғбонсан, гуллатдинг қийғос,
Демак мен баҳорман абадул абад!

* * *

Ҳаёт қизиқ, севдик, севилдик,
Севгимиздан мастмиз икковлон.
Йиллар ўтди... йил, йўллар аро
Севгимиз ҳам гоҳ шод, гоҳ нолон...

Назарингда, мен ўша, ўша,
Чақмоқ каби чақнаб юраман.
Пок кўксингга тақкан гулдайин,
Баҳор бўлиб бир қулф ураман.

Кўзларим тўрт сен кечга қолсанг,
Рашким ишқим аро кўмилар.
Келасан-да, қуёш чиққандек,
Қувончларим нурда чўмилар.
Ҳаёт буюк, ҳаёт мураккаб,
Баъзан қайғу, баъзида кулгу.
Йиллар ўтар, яна, ва яна...
Тарк этмасин бизни бу туйғу!

«Ўрикли сой»

Бағринг сенинг ўзгача жой,
Ўт-ўланлар қўшган чирой.
Арчазору-гулларга бой,
Термуламан сенга тўймай.
Кўнглимда сен гўёки ой
Ўрикли сой, ўрикли сой!

Шарқираб сув шўх оқадир,
Сой салқини хўп ёқадир,
Қуш сайраши, сув оҳанги
Илҳом бўлиб дил қоқадир.
Кўнглимда сен гўёки ой —
Ўрикли сой, Ўрикли сой!

Икки ёнинг баланд тоғлар,
Тилла ўрик пишган чоғлар.
Қуёш нури товланганда,
Еққан ёмғир дилни боғлар.
Кўнглимда сен гўёки ой —
Ўрикли сой, Ўрикли сой!

Қучоғингда ором олдим,
Арчазорда гоҳ йўқолдим.
Тасвиринг-чун қалб қатига
Ўчмас бўёқ излар солдим.
Кўнглимда сен гўёки ой —
Ўрикли сой, Ўрикли сой!

Қимматхон МАМАЖОНОВА
Андижон

Сен борсан

Олисдаги қорли тоғлардан,
Ўша ширин, сирли чоғлардан.
Узоқдасан, аммо юракка,
Бирдай яқинсан.

Уй-хаёллар тинч қўймас сира,
Таскин берар ўчмас хотира.
Ким айбдор, кимлар бокира,
Сен бегуноҳсан.

Қалб аламдан ситилса ногоҳ,
Ҳамдард керак бўлса ўша чоқ.
Ўзга дилга бўлгансан паноҳ,
Сен бегонасан.

Наҳот бўлдинг энди бегона,
Наҳот бошқа сенга парвона.
Майли, минг бор қилгум, шукрона,
Чунки сен борсан.

* * *

Қадамингни дадил боссанг беҳадик,
Оддий ҳақиқатга боқа олсанг тик.
Яшасанг бошингни тутмасдан эгик,
Бир одам умрини яшабсан чиндан.

Эл-юрт ташвишида куярми жонинг,
Халқинг виждонидай софми виждонинг,
Ишқилиб омонми, бутми имонинг,
Бир одам умрини яшабсан чиндан.

Дилинг тожи эрса агар диёнат,
Сен учун бегона бўлса хиёнат.
Камолингда элинг топса ҳаловат,
Бир одам умрини яшабсан чиндан.

Беҳуда яшасанг қисқа умринг ҳам,
Кўп эрур, сен учун бўлса ҳамки кам.
Шуни ҳис этолсанг агар чинакам,
Бир одам умрини яшабсан чиндан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Азим СУЮН

Шеърий насрлар — насрий шеърлар

Ў, қишлоқдошларим! Ў, қоялари қалдироқдай қарсиллаб ётган тоғлар улуси — элим! Қизиқ феъл-ҳуйларинг бор: қаерда булоқ бўлса, ўша булоқ қошига қатор-қатор иморатлар соласан — данғиллама уйлар, таг-тугли зинхоналар қурасан, дов-дарахтлар экасан — боғу роғлар яратасан! — мангу яшайдигандек. Булоқнинг қуриб қолишини хаёлингга келтирмайсан.

Ў, қишлоқдошларим! Ў, қоялари қалдироқдай қарсиллаб ётган тоғлар улуси — элим! Бу ишингдан бир маъни маъно туйди юрагим. Айтайинми? Айтаман. Лекин сенга эмас... Инсониятга айтаман.

Инсоният! Атом хавфи, ваҳимаси билан нафас олаётган, Инсоният! Пароканда бўлиб яшашга, тутуруқсиз, омонат ҳаёт кечиришга ҳаққинг йўқ сенинг! Билаяпсанми, ҳаққинг йўқ! Ўзингга ишон, Ҳаётга ишон! Булоқлар бошига данғиллама уйлар қур, мол-ҳолларингга таг-тугли оғилхоналар сол, дов-дарахтлар эк — боғу роғлар ярат! — менинг катта қишлоқдошларим — Инсоният!

Сел

Эй, сел! Бунча ҳовлиқасан, бунча қутуриб шошиб-пишасан? Қорли тоғлардан, мангу булоқлардан пайдо бўлган Сой қирғоқларини бунча бузиб тошасан? Нав-ниҳолларни, дов-дарахтларни қўпорасан? Тошларни думалатасан? Йўлларингда дуч келган нарсани ялмоғиздай ямламай ютаман дейсан. Ўясан, ўпирасан? Сой балиқларини-ку аллақачон этакларга элтиб ташладинг. Элнинг қанча қўй-қўзисини, от уловини хасдай оқизиб кетдинг. Ўҳ, ваҳший, бешикларни оқизиб кетдинг? Бешиклар бўш эмасди!..

Эй, Сел! Сен қанчалик қутуриб оқмагил, қанчалик шовқин-ғалаён солиб, ҳайқириб довул қоқмагил, барибир сенинг йўлинг қисқа, умринг қисқа! Ҳа, худди шундай! Чунки сенинг заминингнинг йўқ, чунки сенинг манбаинг йўқ! Чунки сен **ЎТКИНЧИ ҚОРА БУЛУТЛАРДАН** *пайдо бўлгансан фақат!*

Қадимий Сойларда эса... тағин мангу булоқларнинг зилол сувлари мавж уриб оқади, чунки уларнинг мангулик замини — манбаи — буюк, пойдор тоғлар бор!

* * *

Онамнинг отасини — менинг бобомни уста Мамадали дер эдилар. Уста Мамадали эртаю кеч устахонасида темирчилик қиларди: ўроқ, теша, кетмон, пойтеша, белўроқ, темирқозиқ, узанги... тақа, кўпроқ отларга нағал ясарди. У ҳеч тиниб-тинчимасди. Бундай тиниб-тинчимаслиги қариганда баттар кучайди. Шунда ўғил-қизлари: «Ота, бўлди, шунча ишлаганингиз етар, энди Сиз ҳам бундоқ роҳат қилиб дам олинг, устахонангизни йиғиштиринг!» — деди бир куни йиғилиб келишиб.

Бобомнинг фиғони фалакка чиқди: — Мени «ўл!» демоқчимисизлар, ахир, ишламасам ўлиб қоламан-ку!.. — Кейин... мум тишлаб қолган фарзандларини кўриб, юмшагандек бўлиб гапини давом эттирди: — Менинг дилимни хуфтон қилаверманглар, устахонам билан ишларинг бўлмасин, ростини айтяпман, мен ишга суяниб қолганман, тириклигим — шу меҳнатимда!

«Тириклигим — шу меҳнатимда!». Мен у пайтлар бу сўзлар маъносига тушунмагандим. Бобомнинг ич-ичига кириб кетган кўзларига жовдираб қараб турардим. Лекин бугун биламан, тунларни тонгга улаб нималарнидир қоралаганимда гоҳи ғамгин, гоҳи шодумон ҳайқиргим келади: «Тириклигим — шу меҳнатимда!»

* * *

Болалик дўстим, қайтмас йилларимнинг қадрдон сирдоши Олтибой, ёдингдами? Бир куни тоққа овга чиқдик — сен қирағай мерган эдинг, бир олқорни қувиб, унинг билан изма-из чуқур дарага тушиб қолганлигимизни сезмабмиз. Даранинг бизга бетма-бет тарафи зов — тубсиз жарлик экан. Олқор кўз олдимизда қайгадир йўқолди, одатда уларнинг овчи билмайдиган сирли йўллари бўлади... Бизнинг тушиб келган қоялар тарафга қайтишимиздан ўзга чорамиз қолмади. Қайтишга тараддудландик. Мен беихтиёр бурилиб орқамга — зовга қарай бошладим. Шунда сен юрагимни ёргудек бақирдинг: «Орқангга қарама, қарайверма деяпман, қарайверсанг бошинг айланиб жарга тушиб кетасан! Ҳув, чўққига қара — ўшани кўзла, ўшанинг ёнидан ўтамиз!..

Дўстим, ёдингдами? Мен эса асло унутмайман. Ахир, қандай унутай? Сенинг ўша сўзларингни, ҳар қалай, сўзма-сўз бўлмасада, шоир дўстларимга тез-тез такрорлаб туришни севаман: — Шоир дўстларим! Орқангизга қарайверманг, тубсиз жарлик бор — бошингиз айланиб тушиб кетишингиз ҳеч гап эмас, олдингизга қаранг, ўшани кўзланг, ўшандан ошиб ўтишимиз керак!

* * *

Ешинг ўтган сайин — болалигинг яқин келаверади. Кечмишинг азиз ва муқаддас туюлаверади. Ҳар қалай, менда шундай.

Бобом Суюннинг олис тоғлар орасидаги сирли лойшувоқ ҳам қилинмаган ибтидоий тош уйи ёдимда муҳрланиб қолган. Унда менинг болалигим ўтган. Айниқса, узун қиш кечалари... Ўчоқда заранг бодом чўғи ловиллайди, бир чеккасида чойдиш сокин шағиллайди. Бобом (энам аллақачон дунёдан ўтган), мен, отамнинг ёлғиз укаси Тиловқобил чўғга оёқ тоблаб ўтирамиз. Бобом еттинчи лампа ёруғида «Ҳикмат»ни ўқийди. Қариндошлар, қўшни дараларда яшовчи овчилар, йилқибоқарлар, чўпонлар, Бедил, Машраб, Ҳувайдо, Қул Ҳожа Аҳмад, Сўфи Оллоёр шеърларини тингловчилар тез-тез бу ўчоқ бошига йиғилишиб туришади...

Мен шоирман. Болалигимнинг муқаддас бу хотираси менга қанчалик азиз, қадрдон бўлмасин, қалбимга сирли, романтик кайфият, ҳаяжон бахш этмасин, аммо бугун бобомнинг тош уйида яшай олмайман.

* * *

Танҳо дарахт янглиғ турардим
бир йўлнинг бошида мунгли,
Кўкдан тушган сингари ёлғиз
йўловчи бўлди рўбарў.
«Бу йўл қандай йўл ўзи, айтгил?» —
сўраб қолди ул даъфатан,
Мен дедим: «Тўғрига тўғри йўл,
эгрига эгри йўлдир бу».

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАММАГА! ҲАММАГА! ҲАММАГА!

Севимли журналингиз саҳифасида

«Билағонлар конкурси»

Сиз адабиёт, география, тарих, химия, биология ва бошқа фанларнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболи ҳақида чуқур ва пухта билимга эга бўлишни истасангиз, табиат оламига, экологик муаммоларга бефарқ қарамаётган бўлсангиз, янги конкурснинг фаол иштирокчилари ва унинг ғолиблари сафида бўлишингиз мумкин.

Биз барча мактаб ўқувчиларини, институт, техникум талабаларини ёш ишчи ва колхозчиларни, албатта, «Ёш куч»нинг барча мухлисларини «Билағонлар конкурси»га таклиф этамиз.

Конкурс олти турдан иборат. Барча турлардаги саволларга тўғри жавоб йўллаган журналхонлар конкурс ғолиблари деб топилади. Ғолиблар «Ёш куч» журналининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан мукофотланадилар.

Конкурс жюрисига тарих фанлари кандидати, «Фан ва турмуш» журналининг масъул секретари Ҳусниддин ака Нурмуҳамедов раислик қилади.

Жавобларни жўнатишнинг охирги муддати — 15 май.

Билағонлар, хатларингизни кутамиз!

I тур саволлари

1. Ўзбекистонда қайси олим қандай асарлари учун биринчи бўлиб Ленин мукофотига сазовор бўлган?
2. «Тошкент — нон шаҳри» фильмининг ижодкорлари кимлар?
3. «Ассалому алайкум» — «Ваалайкум ассалом» сўзлари қандай маънони англатади?
4. Дунёда янги йил илк бор қаерда кутиб олинади?
5. Шимолий Америкада «Ажал водийси» деган жой бор. Бу ернинг шундай номланишига сабаб нима?
6. «Алгебра» — сўзи қаердан келиб чиққан?
7. Ўрта Осиёлик олимлар номига қўйилган қандай минераллар бор?
8. Ойга биринчи қадамни ким қўйган?
9. Қадимги Малайзияда вужудга келган спорт ўйини. 1872 йили Англияда Ҳиндистондан келган инглизлар биринчи бор бу ўйинни намойиш қилишган. Унинг номи нима?
10. Бор-йўғи 21 йил умр кўриб математикада назария яратган олим ҳақида нима биласиз?
11. «Ошлиғи вофир» — меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур... Моваройннаҳрда Самарқанд ва Кеш қўрғонидин сўнгра мундин улуғроқ қўрғон йўқтур».

Бу машҳур жумлалар қайси асардан олинган, унинг автори ким? Қайси шаҳар назарда тутиляпти?

12. Ўзбекистон ССРнинг биринчи пойтахти қилиб нима сабабдан Самарқанд белгиланган эди?
13. Маълумки, ҳозир Орол денгизининг аҳволи танг. Уни сақлаб қолиш учун қандай мақбул вариантлар таклиф қилиняпти?
14. Фанларнинг истиқболлари хусусида матбуот саҳифаларида иттифоқ ва республика олимларининг фикрларини ўқигансиз. Шунга асосланиб айтинг-чи, келгусида фанларнинг қайси тармоқлари кўпроқ ривожланиши, қандай янги фанлар пайдо бўлиши башорат қилиняпти?
15. Қор шунчаки намлик манбаими? Унинг таркибида нималар борлигини биласизми?

СИЗЛАРГА ОМАД ТИЛАЙМАН

СЎЗ — ЖЮРИ РАИСИГА!



Мен билимдон, дунёқараши кенг одамлар билан гаплашсам, маза қиламан.

Сирасини айтганда, билим доирасини кенгайтиришнинг йўллари кўп. Бунинг учун, аввало, она тилини пухта билиш ва рус тилини бекаму кўст эгаллаш, қунт зарур.

Мен фан соҳалари бўйича мактаб ўқувчиларининг олимпиадаларида бир неча бор қатнашганман. Афсуслар бўлсинки, олимпиадага қатнашган ўқувчиларнинг аксариятининг билими бўш, дунёқараши кенг эмас. Бунинг муайян сабаблари бор, албатта. Лекин асосий сабаб ўқувчиларнинг ўзида. Зеро ҳозир ўқийдиган, ўрганадиган манбалар сероб. Айниқса кейинги йилларда ўқувчи ва ёшларнинг билимини ошириш учун имконият анча кенгайди. «Ёш куч» ва «Ёшлик» журналлари ташкил этилди, уч жилдли «У ким, бу нима?» болалар энциклопедияси нашр этиляпти, болалар учун асарлар чоп қилинадиган «Юлдузча» нашриёти очилди, республика радиосида «Сўранг, жавоб берамиз», республика телевидениесида эса «Қизиқувчилар экрани» ва бошқа программаларда фан ва техника, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига доир эшиттириш ва кўрсатувлар ташкил қилиняпти. Хуллас, қунт билан ўқиш, эшитиш ва кўриш керак. Булар, шубҳасиз, кишининг фикрлаш қобилиятининг ўсишига кўмаклашади.

Мактабда ўтиладиган дарслардан фан соҳалари бўйича дастлабки, умумий билимгина олинади, холос. Лекин ҳаётнинг талаби билимни тобора ошира боришни тақозо этади. Сирасини айтганда, ҳаёт шундай бир улкан дарёки, унда эркин сузиш учун ниҳоятда зукко, билимдон бўлиш лозим...

Азиз ўқувчилар, билим ихлосмандлари, бугунги академикнинг ўрнини эртага сиз эгаллашингиз, бугунги бободеҳқон қўлидан ишини эртага сиз олишингиз, бугунги донгдор ишчининг ўрнини эртага сиз эгаллашингиз, инженер-у шифокор, қурувчи-ю учувчи, денгизчи-ю муаллим бўлишингиз керак. Бунинг учун эса эртага бугунгидан билимлироқ, зуккороқ, зийракроқ бўлишингиз даркор.

Сизларнинг билимингизни ошириб, дунёқарашингизни кенгайтириш борасида «Ёш куч» хайрли иш бошлади: журнал саҳифаларида билағонлар конкурси очилди.

Энди шу туркумдаги дастлабки тур саволларини эътиборингизга ҳавола қилар эканмиз, сизларга конкурсда омадлар тилаймиз.

Ҳусниддин НУРМУҲАМЕДОВ,
«Фан ва турмуш» журналининг масъул секретари,
СССР География жамиятининг ҳақиқий аъзоси,
тарих фанлари кандидати.

ҲАММАГА! ҲАММАГА! ҲАММАГА!

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИРИНЧИ МУҲАББАТ...

— Мен ҳозир яккаю ёлғизман, — дединг кўзларингда ёш ҳалқаланиб. — Мени онам ҳам тушунмаяптилар. Балки, ўзим айбдордирман... Лекин мен... мен одамлар айтгандек беҳаё эмасман-ку! Хатни шунчаки, ўзим ёзгандим. Вермокни ўйлаганим ҳам йўқ... — колган гапларинг, туйғуларинг, қайғуларинг кўз ёшларингга коришиб кетди.

Жон синглим, йиғингни тўхтат, гапларимга қулоқ сол. Мен ҳамма вокеадан хабардорман.

* * *

Ўн олти ёшли сингилгинам! Ҳамманинг таънаю дашномлари бир томон бўлди-ю, онангнинг карғишу нолишлари бир томон.

— Ўзи бошқача бўлиб колганингдан ҳавотирдайдим. Ярим кечгача ўтириб дарс тайёрлайсанми, десам, ойнага термуларкансан. Айтган гапларим у қулоғингдан кириб, бунисидан чикади. Ҳа, энди ўтиб кетар, десам, буниси бормиди? Ўғил болага хат ёзасанми, чўнтагига солиб қўясанми? Ўша суюклигингнинг онаси маҳалла хотинларининг ўртасида бу гапни айтганда, ер ёрилмади — кириб кетмадим!

Онанг узок йиғлади. Унинг қўлларини ушлаб сен ҳам йиғладинг, кўкрагига юзларингни босиб шу кийин кунда онажонингга суянгинг келди. «Ая, хатни чўнтагига солганим йўк, бермокчи ҳам эмасдим. Зебо уни китобим ичидан топиб олиб, менга билдирмай бериб қўйибди», деб тўғрисини айтмокчи, онангнинг кўнглига таскин бермокчи бўлиб бош кўтаргандинг...

Вокеаларга бир оз кўниккандай бўлиб бўшашиб ўтирган онанг авзои яна кескин ўзгарди, каҳрини сочди:

— Яна менга тик карайди-я! Бунчалик беорликка бетинг чидаркан, унинг уйига бориб ўтирволакол!

Шу лаҳза ишдан кайтган отанг бунака жанжални биринчи марта кўраётгани учунми, йўлакда ҳайрон туриб сўради:

— Ҳа?

Сен онангга умидвор карадинг: «Айтманг!»

Аммо онанг аввалгидан ҳам баландрок овозда отанг билан уриша кетди:

— Ҳаммасига сиз айбдорсиз. Отам деб ҳайикмайди. Бирга шахмат ўйнаб, айтганини бажо килавериб, мана, окибати нима бўлди...

Сен, сингилжон, ярадор кушдек бутун вужудинг билан отилиб кимсасиз бурчак — ичкари уйларингга кириб кетдинг. Узок йиғладинг. Назарингда, яккаю ёлғизсан. Ҳатто ота-онанг ҳам.. Тўхта, ўкинчли хаёлларга ортик берилма. Ҳозирча мен билан сирлашакол. Туйғуларинг, охир-окибатда сени шунча гап-сўзга қўйган юрагингдаги нимадир кўксингдан йиғи бўлиб куйилиб келаяпти. Сўзлолмаяпсан. Шунинг учун ҳозирча мен гапираман. Сен эса кўз ёшларингни арт. Аввало айтиб қўяй: сенда ҳеч гуноҳ йўк. Шунинг учун йиғингни тўхтат.

Биласанми, дунёда одамларнинг моддий эҳтиёжларининг сарҳадлари бор. Факат бир нарса — инсон калбининг меҳр-муҳаббатга ташналигининг чек-чегараси йўк. Моддий эҳтиёжларнинг меъёридан ортиғига интилувчи одамлар — худбин. Аммо меҳрга ҳар канча интилсанг, уни бошкаларга канча кўп бағишласанг — бу сенинг фазилатинг. Бошка ҳамма одамий гўзалликлар: ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, поклик, фидойилик, садокат, окибат — булар муҳаббатнинг мевалари деса бўлади. Сен зийрак кизсан: мен калбимиздаги улкан, кенг маънодаги муҳаббат ҳакида сўзлаётганимни тушундинг-а? Бу муҳаббатни англашимиз, калбимизга жойлашимиз, кадрлашимиз учун бутун умр керак, уни бахтли кунларда одамларга, юртимиз тинчлиги, фаровонлиги йўлида сарфлашни умр бўйи ўрганаверамиз, ўрганаверамиз.

..Эндигина она сути тотини англаган гўдакнинг онага — яратувчи, улғайтирувчига муҳаббати — илк куртак. (Бетокат бўлма, кизгина, юрагингдаги саволларни лаҳза ҳам унутганим йўк). Гўдакнинг жисми билан баробар тасаввури, муҳаббати ўсиб боради: ўз уйига, ҳовлисидаги гулларга, дарахтдаги кушларга, кўшнининг ўзи тенги боласига... муҳаббат, осмондаги ойкулчага муҳаббат... булар ҳаммаси боланинг ўзи каби тез ўсиб бораётган муҳаббат куртаклари. Ва яна бахтли кунлар бахтли туйғуларни олиб келаверади: сени бу кадар мафтун этган одамларга, дунёга меҳр кўйишнинг ўзи камлик килаётганини сезасан. Энди ўзингни уларга бағишлагинг келади: ниҳол экасан, кушларга ин ясайсан, каштa тикасан, онангнинг оғирини енгил қиласан, маҳаллангдаги ёлғиз кампирнинг ҳолидан хабар ола бошлайсан.

Мана, сингилжон, юзларинг ёришиб, бошингни кўтардинг. Сенинг айни кунлардаги ҳаётингга якин келдим, шундайми? Муҳаббатингни элу юртга кундан кунга кўпрок бахш этавергинг, яхшилик килгинг келаверади.

Мен ўкувчилик йилларимни эсласам, хотирамга факат беғубор, беозор чеҳралар, вокеалар келади. Синфдошларим билан болалик, ўсмирликка хос арзимас келишмовчиликлар бўлиши табиий, аммо узок йиллар кўнглингда доғ бўлиб коладиган дилхираликни эслолмайман. Демокчиманки, сен ҳозир шунчалар беғуборсанки, кўзингга ҳамма ўзингдай бўлиб кўринади. Ана шундай одамлардан бири — синфдош бола ҳакида кўп ўйлайдиган бўлиб колдингми? У ҳакда ўз-ўзингча хат ёзиб, китобинг ичига солгандинг...

Мен сени ҳеч нарсада айбламайман. Ҳатто «Бу ёшда сенинг ишинг факат ўкиш, ўрганиш, муҳаббатга йўл бўлсин?» ҳам демайман.

Мен сенинг гўё ўз-ўзингга ёзган хатингга фикр билдираман, холос.

Иккита синфдош қўшни эдилар, айтайлик, Санобар, Адҳам бўлсин.

Улар ҳамма дарсларни бирга бажаришарди. Тўккизинчи синфгача. Бир куни Адҳам мактабга келмади. Танаффус вактида гап нимадан чикди, билмайман. Бир шаддод киз Санобарга:

— Сен Адҳамни яхши кўрасан. У ҳам сени, — деди.

Санобар шу кундан бошлаб мактабни битиргунча Адҳам билан гаплашмади. Адҳам ҳайрон: «Нима бўлган сенга?» — деб сўрайверарди, Санобар гаплашишниям истамасди. Мен бу вокеанинг моҳиятини анча кейин англадим: кўнглингда авайлаб, асраб, нелигини ўзинг ҳам ҳали англаб-англамай ардоклаётган гўзал туйғуни кимдир ялангоч килиб ўртага ташласа, жуда оғир экан. Айникса, бу туйғунинг устидан бошкалар кулса! Худди кадрдон дўстинг сенга хиёнат килган каби, сени уятга қўйган ҳиссиётларингдан юз ўгириш болаларча соддалик, тажрибасизликка хос экан. Демокчиманки, сингилжон, сенинг хатингни у болага етказган дугонанг нотўғри қилибди. Балки у сенга яхшилик килмокчи бўлгандир. Лекин барибир, бировнинг энг арзимас коғозини ҳам бесўрок олиш маданиятли, мулоҳазали одамларга хос эмас.

Хатинг болага, боладан онасига ўтибди. Бола балки мактанмок учун, балки ўзини окламок учун хатни чўнтагимдан топиб олдим, дегандир. Ҳар икки ҳолатдаям у — ноҳак. Қара-я, сен ҳеч кимга озор бермовчи туйғуларинг ошкор бўлиб колганидан шунчалар изтиробдасан. Бола эса сени ҳижолатга қўйиб мактаниб юрибди. Балки мактанмаётгандир, ўзини оклаётгандир. Унда, демак, боланинг ўзига гап тегмаса бўлди экан-да! Ахир, у гапнинг тўғрисини айтиши мумкин эди-ку!

Сингилжон, энди ўзинг ўйлаб кўр: сен бир одамга бекиёс меҳр қўйсанг-у, у сени ноҳак маломатга колдирса! Бундай одам калбингни, меҳрингни ардоклармикин? Қадрлармикин? Эр йигит сифатида сени ҳимоя килишга, оғир кунда ғамингни елкага олиб, дўстинг, дардкаш ва кувончдошинг бўлишига мардлиги етармикин? Шу ҳакда ўйлаб кўр.

Онангнинг: «Ўзи бошкача бўлиб колганингдан ҳавотирдайдим», — деганида жон бор. Мен айтганимдек, сен ва тенгдошларинг калбингизни бирданига юксалтириб бораётган меҳр-муҳаббатни тушунишга уринаётган ёшдасизлар. Бу туйғуларни келажакда яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам хизмат килдириш мумкин. Уни эзгуликка йўналтира олиш кўпрок атрофингдаги ишонган одамларингга боғлик. Сизларнинг вокеангизга кайтаман: агар мен синфдошингнинг онаси бўлганимда, бутунлай бошкача йўл тутардим. Аввал ўғлим кимнингдир меҳрини козона олганидан кўнглимда кувонардим. Ўғлимга эса бировнинг хатини бесўрок олиш нотўғрилигини тушунтирардим. Зеро, бу хатолик юз берган экан, ўғлимга қизни ҳижолатга қўймасликни, бу ҳакда ҳеч кимга оғиз очмасликни, хат эгаси билан худди аввалгидек муносабатда бўлишни маслаҳат берардим.

Кўнглингга оғир ботмасин-у, сингилжон, онанг ҳам анча қизиққонлик килди. Кўпчиликнинг олдида ҳижолатчилик ёмон-да! Шунинг учун кизишиб кетган бўлиши табиий. Лекин нима бўлганда ҳам, онанг вокеаларни оҳисталик билан сўраб билганида, бу кадар ранжимасди, сени ҳам беорликда айбламасди. Аслида, менинг юкоридаги гапларимни айнан айтмаса-да, шунга ўхшаш гаплар билан насиҳату тасалли бериш онангнинг вазифаси эди. Ахир, у — она-да. Сен онангга ҳамиша суянгинг келади, тўғрими!

Биласанми, мен сенинг тенгдошларингни жуда кўп кузатаман. Сендайлигимизда биз сочимизни пишиқ килиб ўрардик-да (ишлаганда, ўкиганда ҳалакит бермасин учун), йил бўйи битта жигарранг кўйлак, оқ фартук билан борардик мактабга. Ҳозир эса айрим ўкувчиларнинг сочлари машҳур эстрада артистларининг сочи каби киркилган. Эрталаб мактабга кетаётган кизлар сочининг кўнғироғига караб кўнглимдан ушбу сўзлар ўтади: «Бу кизлар учун эрта туриб кийин фандан берилган вазифани такрорлашдан кўра, сочларини чиройли килиш муҳимрок бўлса керак».

Бу — балки жуда тез илгарилаётган замонамизнинг таъсиридир. Балки катталар жиддий ўйлаб кўришлари зарур бўлган масаладир? Ота-оналар, ўкитувчи ва мураббийлар нима дейишаркин? Шунданми, ўкувчиларнинг севги муаммолари ҳам йил сайин кенгаймокда. Редакциянинг бир кунлик почтасидан танлаб олган хатларимдан парчалар келтираман:

«Мен еттинчи синфда ўкийман. Бешинчи синфдан буён К. билан юрардик. У мени алдади А. билан юра бошлади. Мен энди севгига ишонмайман», — дейилади бир хатда.

Яна бир хатда: «Биз синфдошим билан севишамиз. Бунга ўкитувчиларимиз, ота-оналаримиз карши. Нега шундай?» — деб сўрайди саккизинчи синф ўкувчиси.

«Менга ҳаётнинг кизиғи колмади. Ўкишниям хоҳлайман. Мен яхши кўрган болани ота-оналари мажбуран бошка мактабга ўтказишди. У ҳам мени яхши кўрарди», — деб хат ёзиб, остига яраланган кабутарнинг расмини чизиб юборибди бир кизча.

Шунга ўхшаш яна қанча хатлар. Беихтиёр кулгинг келади, баъзиларининг карийб ҳар сатрида имло хатолари учрайдиган хатларда севги муаммолари...

Севги. Биласизми, сингилжонларим, катталар кўпинча бу сўзни тилга олишга мулоҳаза киладилар. Бунинг сабаби жуда кўп: севги — калб мулки, уни элга ёявериш енгилтакликка ўхшайди; севги — икки дилнинг сўзсиз бирлиги, ҳамдаму ҳамдардлиги, унда учинчи калбга ўрин йўк. Демак, учинчи одамнинг аралашуви ноўрин. Севги — бекиёс масъулият, бир одамни бахтли кила олиш масъулияти ёки аксинча...

Бу таъбирларни узок давом эттираверишмумкин. Катталар шуларни яхши тушунганликлари учун ҳам сочларига оппок ленталар боғлаб юрган кизларга: «Ҳозир сен ўкишингни бил», — дейдилар. Бу гапнинг давоми шундай: «Сен ҳали ўзингни ҳам англаб ололганинг йўк, бошкаларниям яхши билмайсан. Илк пок туйғуларинг алданиши мумкин. Мен буни истамайман».

Ҳакикий муҳаббат мардлик сингари ўз йўлидан кайтмайди. У бошкаларнинг тўскинчилиги, панд-насиҳат, масофа... кискаси, бирон сабаб билан ўзгариб, йўколиб кетмайди. Икки йил сен билан юриб, энди бошкани ёктириб колган экан, демак, у боланинг кўнглида сенга нисбатан ўткинчи туйғу бўлган. У сени озгина бўлса-да авайлаганда, кўз ўнгингда бошка кизга меҳр изҳор килмасди. Хафа бўлишингга арзимайди.

Хатларини: «Ҳаётдан кўнглим совиди», «Муҳаббатга инонмайман», «Усиз менга дунё коронгу», «Нима килай?» каби сўроклар билан тугатган сингилларимга менинг маслаҳатим шундай: меҳнат — ҳамма кўнгил огрикларининг шифоси. Биласизми, мен чарчаганимда, хафа бўлганимда, хурсандчилигимда дўппи тикаман. Дўппи гуллари битгани сайин ўзим ҳам янгиланиб оламан. Қизалок пайтимда шу санъатни ўргатган онамдан кайта-кайта миннатдор бўламан.

Сингилжонларим, рўзғордаги ҳамма ишни ҳавас билан килсангиз, кўнглингиз кўтарилаверади. Ҳар бир областнинг илдиз отган ўз амалий

www.ziyouz.com kutubxonasi

Р. САИДОВА, О. МАДАЕВ,
филология фанлари кандидатлари

Иншо плани қандай ёзилади?

Ўзбек тили ва адабиёти фанидан ёзиладиган иншонинг мазмунан мукаммал чиқишида ёритилаётган тема бўйича ўқув юртларига кириш имтиҳонлари арафасида уюштириладиган консультацияларда иншога план тузишнинг шарт ёки шарт эмаслиги ҳақида ҳам саволлар бўлади. Демак, айрим абитуриентлар иншони плансиз ёзиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Алоҳида қайд қилиш лозим бўладики, кириш имтиҳонларида тавсия этиладиган мавзуларни план тузмасдан ёритиш мумкин эмас. Чунки бундай ёзма ишларда мулоҳазаларимизни бир тартибда баён этиш қийинлашади. Фикрлар тарқоқлашади. Назарда тутилган гапларнинг тартиби бузилгач, иншонинг изчиллиги йўқолади. Шу сабабли ёзилаётган ишнинг режасини аниқлаб олишга эътибор беришимиз керак.

Маълумки, иншо учун тузиладиган план содда ва мураккаб шаклга эгадир. Содда планда алоҳида ажратилган қисмлар бўлмайди. Ўқувчи темага оид масалаларни рақамлар тартиби билан бераверади. Аммо улардан биринчи, иккинчи моддалар мавзунинг кириш қисмини, кейингилари мағзини, сўнгиси хулосасини ёритишга бағишланмоғи лозим. Мураккаб планни «кириш», «асосий қисм», «хулоса» каби бўлаклар ташкил этади. Планнинг бу шакл ва турларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш, бирини иккинчисидан афзал ҳисоблаш мумкин эмас. Гап планнинг шаклида эмас, мазмунидадир.

Иншо планини мақсадга мувофиқ равишда тузиш теманинг моҳиятини англаб олишга жуда боғлиқдир.

Аксари ўқувчилар иншо темаси улардан нималар ҳақида ёзишни талаб этаётганини аниқ тасаввур қилмай туриб план тузишга киришиб кетадилар. Масалан, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида меҳнатнинг улуғланиши темасига тузилган план Фарҳод образига характеристика беришга мўлжалланган бўлиб қолади. Ҳ. Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмасида коммунистик ахлоқ ғалабаси темасида ёзилиши лозим бўлган иншода асар қаҳрамонлари ҳақида фикр юритишни назарда тутган нотўғри план тузилади. Баъзан образга характеристика бериш талаб қилинган иншога асар мазмуни ҳақида маълумот берувчи модда киритилади. Масалан, А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссасидаги Саида образига характеристика мавзуидаги иншо планида «Саиданинг «Бўстон» колхозига бориши» каби модда ёзилади. Ваҳоланки, «Фарҳод ва Ширин» достонида меҳнатнинг улуғланиши ҳақида иншо ёзишда адибнинг меҳнатга бўлган муносабати, одам меҳнатни севиши орқалигина ҳақиқий инсон бўлиши мумкинлиги, ҳар бир шахс ақлий ва жисмоний меҳнат билан тенг шуғулланиши зарурлиги, инсон қадрини ўлчайдиган мезон меҳнат эканлиги ҳақидаги масалаларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. «Зайнаб ва Омон» поэмасида коммунистик ахлоқ ғалабаси ҳақида иншо ёзганда, шоирнинг 30-йилларда ёшлар тарбиясидаги маънавий масалага эътибор бергани, совет ёшларида коммунистик ахлоқ нормаларига эътиқод билан қарашнинг мавжудлигини мадҳ этиши, янгича дунёқарашга эга бўлган ёшлар образини яратиши, Анор хола онгидаги эскилик иллатларини фош этиши ҳақидаги моддаларни планга киритиш яхши натижа беради. «Синчалак» повестидаги бош қаҳрамон Саиданинг «Бўстон» колхозига бориши эса унинг образига хос хусусият эмаслигини назарда тутишимиз лозим. Бу ўринда Саиданинг ташкилотчилиги, коммунист экани, сўзга чечанлиги, қийинчиликлардан қўрқмаслиги каби хусусиятларни ёзиш маъқулрок ҳисобланади.

Иншо планини тузишда теманинг характерини ҳам ажрата билиш керак. Маълумки, иншо темалари характерига кўра уч турдан иборат бўлади:

1. Адабий темадаги иншолар. Бевосита ўрта мактаб программасида қайд этилган, мактаб дарсликларида алоҳида мақола тарзида берилган темалар юзасидан ёзиладиган иншолар ана шундай аталади. Буларга «Навоий лирикаси», «Фурқат — маърифатпарвар шоир», «Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги Йўлчи образига характеристика» каби темалар киради.

2. Адабий ижодий темадаги иншолар. Бу темалардаги иншолар мактаб программаси бўйича ўрганилган материалларга ўқувчининг шахсий муносабатини билдиришни талаб қилади. «Навоий лирикасини севиб ўкийман», «Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги Йўлчи — мен севган қаҳрамон» каби мавзулар шулар жумласидандир.

3. Ижодий (эркин) темадаги иншолар. Ижодий ёки эркин темадаги иншолар ўқувчининг мактаб программасидан ташқари олган маълумотлари асосида ёзилади. Уларда партия ва ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсати, Ватан, тинчлик, касб-ҳунар ва синфдан ташқари адабиёт муҳлиси сифатида ўқилган асарлар, шоир ва ёзувчилар ижоди ҳақида ёзилади.

«Бахтли ёшлигимиз учун партиядан миннатдормиз», «СССР — тинчлик таянчи», «Инженерлик — мен севган касб», «Эркин Воҳидов — мен севган шоир», «Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб» романидаги Азиз — мен севган қаҳрамон»га ўхшаш темалар ижодий иншолар мавзуини ташкил этади.

Иншо турларини эътибор билан ўргансак, уларнинг планларини тузишда ҳам маълум фарқнинг бўлиши зарурлигини пайқашимиз қийин эмас. Масалан, «Навоий лирикаси» темасида иншо ёзиш талаб қилинса, буюк шоирнинг лирик мероси, унда акс этган темалар, мактаб программаси бўйича ўрганилган ғазаллар, рубоийлар ҳақидаги фикрларга асосланиб план тузамиз. «Навоий лирикасини севиб ўкийман» темасидаги ёзма ишда эса, адибнинг лирик меросидаги битта жанр, битта тема, колаверса, битта ғазал ҳақида фикр юритишни назарда тутиб план тузсак ҳам бўлади. Фақат адабий ижодий темада иншо ёзганда мустақил мулоҳазаларимизнинг баёнига кўпроқ эътибор қилишимиз зарур. Бундай иншоларнинг мазмуни «Нима учун Навоий лирикасини севиб ўкийман?» деган саволга жавоб бериши керак. Мактаб программаси бўйича ўрганилмайдиган бирорта шоирнинг ижоди юзасидан эркин темада иншо ёзилганда мустақил фикрлаш даражаси янада ошиши лозим бўлади. Бундай иншоларнинг планида ҳам кўпроқ мустақил фикрларни баён қилишга қаратилган масалалар ёритилади.

Олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларида ёзиладиган иншо планларининг айрим моддалари таниқли давлат арбобларининг, атоқли шоир ва ёзувчиларнинг машҳур гапларидан, халқ мақолларидан ҳам иборат бўлиши мумкин. Масалан, «СССР — тинчлик таянчи» темасида ёзилган иншонинг битта моддаси В. И. Ленин айтган: «...совет ҳокимиятини дунёда ҳеч нарсага алмаштирмаймиз!» гапидан иборат бўлиши маъқул. Бу моддада Совет ҳокимияти халқ манфаатини кўзлайдиган ҳокимият бўлгани учун ҳам уни ҳеч нарсага алмаштирмаслигимиз ҳақида ёзилади. Баъзан иншо планида шоирларнинг шеърларидан парчалар ҳам модда сифатида қайд этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан: Ҳ. Олимжон поэзияси ҳақида иншо ёзганда, унинг «Бахтлар водийси» шеърини таҳлил қилганда, 30-йилларда совет халқининг фидокорона меҳнат қилганини, тарих билмас ғалабаларга эришганини ёритиш талаб этилади. Иншо планида: «Бу бизнинг сафарнинг зафар сасидир» моддасини киритиш яхши натижа беради.

Кўпинча абитуриентлар бадиий асарда ифодаланган маълум масала ҳақидаги фикрларни ёзиш талаб этилган иншоларга план тузишда қийналадилар. Масалан, Ғ. Ғуломнинг «Кўкан» поэмасида коллективлаштириш даврининг акс этиши» темасига мурожаат қилайлик. Мавзу Кўкан образи, қаҳрамонимиз бошидан кечирган саргузаштлар ҳақида алоҳида муфассал маълумот беришни талаб қилмайди. Ўқувчи бу темада иншо ёзар экан, коллективлаштириш даврида ҳукуматимиз томонидан ўртаҳол деҳконни колхозга жалб қилиш йўлида қандай сиёсат олиб борилгани ва бу сиёсат Ғ. Ғуломнинг «Кўкан» поэмасида қандай акс этгани ҳақидаги мулоҳазаларини баён қилиши керак. Шунинг учун мазкур темадаги иншонинг плани тахминан қуйидагича тузилгани мақсадга мувофиқдир:

I. Кириш:

1. Ғ. Ғулом — ўзбек совет адабиётининг атоқли намояндаси.

2. Шоирнинг 30-йиллар ижоди ҳақида қисқача маълумот.

II. Асосий қисм:

1. Поэмада якка хўжаликка амал қилувчи адашган ўртаҳол деҳқон тақдирининг акс эттирилиши.

2. Колхоз тузилишига қарши чиққан синфий душманлар кирдикорларининг фош этилиши.

3. Асарда колхозга киришнинг ихтиёрий эканлигининг тасвирланиши.

4. Коллектив хўжалик афзаллигини ифодалаш поэманинг асосий ғоясидир.

III. Хулоса:

1. «Кўкан» поэмасининг ўзбек совет адабиётида тутган ўрни.

Ёзиладиган иншонинг планини тузишдан аввал тавсия этилган теманинг асосий моҳияти ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиб олишимиз даркор. Иншонинг планини мақсадга мувофиқ равишда тузиш унинг мазмунига бевосита таъсир этади. Шунинг учун ҳам план темани ёритиш жараёнининг асосий нуқтасидир. Олий ўқув юртига кириш имтиҳонларида иншони юқори баҳоларга ёзиш учун пухта тайёргарлик кўриш ёзма иш планини тузишда ижобий натижа беради.

санъатлари бор: кашта тикиш, гилам тўқиш, сопол буюмлар ясаш, сўзанаю дўппилар тикиш... Буларга пионер уйлари ёки маданият уйлари қошида ташкил этилган тўгаракларда ўргатиладиган ҳунарларни қўшса, эҳ-ҳе!.. Улардан бирортаси албатта сизга ёқади. Уни ўргансангиз, қалбингиз бойийди, қадр топасиз. Энг муҳими, келажакда бахтли тақдир яратмоққа меҳнаткашлик, касбу ҳунаргина мустаҳкам тайёргарлик бўла олади. Ўзингиз севган одамларга қалбингиз меҳри, меҳнатингиз меваси билан шодлик, яхшилик бахт этасиз...

Юзма-юз ўтирган синглим, қарашингдан: «Мени унутиб қўйдингизми?» деган савол уқяпман. Унутганим йўқ сени. Одатда, ўзи ҳижолат тортиб ўтирган одамга тикилиб олсанг, у бадтар ўнғайсизланаверади. Шу сабабли мен озгина бошқалар билан ҳам фикрлашиб олдим. Ота-онанг, ўқитувчиларинг, дўсту дугоналаринг ҳам ҳадеб сени қузатавермасликларини, ўтган воқеани юзингга солавермасликларини, орқа-олдингдан сирли шивир-шивир қилавермасликларини тилардим.

Мана, кўзларинг кулимсираяпти. Кўнглингдагиларни айтгинг келаяпти. Бу — жуда яхши. Балки, ёзиб юборарсан.

Муҳтарама УЛУҒОВА

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙЎЛ БОШИДА АДАШГАНЛАР

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

(Суд очерки)

Чори ЛАТИПОВ

Қора курсида ўтирган уч ёш йигитнинг ҳолати, ўзини тутиши бир-бирига ўхшамайди. Уларнинг энг каттаси Нормаматда гўё ўзига ачиниш ҳисси бордек. Суд залида йиғилганларга ўйчан, гоҳида илтижо билан боқади. Кимлargадир имо-ишора билан унинг тарафини олиб сўз олишини сўрайди. Нима бўлганда ҳам жазодан қутулишни, ҳеч бўлмаганда жазонинг енгиллашишини истаётганлиги сезилиб турибди.

Иккинчи бир судланувчи — Норқул ўта бепарво. Унинг қиёфасида на бир қилган ишларидан пушаймонлик англайсиз, на ўкинч. У ҳеч кимга илтижо ҳам қилаётгани йўқ. Ўтирган жойидан судга гувоҳлик берувчилар сўзидан кулиб қўяр, эшитилар-эшитилмас ўзига қарши гувоҳлик берганларга ҳақорат сўзларини отарди. Суд, прокуратура ходимларининг саволларига ҳам бепарвогина жавоб берарди.

Улар ўртасида ўтирган Ҳалимгина маъюс. Норқулнинг ортиқча қилиқларига зўрма-зўраки жилмаярди, холос.

Нормамат Ёзиев илгари ҳам жиноий ишга қўл уриб, «ўтириб чиққан». Шунинг учун ҳам жазодан қутулиб қолиш йўлларини излайди. У бугун жазодан қутулиб қолганда, эртага яна жиноят қилмайди, деб ҳеч ким айта олмайди.

Норқул Ёзиев акасининг йўлидан боришни ўзича мардлик деб ўйлайди. Ўғирлик, бу йўлда кишилар жонига қасд қилиш унга ҳузурбахш этади. Айниқса, бошқаларни чўчитиб яшашни ёқтиради. Шунинг учун баъзан қилмаган гуноҳларни ҳам ўзига олади. Ўғирликдан мақсад фойда орттириш эканлигини унчалик фаҳмламайди ҳам. Суд залида ўзини ўта бепарво қилиб кўрсатиши ҳам унинг назарида мардлик.

Ҳалим Ҳасанов эса нималарнидир айтмоқчидай. Ўз қилиб қўйган ишларидан пушаймон. Лекин ўзини шу қинғир ишга бошлаган ака-ука Ёзиевлар олдида бор гапни айтишга чўчиётгандек...

Район прокурори Собир Еқубов судланувчиларга қўйилаётган айбномани эълон қилиб, қилмишига яраша жазо муддатларини таклиф қилаётганда кимдир «воҳ», кимдир «вой, бола бечоралар», деди, яна биров «Эсиз ёшлик» деб қўйди, кимдир турган жойидан кўз ёши қилиб юборди. Кўчада эса тартиб сақламаганлиги учун залдан чиқариб юборилган уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари гувоҳлик берганларни ҳақоратлаб «кузатиб қолиш» билан овора.

Суд ҳукми ўқилди.

Нормамат 6 йил, Норқул 4 йил, Ҳалим 5 йил озодликдан маҳрум этилди.

Хўш, ўзи нима воқеа юз берган эди?

Район ички ишлар бўлимига кейинги пайтларда жойларда ўғирликлар содир бўлаётганлиги ҳақида тез-тез хабар кела бошлади. Ана шундай маълумотлардан бири 1986 йил, 16 ноябрь куни эрталаб келди:

Якшанба куни саҳарда Эргаш Ҳазратқулов мол сотиб олиш учун йўл олди. Район марказига киришга оз қолганда Мирижанда кабристонидан ўтаётиб унга кимдир гап отди:

— Сигаретангиз борми?

У жавоб беришга улгурмасданоқ икки киши келиб, уни маҳкам тутишди. Икки томон қабристон девори, тонг саҳар — ҳеч ким кўринмайди. Бу пайтда бу ердан камдан-кам одам — фақат мол бозорига борувчилар ўтиши мумкин холос. Буни йўлтўсарлар билади, шекилли, бемалол ҳаракат қилишди. Унинг қўлларини орқага қайириб, оғзини бекитишди. Зўрлик ишлатиб, қаршилигини қайтаришди. Ниҳоят Э. Ҳазратқулов чўнтагига қўл югурганини сезиб, уларнинг мақсадини сезди ва ёнидаги 450 сўм пулдан умидини узди.

Мол бозорига борувчилар кейинги пайтда йўлтўсарлар учун яхши ўлжа бўлиб қолди. 1987 йил, 15 февраль якшанба куни яна бир жиноят содир бўлди.

Шу куни тонг отмасданоқ мотоциклда йўлга чиққан Пўлат Облоқулов ўзининг изидан текин пул ишқибозлари анчадан буён пайт пойлаб юрганлигини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Тўсатдан мотоциклнинг қаршисига икки киши югуриб чиқди. У аввал ҳеч нарса англамади. Зарб билан отилган темир бўлаги унинг ияги ва бир қўлини шикастлади...

1987 йил, февраль ойида эса Ён қишлоқда яшовчи Ҳидоят Баракаеванинг 2 та товуғи йўқолганлиги маълум бўлди. 4 мартдан 5 мартга ўтар кечаси эса Жарариқ қишлоғида яшовчи Жўра Маматқуловнинг боқилган қора қашқа қўйи йўқолди. 6 март куни қора қашқа қўй ички ишлар бўлими ходимлари томонидан Ёзиевлар уйидан топилди. Шу сабаб бўлиб, бундан олдинги жиноятларни ҳам шу оила аъзолари қилган деган гумон туғилди. Кўп ўтмай гумон ҳақиқатга айланди.

Қабристон оралиғида Э. Ҳазратқуловни тунаганлар, П. Облоқуловга ҳужум уюштирганлар, Нормамат ва Норқул Ёзиевлар ва Ҳалим Ҳасановлар бўлиб чиқди. Шундан сўнг уларнинг бошқа айблари ҳам очилди: улар шу йил январь ойида марҳум Элмурод Эргашевнинг уйидан 214 сўмлик нарсаларни ўғирлаб кетишган экан. Жиноятчилар уйларидан топилган нарсалар орасида қўлдан ясалган ниқоб ва мих қоқилган тахталар ҳам бор. Улар ниқоб кийиб байрамларга чиқишмайди ёки ёғочларга мих қоқиш билан шуғулланувчи дурадгорлар ҳам эмас. Маскалар уларни ўғирлик пайтида ўзини танитмаслик учун ясалган. Хўш, унда мих қоқилган тахталар-чи? Бундан келиб чиқадиган мақсад янада даҳшатлироқ — тунда машиналар йўлига қўйиб тўхтатиб олиш учун. Кейин-чи? Йўқ. Улар бу «ўйинни» қўллашга улгурмадилар. Шунинг учун кейин нима бўлиши сирлигича қолди.

6 кун давом этган суд тугади. Суд залида йиғилганлар учала жиноятчиларни олиб кетган кичик туйнукли машина изидан, «афсус-афсус» дегандек бош чайқаб кузатиб қолишди. Район халқ суди раиси хонасида прокурор Собир Еқубов ва район халқ судининг раиси Бердиёр Суюновларнинг фикрлари билан қизиқдик:

— Ҳалигача кишиларимизнинг ўзидан бошқаларга бепарволиги бизни ачинтиради, — дейди Б. Суюнов. — Баъзилар кўриб-билиб юрган ҳодисаларни яшириб келганлар. Ҳатто жиноятчилик оқибатида жабр тортганлар ҳам фақат етказилган моддий зарар ундириб берилса, бўлди деб туриб олишди. Кимдир келтирилган зарарни ундириб беришларини ҳам истамади.

Шу ўринда 2 товуғидан маҳрум бўлган Ҳ. Баракаеванинг суддаги гапи айниқса, кишини ҳайратга солди. Эмишки, бу учала йигит бир пайтлар унинг ерини чопиб берган ва шунинг учун икки товуғимни олаверинглар, деган экан. Қизиқ, нега улар ўз эгаси розилиги билан ҳадя этилган товуқни тунда келиб олиб кетишди? Бу гаплар билан жабрланувчилар нимани кўзда тутишаяпти? Инсонга меҳр-шафқатми бу? Йўқ, бу жиноятни рағбатлантириш, янги жиноятга йўл очиш.

Нормамат ва Норқул Ёзиевлар ҳамда Ҳалим Ҳасанов жазони ўташга киришди. Нормамат илгари қамоқ жазосига маҳкум этилиб, ундан тегишли хулоса чиқармаган. Устига устак икки ёшни ҳам қинғир ишга бошлади. Наҳотки, қинғир ишнинг барибир қийиғи чиқишини билишмаган бўлса?

Нормамат қамоқ жазосини ўтаб қайтганда 33 ёшда бўлади. Ўшанда у ўз-ўзига «Энди буёғига одамлардек яшайман» дея сўз берармикин? Норқул-чи? Ҳалим-чи? Нега уларни бу йўлдан қайтарадиган одам топилмади? Бу ўринда биринчи галда оилани эслайсан, киши. Чунки боланинг ким бўлиб етишишида оиланинг роли ниҳоятда катта эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Нормаматлар ўсган оилада уларни тўғри йўлга соладиган одам топилмади. Ваҳоланки, бу оилада жиноятга қўл уришлар биринчи бор бўлаётгани йўқ, юз берган воқеа эса тасодифий ҳам эмас. Ота-она болаларининг қинғир йўлга кирганлигидан ички ишлар бўлимларидан олдинроқ хабардор бўлмаганмикин? Отаси ўзидан, оила аъзоларидан айб излаш ўрнига Улуғ Ватан уруши қатнашчилигини пеш қилиб, фарзандларини озод қилишини сўраб турди. Оила-ку, болаларини ўз ҳолига ташлаб қўйибди, улар ишлайдиган жойлардаги коллектив қаёққа қараган деган савол туғилиши табиий. Афсуслар бўлсинки, бу саволингизга жавоб ололмайсиз. Чунки улар тайинли бир коллективда меҳнат қилишмаган. Лекин улар яшаган жойдаги маҳаллий Советлар, участка инспектори, уларнинг тарбиявий кучи қани? Нега бу ёшлар бекор юрганда қишлоқ Совети раҳбарлари, участка инспекторлари булар билан жиддий шуғулланмадилар. Ҳолбуки, бу оиладаги бебошликларни ҳамма биларди.

Шуниси ачинарлики, судланувчилар суд давомида бир неча жойга иш сўраб мурожаат қилишганлигини, лекин уларни қабул қилишмаганлигини айтишди. Бу ўринда коллектив уларни ишга қабул қилмай, ўзича тўғри қилган. Негаки улар бу ёшларнинг юриш-туришидан оз бўлса-да хабардор бўлган. Шу ўринда маҳалла мутасаддилари, ички ишлар бўлими ходимлари уларга ўз ёрдамларини аямасликлари, ишга жойлашиб олишига кўмаклашишлари лозим эди. Ишга қабул қилинмаганлик меҳнатга унча иштиёқи бўлмаган йигитларга маъқул бўлди. Жиноят қилиб пул топиш осондек туюлди. Бу оила атрофида нима гаплар, қандай фожиа гир айланиб юрганлигини сезган қўни-қўшнилар орасидан «Бу ишнинг охири вой» дейдиганлар чиқмади.

Мана энди тоғни урса талқон қиладиган, ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган йигитлар, далада, завод ва фабрикада гумбирлатиб ишлаш ўрнига қамоқда ўтирибди. Бунинг учун энг аввало ўзлари, фақат ўзлари айбдор. Бироқ, уларнинг ён-верида юрган, қинғир ишларини кўриб кўрмаганликка олган, ҳаётда ўз ўринларини топишда вақтида ёрдам қўлини чўзмаган кишиларни ҳам бегуноҳ деб айтиш қийин. Модомики шундай экан, бу ишдан фақатгина Нормамат, Норқул ва Ҳалимгина эмас, сиз билан биз ҳам хулоса чиқариб олишимиз лозим.

Нима дедингиз?

Қашқадарё область,
Ғузор райони.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёш ишчи Назира Самадова Бухоро шаҳридаги «Октябрь 40 йиллиги» номли зардўзлик фабрикасида ишлайди.

А. МИРЗАЖОНОВ фотоси.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Намангандаги 13-ҳунар техника билим юртидан фотолавҳалар:

Автомобиль қисмлари кабинетида.

Комсомол комитетида.

Тарих кабинетида ўқитувчи Турсунбой Тожиаҳмедов дарс ўтяпти.

— Трактор деҳқонларнинг энг яқин дастёри, — дейди ўқитувчи Раҳимжон Мамаралиев.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Дилором Мамажонова, Муҳаммад Исомиддинов ва Сурайё Турсуновалар информатика кабинетида.

А. КУДРЯШОВ фотолари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳайратлардан туғилган ижод

Қудрат Асроров билан тенгдош эканмиз... Одатда тенгдошинг эришган муваффақиятлардан хайратга тушсанг, унга ҳавасинг келса... сергакланиб қоларкансан. Беихтиёр ўзинг ҳақингда, нимани уддалаганингу, нималарга улгурганинг ҳақида ўйга толаркансан. Ҳаётингни сарҳисоб қилишга ундайдиган тенгқурларинг кўп бўлса — бахтинг. Йўқ бўлса-чи?!

Сир эмас, ўттиздан ошиб ҳамки бир касбнинг эгаси бўлмаган, ўз сўзи, ўз қарашини тиниқлаштирмаганлар ҳам йўқ эмас, орамизда. Қолаверса, одамни одам қиладиган нарса — Меҳнат. Ҳаловатдан, керак бўлса, кечишлик... Қудрат изланувчан, интилувчан йигит. У ўзи туғилиб ўсган Сурхон воҳаси ҳақида гапирар экан, кўзларидан, меҳрга тўлиқ сўзларидан она юртини қанчалик билишини, унинг бугуни, кечаси ва келажаги ҳақида қайғуришини илғаб олиш қийин эмас. Беихтиёр наинки бугунги кунда, балки олис ўтмишда ҳам яшаган характер ва типларни абадийлаштирувчи, бетакрор лаҳзаларни мангуликка муҳрлаб қўя олувчи ҳайкалтарошлар сафи яна бир зийрак ижодкор билан бойиганидан қувониб кетасан... Очиғи, бу қувончни бизларга биринчи бўлиб москвалик рассом, қадимий воҳада бир неча кун меҳмон бўлган — Люся Сашинская берди. Бу вақтгача Қудрат яратган «митти одамчалар» ҳеч кимнинг назарига тушмаганди. Балки, вақтингни бекор кетказиб ўйинчоқлар ясаб юрмасанг-чи, ахир завод учун залворли, тоши оғир нарсалар ижод қилиш керак, — дегувчилар ҳам топилганди. «— Барибир, дейди Қудрат, улар айтган «залвор»ларни ҳеч қачон ярата олмасам керак. Мен ясаётган хайкалнинг хажми қанчалик катталашса, шунчалик қудратини йўқотадигандек...»

Люся Сашинская Қудрат ясаган «одамчаларни» Москвага олиб кетди. Кўп ўтмай Марказий матбуот саҳифаларида унинг ижоди ҳақида мақолалар эълон қилинди. Яна кўп ўтмай... Қудрат Асроров Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати бўлди! У бу ижодга, иқтидорга осонликча эришмаган. 7-синф ўқувчиси, ўйинқароқ, шўх ўсмирнинг дарсда ўзини тутишидан қониқмаган ўқитувчи койиб берди. Доим расм дарсида қафасга тушган қушдек бетоқатсан, — деди у. Демак, сен наинки менинг дарсимга балки ҳар қарич тупроғи олиму алломалар ўтган, саркардалар от чоптириб кетган, аждодларимиз хоки ётган — Шерободга ҳам лоқайдсан! Бўлмаса, фикрлардинг. Уларнинг суратини чизардинг, азиз хокларини «тирилтирардинг», ҳайкалларини ясаб!.. Қудрат ҳақиқатан ҳам фикрчан бўлиб қолди. Тарихга берилиб кетди. Ўқиб-билганларидан маълум бўлдики, на фақат бутун область тупроғида, балки ўзи яшаб турган қишлоғи, маҳалласи, она мактаби атрофида ҳам қадимги тош давридан тортиб, ўрта асрларгача тааллуқли ўнлаб, юзлаб ёдгорликлар яширинган экан. Холчаён, Далварзинтепа, Қоратепа, Фаёзтепа, Зартепа, Айртом, Ҳайитобод, Жондавлаттепа ёдгорликлари таассуротларини янада бойитди. Уларнинг кўпида қазиш ишлари олиб борилмоқда эди. Дўстлари билан бу тарихий обидаларга қилган сафари давомида топилган сопол идишлар, ҳар хил тақинчоқлар, тангалар, ҳайкал, деворий суратлар кўз ўнгида яна янги оламларни оча борди. Бу топилмалардан кўнглида туйган ғурури ҳам беҳад эди!

Майда ҳайкалчалар — терракоталарда инсон тасаввури, эстетик қарашлари ўз аксини топади. Терракоталар бизда кўплаб яратилган, уларни деярли ҳар бир хонадонда учратиш мумкин бўлган, дейди Қудрат. «Сурҳондарёлик кампир»нинг офтобда кўпчиган юзлари, шамолда эгилган қомати, ўзига, дидига мос кийим-кечакларини ҳис қилиб. «Ўрмак тўқиётган момо»нинг меҳнат қаритган жуссаси, «Урчуқ йигираётган аёл»нинг самимиятини ўқиб, яна илғаб оламан: Қудрат бетиним кузатишда, кўрган-кечирганларини ҳайкалчаларга муҳрлашда!

Майда хайкалторошликда махобатли ҳайкал яратувчилари каби эркинлик йўқ. Тайёрлаш техникасидан келиб чиқиб, яратилаётган образнинг майда деталларигача эътибор бериш бирмунча чегараланган. Лекин бундай «ён беришлик»лар Қудратнинг ишларида сезилмайди. Бу — «уста кўрмаган шогирд» теша тегмаган ташбеҳлар топади демак. Соддалиги ва самимияти асарларида акс этади. Отам тароқ ясардилар, дейди Қудрат, — уларнинг ёғочни куйлатиб юборар даражада ҳаракатланаётган бармоқларига қараб ўтириб, «Созандалар» номли асаримни яратдим. Бунда меҳнаткаш, ҳаракатчан, куйловчи қўллар алоҳида бўёқ касб этди... Шундай, ижод аҳли ошиқнинг ёниқ кўзларини маъшуқларнинг нигоҳида ҳам кўришни орзулайди, оппоқ қорни шуълалантирган қуёш нурларини ўрик гулларида жонлантиради...

Шеробод кулолчилик заводининг оддий ишчиси Қудрат Асроров ҳамкасби, ёшгина келинчакнинг бошига тушган фожиадан хабардор эди. Турмуш ўртоғи бевақт халок бўлган бу келинчак — оғироёқ. Кўзлари йиғлайвериб, чуқур ботиб кетган. Бошида кўк рўмол, эгнида кўк... Сопол лаган ясаш учун тайёрланган лойни асабий эзғилай бошлайди, Қудрат. Юрагига қил сиғмаётган беванинг олами уни тамоман банд этган эди. «Мотамсаро келинчак» — кенг мушоҳадани, дилгир туйғуларни уйғотувчи асар шундай туғилди!..

У ижодкор учун мавзу танлаш қийин, айни пайтда фавқулодда ҳодиса эканлигини яхши билади. Мавзуни хаёлдан эмас, ҳаётдан олади. Лой ва шомотдан яратилган ҳайкалчаларга Қудратнинг қалб қўри жо бўлган! Шуниг учун ҳам, илҳом, ижод — қалб қўридан бунёд бўлган асарлар тушган нигоҳларни, синчков кўзларни ҳам шуълалантирмай қолмайди!

У. АБДУАЗИМОВА

Бу ажойиб совғачалар Қудрат Асроров ижоди ҳақида ҳикоя қилади.

В. ДУБРОВСКИЙ фотолари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИР НЕЧА ЧИЗГИЛАР БИЛИМ ЮРТИГА

Наманган районидаги 13-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти кенг ихтисосли машинист-тракторчилар, автослесарлар ЭҲМ операторлари, ошпазлар тайёрлайди.

Билим юртида 659 талаба ўқийди. 21 кабинет таълимнинг техник воситалари билан таъминланган. 15 та кабинетда таълимнинг техник воситалари пульт орқали бошқарилади.

Билим юртининг ўқув хўжалигида 31 та трактор ва 8 та автомобилдан фойдаланилади.

Ўқув хўжалиги билим юрти учун зарур. Унчалик катта майдон эмас — 15 гектар, аммо шу ерни ҳам шудгорлаш, бороналаш, чигит экиш ва кузда мўл ҳосил йиғиштириб олиш учун яна кўпгина тадбирларни амалга ошириш керак.

Энг асосийси талабалар тракторларда чинакамига меҳнат қиладиган жой бор. Билим юртининг оқилона жиҳозланган ўқув кабинетлари бошқа, кенг, сахий майдони бошқа. Кенг майдонсиз ҳеч қачон тракторчи етишиб чиқмайди. Тракторчисиз майдон ҳам, ҳосил ҳам бўлмайди.

Область агропромида 13-билим юрти моҳир тракторчиларни етиштириб чиқаришини яхши билишади ва шу боисдан ҳам пахтачиликда миришкор деҳқонларга берилгандек билим юртига ҳам пахта планини белгилаб беришади, тез-тез ёмғир ёғиб турган, октябрь — ноябрь ойларига гупиллаб қор уриб берган 1987 йилда билим юрти механизаторлари ўзларига бириктирилган майдондан қирқ икки тонна «Оқ олтин» ҳосили йиғиштириб олишлари лозим эди. Албатта, сўзларининг устидан чиқишди. 30 октябргача областда иккинчи бўлиб планни бажаришди. Бир неча кундан кейин социалистик мажбурият ҳам уддаланди. Талабалар мавсум давомида мамлакатга 46,1 тонна пахта топширишди.

Ҳа, 13-билим юртининг ўқув кабинетларига ҳавас қилса арзийди. Мана, кабинетларнинг биридаги пойдеворда ростакам ғилдиракли трактор турибди. Ҳамманинг диққатини ўзига тортади бу трактор. Далада узоқдан кичкина бўлиб туюлади. У ёқдан бу ёққа тириллаб бориб келади, чарчаш нима эканини билмайди... Бу ерда, узунлиги бор-йўғи саккиз метрли, унча баланд бўлмаган кабинетда эса баҳайбат трактор экани яққол сезилади.

Эътиборга сазовор томони шундаки, кўпгина механизмлар шундоққина кўриниб туради. Ўқитувчи бошқарув пультида кнопкани босиши билан орқа ғилдираклар секин ҳаракатга келади. Ярмигача қирқилган цилиндрда эса кичкина поршен дам юқорига кўтарилади, дам пастга тушади. Кўриб қўй. Миянгга жойлаб ол. Тушуниб ол... Мана буни кўргазма асосида ўтказилган машғулот деса бўлади...

Кабинетнинг деворларига тўғри бурчакли чоғроққина стендлар осиб қўйилган. Ҳар бирида тракторнинг у ёки бу механизми бор. Барча деталлар стендга тартиби билан ўрнатиб қўйилган, остида номери, унинг тагида ўша номерли ва номли деталларнинг таблицаси ёпиштирилган.

Ғаффоровнинг фикрига кўра, бундай курс иши ҳар қандай ёзув ва ҳисоб-китоблардан яхшидир.

— Энг асосийси,— дейди Алихон Ғаффорович қувонч билан,— бизнинг талабаларимиз РАПО чиқиндига чиқарган техникадан олинган мана шунақа механизмни қўлига олиб, уни ювиб, тозалаб қўйишдан аввал уни синчиклаб кўздан кечириб чиқади, қўлида ушлаб нимага ишлатишига яна бир марта ишонч ҳосил қилади...

Директор бошқа кабинетларни, лаборатория, тренажёр ва тирларни кўрсатди. Ҳаммаси пухта ишланган, янги методика асосида ускуналанган.

«Ўзларининг ўқув кабинетлари бор. Ўқув хўжаликларига эга. Шундай бўлгач қанақанги муаммо бўлиши мумкин? Қанча керак бўлса шунча тракторчи, ҳайдовчи ва автослесарларни қалаштириб ташлайверади-да» — дегувчилар ҳам бўлади.

Албатта, бундайлар ноҳақ. Ҳа билим юртида касб маҳоратини эгаллаш учун шароит яратиб берилган. Лекин, савол туғилади: агар ўсмир тракторни қалбдан севмаса, унга меҳр қўймаса унга замонавий кабинет ва ҳосилдор гектарлар нима ҳам бериши мумкин? Ерга трактор ёрдамида ишлов беришга, ана шу замин ҳосилдор қилиш учун автомобилларда юк ташишга муҳаббат уйғотиш билим юрти педагогика коллективининг зиммасига юклатилган...

Билим юртига ўқишга кирувчи бошқа тоифадаги ёшлар ҳам бўлади. Улар оталари, акалари, қариндошларининг қишлоқ хўжалик техникасини моҳирона бошқаришига ҳавас қилиб шу касбни танлашган.

Сайфулла Раҳмонов ана шундай болалардан бири. 2-курс ўқувчиси бўлажак тракторчи. Тракторчи бўлишни Сайфулла ёшлигидан орзу қилган: неча ўн йилдан бери тракторчи бўлиб ишлаган амакиси Валихон Сайфуллалар хонадонига тез-тез келиб турарди. Боланинг тракторга қизиқишини сезиб Валихон жиянига тракторнинг тузилиши, ички органлари қандай бўлишини эринмай тушунтирарди, тракторга ўтказиб, уни бошқариш йўлларини ўргатарди. Сайфулла 8-синфни битириб, 13-қишлоқ ҳунар-техника билим юртига ўқишга кирмоқчи бўлганда ота-онаси эътироз билдиришмади.

Орадан бир неча ой ўтиб, ўртоқлари тартибинтизомда принципиал бўлган Сайфуллани группа старостаси қилиб сайлашди: аввалги старостада ана шу хислат етишмасди. Ўшандан бери у 22-группага моҳирона етакчилик қиляпти, ўз-ўзини бошқариш кунлари эса Сайфулла Раҳмонов ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасини бажаради.

13-билим юртида тайёрланган ғалла ўриш комбайнининг модели болаларнинг фикрича олисдаги нотаниш ва сирли Кампучияга 1987 йилда сайр қилиб келди. Учинчи курс талабалари Ҳаким Шокиров, Ҳамид Бегманов ва Равшан Тошбоев уни юзага келтиргунча уч ой роса овора бўлишди. Ниҳоят уни тайёрлашди-ю, бироқ қани энди қимир этса!

Жуда алам қилса ҳам йиғлашмади. Яна қайтадан тайёрлашга киришишди. Энди фақат билим юртининг техника ижодиёти тўгарагида эмас, балки уйда ҳам туни билан меҳнат қилишди. Ниҳоят, комбайн ҳаракатга келди. Бирин-кетин барча конкурсларда ғолиб чиққан модель Намангандан Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига етиб бориб ҳунар-техника билим юртлари талабалари ишларининг конкурсида биринчи ўринни эгаллади. Ана шундан кейингина жажжи комбайн энг узоқ сафарга — Кампучияга отланди.

Ҳар йили билим юртида группалараро техника ижодкорлиги конкурси ўтказиб турилади. Ғолибларнинг моделлари ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг область конкурсида иштирок этади. Мана шу конкурсда ҳам муваффақиятга эришилса, республика миқёсидаги мусобақада куч синашилади. Шуни ҳам айтиш керакки, 13-билим юрти уч йилдан бери мунтазам равишда республика конкурсида қатнашиб келмоқда.

Конкурслардаги ютуқлар ўз йўлига, муҳими тўгарак аъзолари техника ижодкорлиги бўйича ўз мойилликларини такомиллаштириш имкониятига эга эканликларида... Уларнинг тер тўкиб қилган меҳнатлари юксак самара беряпти. Кейинги уч йилда 13-билим юрти битирувчиларидан неча киши олий ўқув юртига кирди, деб ўйлайсиз? Ўнтами?.. Ўн бештами?.. 25 битирувчими? Йўқ, икки марта кўп — эллик бир киши! Шуларнинг кўпчилиги техника ижодкорлиги тўгарагида шуғулланган.

Яна тўрт битирувчи — Аҳмадали Хошимов, Эргашали Меҳмонов, Собир Болтабоев ва Жамол Парпиев кейинги йилларда мамлакат ҳарбий билим юртлари курсантлари сафидан жой олишди. Билим юртини битиргач улар лейтенант унвонига эга бўлишади. Офицер погонларини тақишаётганда улар нималарни эслашаркин? Бир пайтлари 13-билим юртида ёш, серғайрат ҳарбий раҳбар Равшан Бурхониддиновга бошланғич ҳарбий тайёргарлик кабинетини жиҳозлашда қандай ёрдам берганликлариними ёки нишон ҳаракатланиб турувчи эллик метрли тирни қуришда қандай иштирок этишганиними? Балки армия хизмати ҳақидаги фильмни, билим юртида йилда икки марта ўтказиб туриладиган отиш машқини, билим юртига келгунча тўртовидан бирови ҳам кўрмаган қурол-автомат ва милтиқларни қисмларга ажратиш ва йиғишни эслашгандир?

Албатта, эслашади. 13-билим юрти номидаги «Огонёк» ўйинида қатнашганини, область мусобақасида биринчи ўринни эгаллашганини унутиб бўладими?

Мана шу тўрт ҳарбий курсантнинг йўлини тутадиган янги битирувчилар албатта бўлади, чунки билим юртида ҳарбий тайёргарлик аъло даражада олиб борилмоқда. Бу ерда Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан учрашувлар мунтазам ўтказиб турилади. Армия сафига чақирилгандан кейин афғон халқига қардошларча ёрдам кўрсатган билим юрти битирувчиларининг номи ҳурмат билан тилга олинади, ўлимидан кейин «Қизил юлдуз» орденига сазовор бўлган 13-билим юртининг собиқ битирувчиси Ҳасан Эргашевни умрбод эслаб юришади. Кечагина ҳунар ўрганиб чиққан 25 ёшли йигит душманлар билан жангдан кейин автоматдан муттасил ўқ узиб ротани янги позицияга ўтиб олишини таъминлади. Топшириқни бажарди-ю, аммо ўзи ўтиб олишга улгурмади...

Кимдир техника ижодкорлари машғулотларига мойиллик билдиради, кимдир офицерлик хизматини орзу қилади. Яна кимдир бўш вақтини спортга бағишлайди. Бундайлар учун мукаммал жиҳозланган спорт шаҳарчаси билан спорт зали бор. Билим юртида ишлаб турган тўққизта секциянинг исталган машғулотига мунтазам қатнашиб, кучли, чаққон, иродали бўлиб етишиш мумкин.

Ешликда ким бундай бўлишни орзу қилмаган? Ака-ука Хадарцевлар, Сергей Заболотний, Сергей Бубка ва бошқа моҳир чемпионларнинг спорт шуҳрати уларга тинчлик бермайди. Шу боисдан ёш ўқитувчи тренер Шарифжон Ғаффоровнинг тиниши йўқ. Бўлажак машҳур спортчиларга ҳам, шунчаки спорт билан шуғулланиб чиниқишни хоҳловчиларга ҳам вақтини аямайди...

— Менда қанақа муаммо бўлиши мумкин? — ўйчанлик билан сўради Алихон Ғаффорович.— Муаммо йўқ. Ҳаммасини ҳал қилганмиз. Биттасидан бошқа,— деди у жилмайиб,— Лекин бу ниҳоятда муҳим муаммо. Шуни ҳал қилсак тоғни ағдарган бўламиз. Гап шундаки, бизнинг профилимиз мутахассисларини планлаштиришдаги чалкашликлар бизни ташвишга соляпти. Айтайлик, РАПОдан, бизни оталиққа олган асосий ташкилотдан 180 та тракторчи тайёрлаш учун ўқишга шунча талаба қабул қилиш хусусида заявка оламиз. Уч йилдан кейин Ғалаба агросаноат бирлашмасига шунча тракторчи зарур бўлади. Ҳаммаси тушунарли, аммо Госплан...— Алихон Ғаффоровичнинг афти бужмайди ва нохуш фикрни ўзидан қувгандек бошини силкиб қўйди.— Госплан бизга икки марта кўп разнарядка беради. Мен ҳеч нима қилолмайман, бўйсунишга тўғри келади. Биз, агар лозим бўлса, беш юзта тракторчи етиштириб чиқаришимиз мумкин, аммо бир юз саксондан ортиғини билим юртини битиргандан кейин қандай тақсимлаймиз? Мана шунақа бўлади: одамга касб-ҳунар ўргатасан, кейин ишга жойлаштиролмайсан. Ишга жойлашолмай бекор юрган йигитчанинг онаси ундан кейинги ўғлини энди билим юртига ўқишга беради, деб ўйлайсизми?..

Ҳа, бу муаммони ҳал этиш биргина директорнинг қўлидан келмайди. Госпландаги ўртоқлар буни қанча тез ўйлаб кўришса, шунча яхши бўлади.

Билим юртидан жўнаб кетар эканман, машинада ҳунар-техника таълими область бошқармасининг бошлиғи қайғураётган билим юртларининг тақдири учун Нозимжон Исмоилович билан анча гаплашиб олдик.

— У сизга яна бир нимани айтмади,— деди у,— 13-қишлоқ ҳунар-техника билим юртида беш йилдан бери, тасаввур қиласизми, беш йил-а, талабалар орасидан бирорта ҳам тартиббузар чиқмади.

Мен оғиз очишга улгурмай, бошлиқ сўзида давом этди:

— Билим юрти территориясида чекишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, ҳатто ўқитувчиларнинг ҳам. Ўқувчилар комитети билан касаба союз комитети ўтган йили шундай қарор қабул қилди...

Вл. ИВАНОВ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Валерий ГУСЕВ

қисса

УЛФАЙИШ

Шаҳарнинг гавжум кўчаларидан бирида деярли бўм-бўш троллейбус ғизиллаб кетарди. Оркарокдаги ўриндикда Равшан бувиси билан ёнма-ён ўтирарди. Ташкарида байрамона кийинган оломон кайгадир шошарди. Тўсатдан гиламлар билан безатилган, хонандаю созандалар билан лик тўлган юк машинаси троллейбус ёнидан ўтиб кетди. Троллейбус ичида карнай-сурнайнинг овози бир зум гумбирладида яна тинди.

Равшан хаёлга толиб ўтирарди... «Темур нима дейди» ҳа, болалик рудиментлари — демак колдиклари... Бу баъзи бир одамларда маймуннинг думига ўхшаш нарса пайдо бўлишига ўхшаган гап... Мендаги дум эса — бу менинг хом хаёлларим, рўёбга чикмайдиган орзуларим!.. Қаранг, олий лигадаги футболчиман, ҳар ўйинда бештадан гол уряпман, бир карасангиз боксёр, шунаканги зарбим зўрки — биринчи раунддаёк ҳаммасини чалпак килиб нокаутга учратаман. Еки — мотопойгачиман! Кечаги куни бўлса японлар магнитофонини созлаб ташладим. Ҳа-да! Устахонанинг ёнидан ўтиб кетаётсам, усталар ўзаро баҳслашишяпти: «Йигирма йилга гарантиямиш! Ҳолва деган билан оғиз чучирмиди. Мана, бузилдику. Кирсам, стол ўртасида магнитофон турибди — «Шарп-777». Бир карашдаёк касалини пайкадим. Отверткани беринглар-да, ўгирилиб турингглар, дедим. Бериши, ўгирилишдиям. Бир жойини кавлагандим, магнитофон балодек ишлаб кетди. Фамилиямни, адресимни усталар астойдил суриштирса ҳам айтмадим, камтарлик килиб жўнаб колдим. Елғонлигинику ўзимам яхши биламан, аммо бир ҳафтада бошим осмонда юрди. Сал илгарирок бензин ўрнини босувчи суюклик кашф этгандай бўлдим. Ҳа-да. Бундан кам ҳам эмас, кўп ҳам эмас. Буларни яхшиям Генкага эмас, Темурга айтиб берувдим. («Тезрок докторга бор, ҳарбий! Аклингдан оғиб бўпсан-у!» Генка ким тўғри келса, ҳаммасини ҳарбий деб чакиради. Қайсиям кинода кўриб илиб олгану, энди шу гапни кайтараверади). Темур эса эшитиб: «Ҳаммаси жойида. Ўзим ҳам тушимда шеър ёзаман. Факат ростини айтсам, уйғонганимда ҳеч нарса эслаёлмайман». Унга-ку осон: ҳеч нарсани эслаёлмайди, мен эса ҳамма килмишларимни бошидан охиригача тасаввур кила оламан... Бундан ташкари, аслини олсак, кимман ўзи? Ҳали боламанми, ё катта одам бўлиб колдимми? Балким уям, буямдирман? Мактабда менга доим сен каттасан, дейишади, уйда эса тескариси...

Қизик, Камола мени ким деб ўйлаяптийкин? Ўзиям кейинги пайтларда ғалати бўлиб колди... Бир-икки ой ичида ўзгарди-колди... Мана бугун дейлик, бутун ошналаримиз билан каерга боришни ҳал кила турганимизда, ўзидан-ўзи «Мен карнавалга боришни истайман!» — деса бўладими? Шу билан гап тамом — вассалом!..

— Қаерда учрашамиз деб келишгандиларинг? — хаёлини жойига туширди уни бувисининг овози.

— Кираверишда, — троллейбуснинг деразасига ёпишиб турган Равшан жавоб берди. — Мана улар! Судралиб келишяпти!

Бувиси ташкарига каради. Иўлак бўйлаб учта ўсмир кетаётган эди...

— Чапдаги — бу Сурик, — тушунтира кетди Равшан. — Буларни кўрмаганингизга анча бўлди, танимай колишингиз мумкин. Ўртадагиси — Мяка, ўнг томондагиси кўзойнаклиги, бу — Ямб.

— Мяка, Ямб — бу нима, лакаблари шунаками?

— Ҳа-да. Мяка — бу Генка Мякотин. Ямб — Темур Саломов — бўлажак шоир. Бир куни шеър ўкиганда «ямб» деган сўзни ишлатган эди, биз бўлсак ўша заҳоти унга лакаб кўйиб олдик. Сурик эса — бу Сурен. Уни яхши танийсиз.

— Ҳов ана, Камола келяпти! — таниб колди бувиси. — Чиройли бўлиб кетибди.

— Тўғри, чиройли. Аммо муштлашганда ўғил боладан колишмайди.

— Ҳай, борганларингда ҳушёр бўлинглар: бўлар-бўлмас одамлар билан тортишиб ўтирманглар... Ўйнайвериб кўп коп кетманглар яна!

— Ҳа! Алишерга кечасиям рухсат бор, менга колганда «Кўпга колиб кетманглар», дейсиз!

— Биринчидан, у студент, сен бўлсанг...

— Ўкувчиман, бувижон, мактаб ўкувчисиман! Минг мартадан эшитганман буни! Қизик, мактабни ташласамчи, унда нима дер экансизлар?

Бувиси базўр жилмайди:

— Ойингни олдида унака бемаъни ҳазилингни йигиштир, болам. У бечора тушидаям студент бўлишингни орзу килиб юрибди.

Ҳай, майли. Яхши дам олинглар, аклингни берсин! — троллейбус бекатга келиб тўхтаётганини сезиб, бувиси дуога кўл чўзди.

* * *

— Музкаймок ейишни хоҳлайман, — деди Камола йўлда тўхтаб.

— Бошка нарсани кўнглилари тусамайдими?— истеҳзо килди Генка.

— Йўк, факат музкаймок егим келяпти! — деди бепарволик билан Камола. У шерикларидан кўзини ўгириб турганигами йўловчилар, айникса йигитлар унга тикилиб караб кетишарди.

Генка, Темур ва Сурен савол билан Равшанга карашди.

Равшан чўнтагидан майда пул олиб, кафтига кўйида тепага ирғитди.

— Қирк етти тийин, — деди у.— Ким кўпрок беради?

Кафтига тангалар тўкила бошлади.

Улар нонли музкаймокларни курсиллатишганча шаҳар боғига якинлашар эдилар.

— Ижозатларингиз билан шуни маълум киламанки, у ерга билет билан киргизишади, — эслатди Темур.

Ҳамма такка тўхтади.

— Билетга бало борми? — хуноб бўлди Генка, — тешикдан ўтамиз.

— Мен тешикдан ўтмайман, — норозилик билдирди Камола.

Ҳамма унга каради.

— Вой-вуй! Сени қара-ю! — захархандалик билан деди Генка. — Бултур ўтган, энди...

— Ҳа, бултур мумкин эди, бу йил йўк.

— Айтувдим-ку сенга, Равш, шуни олмайлик деб! — бўғилди Генка ва кўнглидаги норозиликларни тўка кетди: — Униям чақирайлик! Чақирайлик дедиларинг! Мана оқибати. Ойим тиллонинг ноз қилишига ўлаймн?

Аммо Генканинг гаплари Камолага зиғирча таъсир қилмагандай туюлди.

— Ҳай, майли!... Мен уни дарвозадан ўтказиб юборарман, — деди Равшан, қўлида қолган майда пулларини жаранглатиб, — сизлар эса... — у бошини тешик томонга силкитди. — Ўрта дарвозага кираверишдаги майдончада учрашамиз.

* * *

Ўрта дарвозага кираверишдаги майдончада қурилган саҳнада бир гуруҳ йигит-қизлар саф тортиб юришар эди. Улар ўзларига катта ишчилар коржомаси ва каска кийиб олишган. Коржомалари яп-янги эди. Бутун гурух бир маромда баланд овоз билан «Чап қадам! Чап қадам!» лаб юришарди.

Томошабинлар озчилик — бир жуфт ошиқ-мошиқлар, дарахтча соясида ўтирган аравачали битта кампир, сал нарирокда яна бир гурух серсавлат одамлардан (бугунги байрамнинг ташкилотчилари бўлса керак) бошқа ҳеч кимса йўқ эди.

Бир пасдан кейин саҳнада худди анови, саф тортиб юрганларникига ўхшаш, каска ва янги, лекин ғижим коржома кийган йўл бошловчи пайдо бўлди. У микрофон олдига келди-да, бошини елкаси ичига тортиб, бир зум қотиб қолди...

Кейин қайсидир куйнинг кириш аккордлари эшитилди...

— Чап қадам! Чап қадам! — деган овозлар яна сафдагиларни тартибга туширди.

— Ҳой, сен, кроссовкалик йигит! — овозини куйга ва берилган ритмга мослаб бўғилганча бақирди микрофонга бошқариб борувчи. — Сафга тур! Қадамингни ростла!

— Ие, нима, у менга айтяптими? — ўзининг эскирган кроссовкаларига назар ташлаб таажжубланди Генка.

— Бир йил ўтади, балким икки йил, — давом этар эди бошқариб борувчи, — қарабсизки, ўртоғингиз зеҳни ўткир ишчи бўлур!

— Чап қадам! Чап қадам! — ҳаракат қилар эди ҳамон сафдагилар.

— Об-бо, ҳарбийлар қотиришяпти-ку! — хитоб қилди Генка. — Ўлвораман ҳозир. Бояги шеъри Маяковскийданми?

— Ўхшатишяпти, — аниқлик киритди Темур.

— Ҳой қизлару, жон қизлар! — сайрар эди бошқариб борувчи. Ийиғи чиққан жинсиларни асло кийиб юрманглар! Ундан кўра, келинглар, ҳунари зўр тўқувчи бўлинглар!..

— Менга қара, Ямб, — ёлворди Генка. — Бир боплаб қўёлмайсанми уни?

— Ўйлаб кўриш керак, — деди Темур. — Ҳозир йўлини аниқлайман...

— Чап қадам! Чап қадам! — фондаги марш қилиб юрганлар саҳнада қандайдир мураккаб машқларни бажара бошлашди.

— Демак, гап бундай, — деди Темур. — Уларга ўхшаб, сафга турингглар... Равшан Мякадан кейин, Сурик орқамдан, Камола эса охирида турсин... Тез-тез! И-и-и! Бир жойда шагом марш! Чап қадам! Чап қадам! Санаб, менсиз юриб кўринглар, мен эса ўзим... Ҳой, сизлар, каскадагилар! — саҳнага бақириб чақирди Темур. — Қўрқмай асло, пастга ёпирилиб тушинглар! Зерикмадингларми, юраверіб?! Балки беш юз, кўпи билан олти юз йил ўтар, кейин сизлардан антика томошабинлар чиқар!

— Чап қадам! Чап қадам! — шерикларининг тўртовлари ҳам унга қўшилишди.

Саҳнадагилар оғизлари ланг очилиб тўхтаб қолишди. Улар осмондан тушган бу масхарабозларга таажжуб ва қизиққонлик билан қарашар эди.

Бошқариб борувчи микрофонга пуфлади-да, бўғилиб:

— Римма Петровна! Ишимизга халақит беришяпти! Дружиначиларингиз қани, — ўшқира кетди.

Бояги гуруҳ ичидан дарров кеча либосига кийинган блокнотли бир хотин қатъият билан чиқиб қолди.

Аммо масхарабозлар аллақачон қуён бўлишганди.

* * *

Улар хиёбон бўйлаб кетишар эди. Атрофларида байрамона кийинган одамлар тўлиб кетган эди.

— Сенга яхши, — деди Темурга Сурен. — Мен-чи, ҳалиям ҳарбий билим юртига олишадими, йўқми билмайман. Оёгимнинг яссилиги панд берадими, деб кўрқаман.

— Йўғ-э! Гапларингни ҳеч тушунмайман! — хитоб қилди Генка. — Нима сабабдан жуда эрта ташвишланиб қолдинглар? Яна икки йил ўқишимиз бор. Мазза қилиб юраверамиз ҳозирча!

— Ота-оналаримизнинг елкасидами? — сўради Равшан.

— Нима қипти! Улар ўзлариникини мазза қилиб минишган. Бу табиатда сувнинг айланишига ўхшаш табиий хол-ку. Бундан ҳеч қаерга қоча олмайсан ҳам. Бизниям болаларимиз бўйнимизда мазза қилиб ўтиришади.

— Мен бўлсам мактабни битирганимдан кейин дарров биронта машҳур артистга турмушга чиқиб оламан, — деди Камола.

Равшан синчковлик билан унга қаради.

— Мен эса каскадёр бўлишга аҳд қилдим, — деди у.

— Сен-а? — киноямуз сўради Генка. — Сен? Каскадер бўлишга? — сўнг оёкларини қийшайтириб чеккага юриб кетди. — Ушланглар мени! Ҳозир жинни бўлиб қоламан!

— Нимаси кулгили? — сўради Темур.

Генка жаврай кетди: — Сен ўзинг биласанми, каскадёр бўлиш учун одам қанча-қанча касбни билиши керак. У-чи? У нимани биларди футболдан бошқа? Мошинани иккита ғилдирагида ҳайдай оладими? Отишни-чи? Поезддан сакраш-чи? Бунинг учун, биласанми, одам характе-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рида табиий довюраклик бўлиши керак, азизим!

— Сенда довюраклик йўқ, деяпсанми?

— Ишончим комил. Мана, катта кўприкдан сакраёлмаслигинга гаров ўйнайман. Келишдикми?

— Сакраёлмайманми?

— Йўқ.

— Сакраёлмайманми?

— Албатта сакраёлмайсан!

— Бўлди энди! — аралашди уларнинг гапига Камола. — Худди ёш болаларга ўхшайсизлар, — деди-да, ҳиёбон бўйлаб тез олға юриб кетди.

Равшан жилмайиб турган Генкага масхараомиз қараб Камоланинг ортидан қувиб кетди.

Дўстлари унга эргашишди.

* * *

Солист томошабинлар орасида микрофон билан юриб, ажнабий тилда қўшиқ айтар эди. Унинг овози кўпам ширали бўлмаса-да, аммо ўзини эркин тутиши, кийими — ялтироқ газламадан оч рангли пиджак, капалакнусха галстук ва қордек кўйлаги — буларнинг ҳаммаси томошабинни беихтиёр мафтун қилар эди.

Камола сеҳрлангандек ундан кўзини узолмай қолди. Ашулани микрофон шнурини калтароқ қилиб кўйди-да, томошабинлар орасида югуриб-елиб беихтиёр Камоланинг олдида тўхтади. Қизнинг олдида бир оёғи билан чўкиб, унга атиргул узатди-ю, баланд пардаларда: «Муҳаббат, муҳаббат!» дея ашуласини тугатди.

Камола қизарганча гулни олди. Томошабинлар артистни олқишлаб чапак чалишарди. Равшан, Темур ва Генка лабларини буриштирганча саҳнадан кўз узмай турардилар.

— Кетдик бу ердан, — деди Равшан қўшиқ тугагач Камоланинг енгидан тортиб.

Кета туриб Камола саҳнага яна бир бор ўгирилганида у ерда бояги артист томошабинларга таъзим билдириш баробарида ўзини зимдан кузатаётганини кўрди.

* * *

Байрам бўлишига қарамай кўлнинг очиқ жойида эшкак эшувчилар машқ қилиб туришар эди.

— Ҳо, кўприк шу ерда ҳам бор экан-ку, — деди Рашанга кўз қисиб Генка. — Ичимизда боя каскадер бўлишни хоҳлаган ким эди?

Равшан ҳеч сўз демасдан ечина бошлади.

— Равшан, сен нима, ахмоқмисан? — югуриб унинг олдига келди Камола. — Равшан, мен сендан илтимос қиламан! Йигитлар, айтинглар энди унга! Равш?!

Равшан уни бепарво четлатди, кўприк панжарасига яқин борди.

— Тағин мен... унинг олдида... — ғўлдирарди у.

— Равшан, бас қил энди! — деди Сурен, аммо ҳамма эшитадиган овозда.

— Нимага ҳаммаларинг ташвишланиб қолдиларинг! — қичқирди Генка. — Чеккасида озгина туриб юраги бетламай қайтиб келди-да. Бу ердан ҳали ҳеч ким сакраган эмас.

Равшан тубсиз чоҳ устида турар эди. Пастга бир қаради-ю, боши айланиб қолди. Пешанасини реза тер босиб кетди. Томоғи бўғилиб ютинди-ю, сўнг шиддат билан кўприкдан сакради...

Парвозда у бир оз нотўғри ҳолатга тушиб қолди: оёқлари олдинга чиқиб чалқанчасига кетди. Ўнгланиш учун қўлларинам силкита бошлади... аввалига жуда қаттиқ зарбани ҳис қилди, бадани худди куйдириб ташлангандай бўлди, сўнг хушидан оғиб қолди...

Равшан аста кўзини очди. Ўнгида, худди қандайдир бўшликдан Камоланинг йиғлайверіб шишиб кетган юзини кўрди.

— Равшан? — Мени эшитяпсанми? Равшан? Бирор нарса дегин?

Равшан бошини силкитди-ю, хиёл ўрнидан турди. Енида Темур билан Сурен парвона бўлишарди. Шундоққина ёнгинасида Генка ғўлдираб ўтирарди:

— Ақлдан озганини билмаганман-да! Аҳмоқ! Ғирт тентак, жинни экан-ку!

Жаҳли чиқиб кетган Камола Генкага.

— Разилсан-а, Мяка! — деди бўғилиб. — Разил! Ўта кетган хилидан экансан!

Равшан, Темур, Сурен унга бақрайиб тикилиб қолишди.

— Ҳаммангдан! Эшитяпсанларми, ҳаммангдан нафратланаман!!! — хўнграб йиғлаганча бақира кетди у. — Энди билсам, гўдакдан фарқларинг йўқ экан ҳаммаларингнинг! — деди-ю, кўз ёшлари ювган юзларини бекитиб, улардан нарига қочиб кетди...

* * *

Равшан уйга хуноб бўлиб қайтди. Катта акасининг жонли бурчагида ҳаёт барқ урар эди: канарейкаси сайраб турар, нозикқина яшил рангли тўтиқушлар ғижиллашиб, ўша заҳоти ярашар эдилар. Олмахон ғилдирагида айланар эди. Сара исмли зағизғон ўзининг қўноғида думини ликиллаши баробарида: «Қатъий равишда овқат беришларингни сўрайман!» ёзуви бор қўнғироқчани қимирлатар эди.

— Алишернинг ўзи сени боқсин, — тўнғиллаб қўйди Равшан, аммо емини берди.

Хонасига ўтиб, ўзини юз тубан жойига ташлади.

— Яхши ўйнаб келдингларми? — сўради нариги хонадаги бувиси.

— Емон эмас — қовоғини солиб жавоб берди Равшан. Кийим алмаштирмагани энди эсига келиб, шкафни очди-да, ўзини ойнада томоша қила бошлади...

Хонасидан чиққанида қўлига супурги ушлаган бувиси диванга ўтириб телевизор томоша қилаётган эди.

Равшан бувисига яқинлашиб: «Бувижон, мен ёш боламанми?» деб сўради.

Бувиси унга жилмайди, кейин сочларини хурпайтириб пешонасидан ўпиб қўйди.

— Нималар деяпсан, — деди у. — Сен жудаям катта бўлиб қолдинг. Фақат буни исботлашинг керак.

— Қанақа қилиб?

— Оғмахонни ушлаб бер, қафасдан чиқиб кетибди.

— Э-ээ... Мен сенга жиддий гапирсам... — Равшан қўлини силкитди-ю, яна хонасига кириб кетди.

* * *

Камола йўлакда ойисининг овозини эшитиб қолди.

— Бу келадиганлар менинг мижозларим! — шанғиллаб гапирарди ойиси. — Улар менинг олдимга кийим тиктиргани келишади!

— Билмадим, билмадим, — баландлади қўшниси ҳам овозини. — Тиктиргани келадими ёки бошқа нарсагами?

— Сени нима ишинг бор! Мабодо улар ўйнашларим бўлганда ҳам сен эри билан номига турғандан кўра тузукроқдир, ахир?! Нима учун иккинчи холодильник ётоқхонангда турганини билмайди одамлар, деб ўйлайсанда-а? Сен эринг билан ажрашгансан-у, аммо буни биров билмайди дейсанда?!

Камола бир зумда юқорига чиқди-ю, ойисини қучиб уйларига қайтармоқчи бўлди.

— Ойи, бўлди киринг, ойижон!

— Мен ҳали унга кўрсатаман! — қизининг қўлларини елкасидан асабий олиб ташламоқчи бўлар эди ойиси. — Бу гийбатчига ҳали кўрсатиб қўяман.

— Ойижон! — ёлворди йиғламсираб Камола. — Ҳозироқ жанжални бас қилмасангиз — уйдан қочиб кетаман!

— Бўлди-бўлди, — бир зумда тинчиди ойиси Камолани ўпганча. — Бўлди, ширин қизим! Бўлди, оппоғим! Сен унинг гапларига қулоқ солма. У ҳар бало дейишдан тонмайди. Қулоқ солма унга...

* * *

Камола хонасининг деворларига ҳар хил артистлар, ансамбларнинг фотолари ёпиштириб ташланган эди.

Тақдим қилинган атиргулларни вазага солгач, Камола шу кўйи хўшбахтлик билан туриб қолди.

— Қизгинам! — қучди уни елкаларидан ойиси. — Мен сенга нима бермоқчилигимни қани топчи? Бор, диванга қара.

Кўйлакни кўрган Камола қувонганидан қичқириб юборди, уни бир зумда кийиб ойисининг бетидан чапиллатиб ўпти-ю, ўйинга тушиб кетди.

— Соҳибжамолим, — қўлини қовуштириб, меҳри товланган ойиси уни кузатар эди.

* * *

Равшанлар беш қаватли уйнинг уч хонали секциясида туришар эди. Оилада беш киши: дадаси-ю, ойиси, буви, Алишер — институтда ўқийдиган талаба акаси ва Равшаннинг ўзи. Уч хонали уйни дадаси беш хоналига айлантирди: балконни иккига бўлиб бир томонига ошхонани кўчирди, иккинчисини ўзига кабинет қилиб олди. Кабинет ҳеч кимса берухсат киролмайдиган қалъага, эски ошхона эса Равшан билан акасининг ётоғига айланиб қолган эди. Равшан эсини танигандан бери дадаси диссертация устида иш олиб борар эди. Кўпинча дадасининг ойиси билан баҳслашаётганига гувоҳ бўлса ҳам улар тортишувига ақли етмасди. «Апробация», «оппонент», «концептуал, қайтадан кўриб чиқиш» дегани нима эканига тушунмасди. Аммо ягона бир нарсани — дадасининг иши юришмаётганини ҳис қиларди. Бир марта кабинетларига кириб қолганида дадаси елкаси букчайиб, кўзлари ҳеч нимани кўрмай олд томонга тикилиб турганини кўриб қолган. Юзларида эса қаттиқ чарчоқ изтироб чекаётганлигининг аломати бор эди. Ўшанда Равшан отасининг олдига ўтиб бирон нарса дейишга ҳозирланганди (дадасига нима дейишини ўша вақтда ўзиям билмаса-да) аммо дадаси тўсатдан унга қараб кескинлик билан: «Нимага кирдинг?» деб сўради. Ўшанда Равшан ўзини четга тортди, хафа бўлиб қолгани йўқ. Умуман хафа бўлмади десаям бўлади. Дадасининг ишги бошидан ошиб ётганлигини тушунди у.

* * *

Кўча эшик очилиб ойиси келди-ю, хонага кирмаёқ, даҳлизда туриб Равшанга сўз қотди:

— Ота-оналар мажлисида бўлдим... Аслида бормасамам бўларди. Агар бу қуруқ гапмас, ҳақиқий ислоҳот бўлса, қандайдир ўзгаришлар бўлиши керак, йўқса ҳар сафар такрорланаётган гаплар жонига тегиб кетаркан... Битта янгилик эшитдим. Тўққизинчи синфлар сонини қисқартиришяпти. «Уч» баҳога ўқийдиган энди СПТУга кетишар экан. Яхшиям бунинг сенга даҳли йўқ. Ҳа, айтмоқчи, дўстинг Мякотин СПТУга кандидатлар ичида. Отаси эса жанжал кўтарди! Ҳаммани ҳақорат қилди: ота-оналарни, Роза Ортиқовнани ҳам...

— Алишер қаерда? — хонага киргач сўради ойиси. — Яна қаерларда дайдиб юрибди.

— Қани ҳали уйга қайтиб келсинчи! — ойисининг гапига жўр бўлиб жавради бувиси. Кейин бир нимага диққат билан қулоқ осаётгандек бўли айтди: — Оббо, эшитаяпсанми, қизим! Кемираяпти у ўлгур! Айтувдим мен сизларга, шунақа бўлади деб! Ойиси оғмахоннинг овозини эшитган бўлиб бирпас индамай турди, кейин:

— Сизга шундай туюлгандир, деди-да, икковларига тушунарли нарсани кампир сўради: — Тинчликми?

— Езяпти, — паст товуш билан шивирлаб маълум қилди буви. — Бир чиқувди, чой ичиб яна кириб кетди.

— Доим шу аҳвол, — уҳ тортди ойиси ва озиқовқатлар билан тўла сумкани олиб ошхонага бурилди.

Уйқуси келмай каравотида ётган Равшан оч кўзлари билан шифтга қараб ўйга толган эди. Хона эшиги орқасида кимнингдир шарпаси ва паст овозда гапираётгани эшитилди... Равшан диққат билан қулоқ солиб ойиси билан акасининг овозини таниди.

— Пулим йўқ Алишер. Бу оилани боқиш учун не кўйга тушаётганимни ҳеч қайсинг билмайсан, тасаввур ҳам қилолмайсан.

— Доим фақат кинога олиб тушишимнинг ўзи етмайди. Ўзингиз яхши тушунасизку, унда-бунда кафега ҳам бориб турмаса бўлмайди, ахир.

— Сенга жинси олиб бераман деб отпуска пулидан ярмини гумдон қилиб юборганим эсингдан чиқдими? Пальточи?

— Энди у билан қандайдир қаллобга ўхшаб юролмайман-ку. Қариндош-уруғлари қанақалигини ўзингиз биласиз.

— Вой, Алишер, Алишер!.. Равшан билан бувинг борлигини эсингдан чиқарма. Кўриб турибсан, отангнинг қўли қачон пул кўришини парвардигорнинг ўзиям билмасов...

— Бўлди, ойижон, ҳаммасини тушундим, — Алишер ойисини ўпди, — яна пича чиданг, кейинчалик мен ҳам ёрдам беришга киришаман. Умрбод студент бўлиб ўтмасман-ку.

— Ҳай, майли... — очилаётган жавонни эшикчаси чирқиллади, — охирги марта, билиб қўй... Ҳа, яна битта гап... Ҳайвонот боғингни тартибга солмасанг бўлмайди. Ахир бу қанақа гап ўзи. Зағизғонинг зирагимни ўғирлаб кетди — топгунимча бутун уйни ағдар-тўнтар қилиб юбордим, қора чигирткани қиш бўйи китоблар ичида сайраб чиқди, нағмасидан бошим тарс ёрилай дейди, тошбақанг ўлгурга бувинг қоқилиб тушди, чойнак ҳам синди. Ўзлари ҳам қайнаган сувда куйишларига сал қолди.

— Ҳаммасини тушундим, ойижон. Эртагаёқ текшириш ўтказиб тошбақани ишдан бўшатаман.

— Зоолог бўлмай кет-эй...

— Ах-ҳа, ким ўзи мени танлаган касбга рухсат бермай автодорга жойлаштирганди? Ўзларингми? Мана энди чидайверларинг!

Акаси билан ойисининг гапи тугагач Равшан девор томонга ўгирилди-ю, барибир ухлай олмади, чуқурроқ фикр юритиб, ота-онасига раҳми келди. Тезроқ дадаси диссертацияни ҳимоя қилиб олганида эди... Ойисичи: унга ҳам жуда оғир. Ўйлайверіб боши шишиб кетган Равшан анча вақтдан кейин ухлаб қолди.

* * *

Синфда танаффус пайти одатдагидек тўполон авжига чиққан эди. Кимдир бировдан шошиб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

пишиб, чала-чулпа ўй вазифани кўчираяпти. Кимдир орқасидаги қўшниси билан кечаги кўрилган кино ҳақида гап сотиб ўтирипти.

Равшан бепарволик билан партада ўтирар эди. Фикри-зикри яна ота-онасига оғиб кетган эди... Эшик очилиб Камола кириб келди. У Равшанга қарамай, парта ёнидан ўтиб кетди. «Фарида, сен билан ўтирсам майлими?» эшитилиб қолди орқа томондан.

— Фиу! — ҳуштак чалди яхшигина кийинган чиройли Бахтиёр. — Бизни ҳали ҳақоратлашмади, аммо барибир ташлаб кетишди.

«Мен билан ўтирмади... Кечагина кечирмайман деган эди-я...» — жим қолди партасида Равшан, кўнгли ғаш тортиб.

— Ҳамма жой-жойига! Лола исмли бош пионер-вожатийнинг бақириқ овозини эшитиб Равшан ўзига келди. У синфдан чиқиб кетишга уринаётган болаларни икки қўли билан зўрға ушлаб турарди. — Ҳамма жой-жойига, ҳозир мажлис бўлади.

— Жонга тегди бу мажлисларинг! Керак эмас! — деб унинг ёнидан ўтиб кетмоқчи бўларди Бахтиёр.

— Пионер ёшидан ўтиб бўлдик-ку энди! — бақиришарди бошқалар.

— Уйга! Уйга! — талаб қилишарди чувиллаб қолганлар ҳам.

Вожатий орқасида Генка Мякотин кўринди.

— У ерда «Молекула» қандайдир арбобни судраб олиб келяпти, — деди у, аммо Лолани кўриб қолгач дарров айтган гапини тузатмоқчи бўлиб баттар қовун туширди: — Роза Ортиқовна демоқчийдим. — Кейин Лоланинг ёнидан сирғалиб жойига келиб ўтирди.

Синфга ўша заҳоти сукунат чўкди. Олдин хонага паст бўйли, доим қовоқ-тумшуғи осилган, кимдир кўп йиллар олдин «Молекула» деб лақаб қўйган Роза Ортиқовна кириб келди. Унинг ортидан оч рангли нимчада ёши қирқларга борган нотаниш эркак киши кирди. У остонадаёқ синфни жилмайиб кўздан кечиргач, юзига ёқимли табассум югурди.

Роза Ортиқовна имо билан ўтиришга рухсат берди. Кейин кўпчиликка ёқмайдиган чийилдоқ овоз билан меҳмонни таништирди:

— Ишлаб чиқариш таълими мастери Шукур Ҳайдарович Ҳайдаров билан танишинглар, ўқувчилар.

Меҳнат фанидан дарс берадиган ўқитувчи ҳам тортиниб синфга кирди-да, Роза Ортиқовнанинг ёнига келиб ўтирди.

— ...Меҳмонимиз сизларга ўзларининг билим юртлари ҳақида гапириб берадилар, — давом этди Роза Ортиқовна. — У кишини диққат билан ҳалақит бермай эшитишингларни сўрайман, — деб жойига ўтирди. Юзларида эса шу пайт талабчанлик ва қандайдир жиддийлик бор эди.

— Асосий гапни сизга маълум қилишдан аввал, гап бошладилар Шукур Ҳайдарович, — бир нарса ҳақида сўрамоқчи эдим. Меҳнат дарсини яхши кўрасизларми?

— «Ҳа!» — деган хитоблар кўтарилди ҳар томондан. — Усиз ҳаётимизни мутлақо тасаввур қилолмаймиз!

Меҳнат ўқитувчиси ўтирган жойида типирчилаб қолди, Роза Ортиқовна эса стол устидан кафти билан уни тинчлантирган бўлди.

— Жим! Бу қанақа цирк ўзи? — Сўнг сукунат ўрнатилишини кутиб мастерга ўгирилдилар: — Марҳамат, давом этинг, Шукур Ҳайдарович.

— Бундай қувноқ халқ бўлганларингдан хурсандман. Бу албатта, яхши. Саволни мен сизларга бекордан-бекорга берганим йўқ, чунки сизлардан баъзи бирларингиз билан мен олдинроқ сиртдан танишганман.

— Қандай ...илиб, — мулойимгина сўради Бахтиёр. — Кадрлар бўлимида шахсий варақаларни кўриб чиқдингизми?

— Йўқ, кўргазмаларингизни кўрдим.

— Кўргазмани? — таажжубланиб сўради Бахтиёр.

Синф жимланди.

— Ҳа, ўқитувчилар хонасидаги кўргазмаларингни.

Меҳнат ўқитувчиси яна жойида типирчилаб, илтижо билан Роза Ортиқовнага қаради.

— Менга масалан, Темур Саломовнинг иши жуда ёқди. Шундай миниатюрали слесарлик асбобларини ясаш учун, фақатгина қобилият эмас, талант ҳам керак десам бўлади. Ичларингда Темур Саломов ким?

Темур ўрнидан турди, кўзойнакларини тўғрилади. Кейин бутун синфни кулдириб, такаллуфона таъзим қила кетди.

Болалар қичқира бошлашди:

— Черепанов!

— Топқирвой!

— Ползунов!

— У бурганинг товонига ҳам нағал қоқа олади!

Рассом: В. ЗАЦЕПЯПИН

Роза Ортиқовнанинг ранги ўчиб столни муштлай кетди. Шукур Ҳайдарович «Тинчланинглар!» дегандек қўлини кўтарди.

— Бунақа ҳазилни қаердан топдиларинг? Балки менга ҳам тушунтириб берарсизлар-а?

— Мумкинми мен айтсам? — Бахтиёр ўрнидан турди.

— Фақат майнавозчилик қилма, Сафаров, — огоҳлантирди Роза Ортиқовна.

— Билишимча, — палағда товушда гап бошлади Бахтиёр. — Бизнинг дўстимиз Ямб тахаллусли шоир Темур Саломов кўргазмага фақат ўзининг мажруҳ бармоғинигина жўнатиши мумкин. Чунки ўша жароҳат биринчи ва охирги марта болғани қўлига олганида пайдо бўлган. Меҳнат дарслари масаласига келсак, биз уларни чин дилдан севамиз ва мана бир йилдан бери муваффақият билан жуда муҳим, давлат аҳамиятига эга махсус буюртмани бажариш устида ишлаяпмиз — эшик илгагини тайёрлаяпмиз. — У синфга қараб ўзига ўзи қарсак чалди, кейин, қўшиб қўйди: — Раҳмат, ўртоқлар! Бўш келмадиларинг! Уни муддатидан олдин сифат белгиси билан топширдиларинг!

Бахтиёрнинг артистлигига тан бераётган синфдошлари мамнуният билан чувиллай кетишди. Шукур Ҳайдорович савол билан меҳнат ўқитувчисига қаради.

— Мен сизга ҳаммасини тушунтириб бераман, — шошиб қолди у,— фақат бу ерда эмас!

— Хўп, майли, — биринчи саволимни нотўғри ҳисоблайман. Бошқа нарса ҳақда сўрайман... Ҳаётда қайси касбни танлашни истар эдиларинг?

— Вино заводда синовчи ичувчи бўлишни! — бақирди Генка бутун синфнинг кулгисини қистатиб.

— Мякотин, масхарвозлик қилма! — деди Роза Ортиқовна. — Ким гапирмоқчи? Қўлларингни кўтаринглар.

Синф жим эди.

Шукур Ҳайдарович Роза Ортиқовнага тикилиб қаради.

— Жавоб бермасаларинг ҳам бўлади, — жилмайди у. — Шундай ҳам биламан, ҳамма ўғил болалар физик, космонавт бўлишни ёки «Саёҳатчилар клуби» эшиттиришини олиб боришни хоҳлайдилар. Шундайми? Қизлар эса — артист, педагог ё врач бўлишни, шундай эмасми?

— Шунга яқин, — тасдиқлади Бахтиёр. — Буниинг нима ёмони бор?

— Аксинча бу яхши. Аммо бир тасаввур қилайлик, ҳамма орзусига эришди ва жуда кўп артистлар, педагоглар, дикторлар пайдо бўлди. Аммо бу касблар учун саноқли одамлар керак, холос. Шунинг учун энг арзийдиган одамларни танлашади, қолганларчи, нима қилади? — Шукур Ҳайдарович бир сўз демай синфдан жавоб кутиб турарди.

Бахтиёр жиддий қиёфада тағин қўл кўтарди. Роза Ортиқовна рухсатнамо бошини силкитди. Бахтиёр туриб:

— Ҳаммамиз саф тортиб СПТУга боришимиз керак, — деди ва яна жиддийлик билан жойига ўтирди.

Болалар кулиб бўлишгач, Шукур Ҳайдарович сўзида давом этди:

— Йўқ, болаларим, ҳеч қаерга саф тортиб боришларингнинг ҳожати йўқ. Бизга иши юришмаганлар керак эмас. Онгли равишда касб танлаган ёшлар бизга керак, чунки нўноқ ишчининг дейлик, нўноқ артистдан зиёни юз карра кўпроқ. Артистга биз қарсак чалишимиз мумкин, бундан одамларга зиёни тегмайди. Аммо нотўғри ишланган нарсадан, бемаъни қурилган бинодан ҳамма изтироб чекади. Бу ерга келишимнинг сабаби ҳаммаларингни СПТУга жалб этиш эмас, балки битта нарсани сизларга тушунтиришдир. Ҳаётда ўз ўрнини тополмасликдан кўра бахтсизлик ер юзида йўқ...

Равшан қўлини кўтарди. Шукур Ҳайдарович бош иргитди.

— Билим юртига ўқишга кирган одам қанча вақтдан кейин мустақил бўла олади? — сўради Равшан.

— Уч йилдан кейин, аниқроғи икки йилдан кейин, чунки практика даврида ҳам ўқувчилар маош олишади.

— Масалан мен қанча маош оламан, агар сизларнинг билим юртингизни битириб қолсам?

— Бизнинг асосий касбимиз бўйича учинчи разрядли слесарлар ойига икки юз йигирма, икки юз эллик сўм маош олишади.

— Мен эса мустақил бўлишни истамайман, — масхаравозлигини давом эттирди Бахтиёр. — Ота-оналарим бунга рухсат беришмаяпти. Учинчи синфни битиришимга машина олиб берамиз деб ваъда қилишган, агар «уч» баҳоларим бўлмаса, олиб беришадиям. Шундай баҳолар менда бўлмайди, тўғрими, Роза Ортиқовна.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«МЕН»НИНГ ҲАЛОКАТИ

(фантастик ҳикоя)

Академиянинг мажлислар залига мамлакатда кўзга кўринган барча психологлар йиғилишган. Улар орасида ўзи ёш бўлишига қарамасдан илмий унвонларга эга бўлганлар ҳам, ёши ўтиб қолган бўлса ҳам фан йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган қариялар ҳам кўпчиликни ташкил этарди. Хуллас зал олимлар билан лиммо-лим тўлганди. Улар президиумга савлат тўкиб чиқишганида ўтирганлар қарсаклар билан кутиб олишди. Фавқулодда бўлаётган илмий кенгашга раҳбарлик қилаётган академиянинг вице президенти Фобер қўли билан турли ишоралар қилиб, кенгаш аъзоларини тинчлантирди. У оғир, вазмин оҳангда гапира бошлади.

— Бугунги навбатдан ташқари илмий кенгашимизда битта илмий иш муҳокама қилинади. У ҳам бўлса профессор Гердлохнинг «Инсон ичидаги мен» гипотезаси, шу гипотезанинг исботи ва унинг моҳияти билан танишиб, муҳокама қиламиз. Сўз профессор Гердлахга.

Залдагиларнинг қарсаклари остида профессор Гердлах нотиқ учун ажратилган минбарга яқинлашди. Томоғини бир-икки қириб, залдагиларга такабурона тикилиб чиқди. Чамаси у ўз танишларини изларди. Унинг назари менга тушганда янада кеккайгандек бўлиб, нутқини бошлади.

— Сиз ҳам шу ердамисиз, ёш журналист дўстим, ғоятда мамнунман. Қоғоз-қаламингиз тайёр бўлса ёзинг, мен бошладим. Бир матбуотни янгилик билан гумбирлатинг.

— Жаноблар, сизларга маълум, қадим замон медиклари ўз-ўзига ишонтириб, беморларни кўп даволаганлар. Бунга мисол тариқасида Абу Али ибн Синони келтирсам етар деб ўйлайман. Хўш, Сино беморларни кимга ишонтирган? Ўз ичидаги ўзига, яна такрорлайман — ўз ичидаги ўзига! — Нотиқ залдагиларга бу сўзини қандай таъсир этганлигини билиш учун залга кўз югуртирди. Залдагилар бу кичик фурсатдан фойдаланиб, ўзаро фикр алмашишга киришдилар. Шивир-шивирлар узоқ чўзилиши мумкин эдику, лекин Гердлахнинг ҳазин овози мулоҳаза алмашувчиларга ҳалақит берди.

— Аста секин фан ривожланиб жаноблар, ичимиздаги кўринмас одамларни шахсимиз деб атадик. Аташга атадигу, лекин уни ичимиздан, яъни тутқинликдан халос этишни ўйламадик. Менинг гипотезам ҳаммангизга маълум, мен уни шахсим деб эмас, балки ичимдаги меним деб атайман ва уни ташқарига чиқариш мумкин деган гипотезани илгари сураман. Ҳа, шундай, менинг ёш дўстим — деб қўлини бигиз қилиб менга ишора қилди-да, гапида давом этаверди. Худди шу пайт залдагиларни барчаси менга бир назар ташлаб, яна профессор томон ўгирилишди. Профессор сўзида давом этарди.

— Мен гипотезамни исботладим ва бунга кандай қилиб эришганлигимни ҳозирча сир тутишим лозим деб биламан. Мана исботини ўз кўзингиз билан кўриб кўйинг, жаноблар. Дарвоқе, сизлар уни ўзини кўрмайсизлар, лекин қилаётган ишини кўрасизлар, — деб нотиқ буйруқ бера бошлади. — Бориб анаву олифта каламкашнинг галстугини ечиб менга олиб келиб бер.

Бутун зал сукунат ичида, ҳамма менга қараб турарди. Кимнингдир менга якинлашаётганини ҳис этдим, нафақат мен, балки менбилан ёнмаён ўтирганлар ҳам ҳис этишди чамамда. Кимнингдир қўли галстугимни еча бошлади. Ана, галстугимни ечиб олди ҳам, галстугим кимнингдир қўлида осилиб кетаётгандек, нотиқ минбари томон муаллақ бормоқда эди. Профессор галстукни қўлига олиб, қалайсиз дегандек менга қараб кулиб қўйди. Мен билан бир қаторда ўтирганлар дам менга, дам профессорга таажжуб билан қарашарди. Гердлах залдагилар ҳайратини янада ошириш учун кимнингдир кўз ойнагини, кимнингдир ялтираб турган ручкасини қўлга киритди. «Наҳотки, ура!» деган овозлар янграй бошлади. Залдагилар ўринларидан туриб минбарга якин келиб ўзларини тута олмай бақиришарди ва қарсак чалишарди. Мен ҳам уларга қўшилиб ўрнимдан турдим, «ура!» деб минбар томон ошикдим. Илмий кенгашга раҳбарлик қилаётган Фобер залдагиларни тартибга чақириб тинчлантиргач Гердлах сўзида давом этди.

— Энди бир ўйлаб кўринг, жаноблар. Озодликка эришган «мен»нинг моҳиятини, тасаввур килинг, катта илмий лаборатория ойна билан иккига бўлинган. Ойнанинг бир томонида ҳақикий «мен»лар, иккинчи томонида, яъни инсон ҳаёти учун хавфли операцияларни бажараётган озодликдаги «мен»лар. Агар буни армиямизга татбиқ қилсак борми, унда эврика бўлади. Қалай зўрми, — деб Гердлах гердайиб залга қаради. «Бу буюк кашфиёт, буни тезда амалиётга ошириш керак, яшасин Гердлах!» — деган садолар эшитилди. Бу сафар Гердлахнинг ўзи залдагиларни тинчлантирди, сўнг мурожаат қилди:

— Хўш, кимда қандай саволлар ёки мулоҳазалар бор?

Худди шу саволни кутиб ўтиргандай ёнимдаги кария ўрнидан турди.

— Менда савол бор, — деди.

— Қани марҳамат қария, минбарга марҳамат, — деди такабуррона Гердлах. Қария минбарга кўтарилди-да, аввал Гердлахга, сўнгра залдагиларга қараб оғир вазминдор қилиб гапира бошлади.

— Жаноби Гердлах, болалик ватандошим Абу Али ибн Сино ҳақида ҳақ гапни айтдилар. Фикрларига қўшиламан. Лекин биз Герберт Уэллснинг «Кўзга кўринмас одам» ёки бўлмаса Гуддиннинг афсунгарликларини унутмаслигимиз керак. Энди саволимнинг асл моҳиятига кайтадиган бўлсак, Сино беморларни ўз-ўзига ишонтириш йўли билан даволаганида, ишонч ўз кучини организмда кўрсатган, яъни у соғайиб кетган. Энди айтингчи, жаноби Гердлах, қандай билишимиз мумкин сиздан ташқарида юрган кўзга кўринмас ўзга одам ёки афсунгарлик эмаслигига?

Профессор Гердлах қарияга якин келиб кўзларини қисган ҳолда:

— Қани айтингчи менга, муҳтарам Сино авлоди, қандай исботлайсиз?

— Бу жуда осон профессор, сиз ўз «мен»ингизга бошидан кислота қуйишни буюринг.

Бу гапни эшитиб Гердлах бақира бошлади:

— Менга кислота олиб келинглар, мана бу графинда, — деб столдан графинни олиб узатди. Минбарга бир ёш йигит чиқиб графинни олди. Залдагиларда иккиланиш аломати сезила бошлади. Ҳеч ким бир оғиз гапиришга ботина олмасди. Ҳамманинг кўзи саҳнанинг у бошидан бу бошига бориб келаётган Гердлахда эди. Минбарга шошиб чиккан йигит Гердлахга графин тўла кислотани узатди. Гердлах уни олдида стол устига қўйди. Гердлах кислота тўла идишни кўрсатиб «мен»га буюра бошлади.

— Ол анавуни қўлингга, Сино авлодига кўрсатиб кўй. — Графин ҳавода даст кўтарилиб нотиқ каршисига келиб ҳавода муаллақ туриб колди. Қария эса «ишондим», «етарли», ишорасини билдириб, бошини кимирлатди. Аммо профессорнинг яна буйруғи эшитилди.

— Қуй уни бошингдан.

Графин бир зумда Гердлах боши устида пайдо бўлди-да, ичидаги суюклик бошига куйила бошлади. Орадан бир неча дакика ўтгач, у жон талвасасида типирчилаб, куйиб, юз тубан йиқилди. У билан биргаликда графин ҳам полга тушиб чил-парчин бўлди. Залда шов-шув бошланди. Ҳамма чамамда қарияга қарар, уни сўкарди. Лекин кария ўзини йўқотиб қўймади ва залдагиларга бор овози билан мурожаат қила бошлади:

— Гердлах бу ишини охиригача ўйламаган кўринади. Агарда ўйлаганида бу ишдан балки воз кечармиди, менга ўхшаб. Сабаби у ўз ишини янада такомиллаштирганда яна бир «мен»ни чақирарди. Натижада у умуман иродасини йўқотар эди. Ўйлаб кўринг, сизлар иш қилишдан олдин фикр юритасизлар. Ундай қилсам тўғри бўлади дейсиз, кейин эса бундай қилишим керак дейсиз. Натижада тортиша-тортиша битта фикрга келасиз. Гердлах ишини давом эттиришга йўл очиб берганимизда нима бўларди. Гердлах ичидан иккинчи менни ҳам чикарарди ва иккаласи ташкарида роса тортишишарди, келиша олмагач, иккови ҳам ўз билганини қилаверарди. Бундан даҳшатлироқ фожеа борми ахир. Ахир ўзларинг яхши биласизлар, атомни кашф қилаётганларида у келтирадиган даҳшатли окибат ҳакида ўйламагандилар. Ўйлаб кўришга фурсат келганда эса кеч бўлганди. Наҳотки энди биз сиз билан чукурроқ ўйламай туриб яна фожеага йўл қўйсак. Йўк жаноблар, мен ва менинг тенгдошларини келажак авлод карғишини истамайман. Менинг гапим тамом.

Залда бир оз сукунатдан кейин ҳамманинг юзига табассум югурди. Бир оз мулоҳазалашиб, мажлисни ёпик деб эълон қилишди. Ҳамма ташкарига чика бошлади, бошқалар каторида мен ҳам кета туриб саҳнада корайиб ётган Гердлахга нафрат билан қарадим. Мен кенг кўча бўйлаб боряпман, ўзим билан ўзим гаплашаман. Ҳар ҳолда профессор Гердлахни бундай жазолаш керак эмасди. Эй, нималар деяпман, кейин нималар бўларди. Яхшиямки фанда Абу Али ибн Сино авлодига ўхшаганлар бор, бўлмаса...

Лутфулла ТУРСУНОВ

— Сенинг хулқинг билан — билмайман, — деди Роза Ортиқовна столдаги қоғозларни асабий ҳолда титкилай туриб.

— Менинг фикрим, — деди биринчи партадаги сочи устара билан олинган бола. — Саккизинчи синфдан кейин ҳамма болалар билим юртида таълим олиши керак, қизлар эса мактабда қолиб махсус программа бўйича ўқишлари шарт.

— Ҳе! — товушини чиқарди Генка. — Биз эшшакдек ишларканмизу улар бўлса ўқишармиш. Бизнинг қаеримиз кам сизлардан?

— Бу қанақанги махсус программа? — сўради сочи олинган боладан Бахтиёр. — Билсак бўладими?

— Буми?.. Биз касб ўрганаётганимизда, улар тикишни, овқат пиширишни, гўдакларни соғлом ўстиришни ўрганишсин.

Синфда гурр этиб кулги кўтарилди.

— Об-бо Авдюшкин-эй! Қаранг, гапни қаёққа бурди.

— Қаҳрамон ота-эй!

— Хотинни кўнгиллари тусаб қоптими?

— Тўғри-да! — Ҳаммадан ўтказиб бақирди Сидорова. — У тўғри айтди! — Ҳимоя қилди у партадош шеригини.

Шукур Ҳайдарович қўлини кўтариб синфни тинчитди.

— Нима бўлди? — сўради у. — Менимча, Авдюшкиннинг гапида жон бор.

— Уйида отаси итдай уради уни, — аралашди гапга Бахтиёр. — Шунинг учун у ПТУга овоз беряпти. Ана кўринглар — алгебрадан уч олиб келгани учун турмадагиларга ўхшаб сочини қирдириб ташлади.

Авдюшкин қизариб кетди. Партада типирчилаб тинчиб ўтиролмади, кейин турди-ю, синфдан чиқиб кетди.

— Мен ҳам Авдюшкин билан бир фикрдаман! — деди Равшан. — Майли, қизлар ўқишсин, биз эса... — у Бахтиёрга нафратомуз қаради.

* * *

Педсовет мактаб директорининг кабинетида ўтаётган эди.

— Мен қатъий равишда Аъзамовни мактабдан ҳайдашни талаб қиламан! — якунлади ўз нутқини Роза Ортиқовна.

— Мен қаршиман, — деди физика ўқитувчиси. — Ўғил болалар доим муштлашишади. Нима, энди ҳаммасини мактабдан ҳайдашимиз керакми?

— Мен ҳам қаршиман, — овоз берди жисмоний тарбия ўқитувчиси. — Спартакиада бошланай-бошланай деб қолипти — у энг яхши ҳужумчимиз.

— Нима? — ажабланиб сўради Роза Ортиқовна, — битта хулиганни тўп тепишни билганлиги учунгина мактабдан ҳайдамаслигимиз керак экани? Синф раҳбари сифатида мен талаб қиляпман! Шундай одамнинг ўғлини урса-я?!

— Балки, ҳамма гап ўша «одамдадир»? — физика ўқитувчиси.

— Қандай ҳаддингиз сиғди? — чидай олмади Роза Ортиқовна. — Бу қандай гап? Унинг отаси орқали биз мактабнинг ярмисини ремонт қилдик.

— Фақат отаси орқалигина эмас, балки ҳукумат ҳисобидан ҳамдир. Аниқроғи рўпарамиздаги турар жой биносининг қурилиши ҳисобига. Техникаям, ишчилар ҳам ўша ердан олиб келиганди...

— Бўлди, бас! — аралашди директор. — Менимча, ота-онасини чақиртириб суҳбат ўтказилса етарли бўлар. Бола эса менинг билишимча, қобилиятли. Унда биттаям «уч» йўқ шекилли, Роза Ортиқовна. Шундай эмасми?

— Шундайликка шундайку-я! Аммо биз уни мактабдан ҳайдамасак Сафаровнинг ота-оналари болани бошқа мактабга ўтказишмоқчи.

— Яхши, ремонтни ўз кучимиз билан қиламиз, — қатъий якунлади директор. — Ҳаммангиз бўшсиз.

Тўлқин ШАМШАРОВ таржимаси

Давоми келгуси сонда

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоийхонлик

Халққа зеби торак айла ани,
Уқуғонга муборак айла ани.
Етти афлокни анга ёр эт,
Етти иқлимни анга харидор эт.

Алишер НАВОИЙ.

Туркий халқлар қадим-қадимдан ўз тили ва ёзувига эга бўлганлар. Бизгача етиб келган ёзма ёдгорликлардан маълум бўлишича, туркий халқлар турк руний ёзувида, кейинчалик эски уйғур ёзувида ижод қилганлар. Ислом истилосидан кейин эса Ўрта Осиёда араб ёзуви ўрнатилди.

Ўзбек ёзуви асримизнинг 30-йилларига келиб лотин графикасига кўчирилди. 40-йилларда эса ҳозир биз ўқиб, ёзиб юрган рус алифбоси асосидаги ҳозирги ўзбек ёзуви қўлланила бошлади.

Ёзувларнинг истифода этилган даврлари жиҳатидан солиштирсак, араб алифбоси ҳукмронлик қилган давр энг кўп вақтни эгаллайди. Халқимиз қарийб 10 асрдан зиёд давр мобайнида араб алифбосидан фойдаланди. Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб ва бошқа шоиру алломалар ўзларининг асарларини шу ёзувда яратганлар.

Ўтмиш маданияти ва адабиётини билиш, унинг ноёб ёзма ёдгорликларини ўқиб, тушуна билиш ҳар бир киши учун ҳам қарз, ҳам фарз. Бунинг учун араб алифбосини билиш, ҳарфларни қўшиб ўқий олиш ва ёза билмоқ шартдир. Умуман кўпроқ ёзувларни билмоқ ҳар томонлама фойдалидир.

Классик адабиётимиз ихлосмандлари, айниқса қизиқувчан ёшларимиз учун араб алифбоси, эски ўзбек тили ва адабиётидан сабоғимизни давом этамиз.

Маъмура РАШИДОВА,
ЎзССР Фанлар академияси
Ҳ. С. Сулаймонов номидаги
Қўлёзмалар институти илмий ходими.

Араб хати ҳозир биз истифода этаётган хатдан фарқли ўлароқ, чапдан ўнгга қараб эмас, балки ўнгдан чапга томон йўналтириб ёзилади. Бу қоида фақат сатргагина тегишли бўлмай, ҳар бир ҳарфга ҳам тааллуқлидир.

Араб алифбоси 28 ҳарфдан иборат бўлиб, форслар унга яна 4 та қўшимча ҳарф киритганлар. Бу ҳарфлар асосан 16 белгидан иборатдир, улардан бир нечтасининг остига ёки устига бир, икки ва учтадан нуқта қўйилиши билан бошқа ҳарфлар ясалган.

Араб алифбосининг биринчи ҳарфи ا алифдир. У айрим диакритик белгилар билан бирга а, о, у, ў, и, э товушларини беради. Алиф сўз таркибида келганда ўзидан кейин келадиган ҳарфга уланмайди, ўзидан олдинги ҳарфга эса бир илмоқча билан қўшиб ёзилади: با

Алифдан кейин келадиган ب бе, پ пе, ت те, ث се ҳарфлари ـبـ шаклидан ясалиб, бир-биридан нуқталар ўрни ва сони билан фарқ қилади. Алифбо таркибидаги ن нун ва ى йо ҳарфлари юқорида кўрсатилган ـبـ шаклининг чуқурроқ ёзилиши билан ясалади. Йо ҳарфи остида икки нуқта қўйилади. Ҳарфнинг алоҳида кўринишида, одатда, бу икки нуқта ёзилмайди.

Бу ҳарфлар сўз таркибида келганда ҳар икки томондан бошқа ҳарфга боғланаверади. Ҳарфларнинг сатр чизиғида жойлашишига эътибор беринг:

ب پ ت ث ن ى

Улар ўзидан кейинги ҳарфга қўшилганда сатр чизиғининг юқори қисмигина олинади. Бу элемент тиш дейилиб, ҳарф нуқталари ана шу тиш ости устига қўйилади.

ـبـ ـپـ ـتـ ـثـ ـنـ ـیـ

Энди ана шу ҳарфларнинг алифга боғланган шаклини ёзиб кўринг.

با پا تا ثا نا یا

Алиф ўзидан кейинги ҳарфга боғлаб ёзилмаслиги сабабли унинг кетидан келадиган ҳарф ё алоҳида кўринишда, ёки ўзидан кейинги ҳарфга боғланган формада келади.

اب ات اپ اث ان ای

ابا اپا اتا اثا انا ایا

шаклидаги ҳарф ўзидан олдинги ва кейинги ҳарфга боғланадиган бўлса ҳарфларнинг сатр юқорисидаги қисмидан бир тиш олиниб, у илмоқча билан олдинги ҳарфга уланади.

بد پد تد ثد ند ید

Сўз охирида келганда ҳарфларнинг алоҳида кўриниши олдидан бир илмоқча чиқарилади.

ب پ ت ث ن ى

Бу шаклларни ёзишга ва ёдда саклашга ҳаракат қилинг.

Араб алифбосидаги ج жим, چ чим, ح ҳе (ҳое-хутти[1]) ва خ ҳе ҳарфлари асосан бир шаклдан тузилган, нуқталаргина уларни бир-биридан фарқлайди. Бу ҳарфлар ёзувда ж, ч, ҳ, х товушларини ифодалайди.

Бу ҳарфлар сўз бошида келганда

ج چ ح خ

чизиқ остидаги қисм (ярим доира шаклидаги бу элемент домана деб аталади) тушиб қолиб, чизиқдан юқори қисми кейинги ҳарфга боғлаб ёзилади:

جـ چـ حـ خـ

Сўз ўртасида келганда эса ана шу юқори қисмга яна бир илмоқча — чизиқ уланади.

ـجـ ـچـ ـحـ ـخـ

Сўз охирида келганда эса ҳарфнинг алоҳида кўринишига бир илмоқ-чизиқ қўшиб ёзилади.

ـج ـچ ـح ـخ

Машқ: Юқорида танишиб чиққан ҳарфларнинг бир-бирига қўшилган ҳолатларини бир неча марта ёзиб такрорланг.

[1] Араб алифбосидаги 2 та ҳарф ҳозирги ўзбек тилидаги юмшоқ ҳ товушини ифодалайди, уларни бир-биридан фарқ қилиш учун алоҳида ном билан аталади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗИММАМИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТ

...Ойша Везированинг бошн қотиб қолди: қизи — Мавлуда на ўқишининг бошини тутди, на ишнинг. Ҳеч бўлмаса биронта ҳунар ўрганса-чи! Қаёқда! Иштиёқ йўқ, иштиёқ!

«Қизим нимага бунақа, ишёқмас, дангаса бўлиб қолдийкин-а, ахир мен ундан «ҳеч нарсани аямагандим-ку!!» деб кўз ёш қилади она.

Агар она бу гапи билан қизига емай едирганини, киймай кийдирганини, уни еру кўка ишонмай пўпалаб ўстирганини кўзда тутаётган бўлса — у ҳақ. Лекин афсуски, ота-она зиммасидаги масъулият фақат боласини едириш-кийдиришдангина иборат эмас. Ота-она фарзандининг бир лаҳзалик эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, унинг меҳнатсевар, иродали, саботли қилиб тарбиялаш борасида ҳам жон куйдиришлари лозим.

Яна Ойша Везированинг оиласига қайтайлик. Мавлуда нима учун бунча тепса-тебранмас, лоқайд! Бунинг сабабини оилавий тарбиядан излаш керак. Қизи бир ярим ёшга етганда Ойша эри билан ажрашди. «Ўгай ота қизимга ўгайлик қилмасин», деб чўчиганидан бошқа турмуш қурмади. Бутун муҳаббатини қизига бахшида қилди. Унинг арзимаган хоҳиш-истаги она учун қонун эди. Қимматбаҳо ўйинчоқ керакми! — Марҳамат! Кўнглинг магнитафон тусаб қолдими!

— Майли, қизим.

Маълумки, қиз бола ойисининг биринчи ёрдамчиси, дастёри бўлади. Бироқ Ойша қизим қийналиб қолмасин деб Мавлудани уй-рўзғор ишларидан бутунлай озод қилиб қўйди. Қаранг, аясининг қўли қўлига тегмайди, қиз эса оқ билак — қўлини совуқ сувга урмайди. У улғайган сайин унинг талаб-эҳтиёжлари ҳам улғайиб борарди. Энди унга модали туфли керак, ўтган йилги пальтоси унга унча ярашмаяпти, ателъега янгисини буюртириш лозим ва ҳоказо... Қизининг эҳтиёжларини қондириш учун иккинчи жойга ўриндошлик билан ишгаям кирди. Энди у эртадан кечгача меҳнат қилардн, яна рўзғор ишлари... Қиз-чи! Қиз ўқишгаям панжа орасидан қararди. Ахир ўқиш ҳам меҳнатда. Лекин ўқишни бир амаллаб битириб олди, мана энди кап-катта қизининг бутун оғирлиги ёлғиз ойисининг елкасида...

Агар у ёшлигидан меҳнатга ўргатилиб борилганда ўкинч учун ўрин қолмаган бўлардн.

Бироқ бундан болани жуда қаттиқ ушлаш керак экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим. Бунга қуйидаги мисол жавоб бўла олади, деб ўйлаймиз.

Бир куни балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига Алибоев деган кишини таклиф қилиб қолишди. Бу уни ажаблантириб қўйди. «Нима ҳодиса юз бердийкин! Менимча, ҳеч қанақа гуноҳ иш қилмадим, чоғи». Аммо комиссия аъзолари иштирокида ўтган суҳбат унинг учун кутилмаган томонга бурилиб кетди.

— Арзимаган гуноҳи учун ўғлингизни қаттиқ жазолаётганлигингиз бизни ташвишга солаяпти, — дейишди унга.

— Нима қил, дейсизлар! — сўради Алибоев. — унинг ножўя қилмишини кўриб ўзимни кўрмаганга солаймн!

— Йўқ, — жавоб беришди унга, — лекин тошбағирлик қилиш мумкин эмас. Усмирга таъсир қиладиган бошқа йўл топиш лозим.

— Менинг педагоглик қилиб ўтиришга вақтим йўқ, — қўл силтади Алибоев, — бунақа иш билан вақти бемалол одамлар шуғулланаверсин. Мен ўғлимни қўлимдан келганча тарбиялайман...

Бундай ота ўғлининг бемаъни юриш-туришнинг сабабларини ростдан ҳам қидириб ўтирмайди, ундан кўра қайиш камарни олади-да боплаб туширади, яна шу ишни қилсанг бундан бешбаттар қиламан, деб дўқ-пўписа қилади.

Бу — жуда ҳавфли йўл. Унинг замирида ота ёки онанинг болалар психологиясини тушунишни истамаслик, ўз боласини тўғри тарбиялашни билмаслик ётибди. Бундай «тарбия» болага жисмонийгина эмас, маънавий азоб ҳам беради. Ота-онанинг тошбағирлиги унда ҳам тошбағирликни вужудга келтиради. У сержаҳл, қасоскор, ён-атрофидагилар билан келиша олмайдиган бўлиб ўсади. Ким билади, бир пайтлар ўғлига сингдирган тошбағирлик сабоқларини бундай ота қариганда ўз бошида синаб ҳам кўрар балки.

Алибоев билан суҳбат узоқ давом этди. Ҳаётнинг аччиқ-чучигини тотиб кўрган кишилар у танлаб олган тарбия усулининг ёмонлигини исботлаб бердилар. У ўғлини қўлидан келганча эмас, болаларнинг манфаатларини муҳофаза қилувчи қонун талаб қилганидек тарбиялаш лозимлигини талаб қилдилар.

Бола тарбиясида ҳар оила ўзига хос йўл тутади. Қонун бу индивидуал жараёнга аралашмайди, айни вақтда ота-оналарнинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиб боради. Масалан, Султон деган бола тарбияланган оилада носоғлом вазият вужудга келди. Ота-оналар қачон қарасанг ўзаро жанжаллашар, бир-бирини сўкишар, гоҳо муштлашиб кетишарди. Буларнинг ҳаммаси болани кўз ўнгида юз берарди. Улар бўлса болага «у ҳали кичкина, ҳеч нарсани тушунмайди» деб эътибор беришмасди.

Бола, ота-оналари жанжаллашганда аввалига асабийлашади. Жанжал ҳадеб бўлаверса унда ҳамма оилада шунақа бўлади, ҳамма бир-бирини ҳақоратларкан, бировнинг дардига лоқайд қараркан, деган ёмон тушунча сингиб қолади. Бу «тажриба»дан эса келажакда фойдаланишга ҳаракат қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу сабабли ҳам бундай оилаларга нисбатан қонуннинг ота-она ҳуқуқи бола манфаатига хилоф бўлмаслиги керак, деган қоидаси қўлланилади. Бола манфаати деганда унинг соғлиғини муҳофаза қилиш тушунилади.

Болалар тинч оилавий вазиятда яшашлари, ўқиш ва дам олиш учун қулай шароитга эга бўлишлари лозим. Оиладаги ўзаро мурносабатлар, айниқса катталарнинг кичиклар билан алоқаси уларнинг нормал жисмоний ва руҳий ўсишини таъминлаш асосида қурилиши зарур.

Ота-она ўз болаларини тўғри тарбиялашлари зарурлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Аммо катталар орасида ўз ота-оналик мажбуриятини ёмон бажараётган ёки уни бажаришдан бўйин товлаётганлар чиқса-чи! У ҳолда қонун томонидан белгиланган мажбурий чоралар қўлланилади.

Бундай чораларга қуйидагилар киради:

1. Болалари томонидан етказилган зарар учун ота-оналарни жавобгарликка тортиш.

2. Ота-оналарнинг маъмурий жавобгарликка тортиш.

3. Болаларни тортиб олиш. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш. Болаларни боқиш учун мажбурий равишда маблағ ундириш.

4. Ота-оналарни жиноий жавобгарликка тортиш.

5. Болаларни яхши тарбияламагани учун ота-оналарга жамоат таъсирини ўтказиш.

Кейинги суҳбатларимизда буларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталамиз.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,
Республика прокурорининг
алоҳида топшириқлар бўйича ёрдамчиси,
юстиция маслаҳатчиси,
Обид НУРБОЕВ,
Республика прокуратурасининг
балоғат ёшига етмаганлар билан
ишлаш бўлимининг катта прокурори,
юстиция маслаҳатчиси.

ТЕРМОПНЕВМАТИК ПИСТОЛЕТ

(агар уни ясай олсангиз пластмассаларни жуда осон кесасиз ва тез елимлай оласиз)

Болалар, Сиз ўтган сонларда радиоприёмник ясашни ўрганган эдингиз. Бу гал ясаш учун термопневматик пистолетнинг схемасини эътиборингизга ҳавола қиламиз. Уни Самарқанд шаҳридаги 36-ҳунар-техника билим юрти талабалари тайёрлаган.

Биласиз, уй-рўзғор ишларида, тўгарак машғулотларида пластмасса материаллар кенг қўлланиляпти. Яъни уларни кесиш, елимлашга тўғри келади. Елимлашда кўпроқ паяльникдан фойдалансак, қирқишда кўпроқ арра ва пичоқни ишга солардик. Ниҳоят, БФ-2 камёб елим кўп кетади. Яна бунда биринчидан қўл меҳнати сарфланади, кейин сифатидан ҳам кўнгил тўлмасди.

Самарқандлик тенгдошларингиз ясаган термопневматик пистолет жуда унумдор. БФ-2 елимидан фойдаланиш заруратидан ҳам халос қилади. Пистолетдан чиқадиган иссиқ ҳаво оқими қирқишни ҳам, елимлашни ҳам ўрнига қўяди. Қалай, маъқулми?





Пистолет цилиндрсимон корпусдан (3) ва штуцерлар (1 ва 5) ҳамда гетинаксдан ясалган ручка (6) дан иборат. Компрессордан штуцер (5) орқали қисилган ҳаво берилади, у диэлектрик (4) ка ўралган спирал (3) дан ташкил топган қиздирувчи элемент орқали ўтиб алмаштирилиб туриладиган насадкали штуцер (1) билан чиқиб кетади. Кнопкани (7) босиш билан қиздирувчи элемент ишга солинади ёки ўчирилади.

Пистолетни ишлатишда қисилган ҳаво олиш учун компрессордан фойдаланилади. Ҳавони махсус приставкаси бўлган рўзғор пилесоси билан берса бўлади.

Пневматик пистолетни пилесосга улаб ишлатиш мумкинлиги ҳам унинг ўнғайлигини оширади.

Мана, пистолетни ясаш жараёни билан танишиб чиқдингиз. Энди Сизга конструкторликка доир баъзи бир топшириқлар бермоқчимиз. Уларни ўзингиз мустақил ҳал қилишга уриниб кўринг. Ўзига хос техник ечимлар топа олсангиз у журналда эълон қилинади.

1. Оғир швелерларни йиғиладиган жойга кўпинча қўлда ташиб келтиришга тўғри келади. Ишчининг меҳнатини қандай қилиб енгиллаштириш мумкин?

2. Ремонт пайтида кўп деталларни ифлос нарсалардан яхшилаб тозалаш лозим. Деталларни тозалашнинг турли усуллари маълум. Лекин улар кўп вақт талаб қилади.

Деталларни тозалашга кетадиган вақтни қисқартирадиган янгича метод таклиф қилинг.

3. Қандай қилиб резбаларнинг синишини камайтириш мумкин?

4. Агар штампдаги паупсонни алмаштирадиган бўлсак, уни уриб чиқарадиган эгов-пона, яъни токарлик станоги шпинделидан тайёрланган парма бу ишга ярамайди. Бунинг учун оддий, мустаҳкам ва чидамли парма керак. Топинг-чи, уни қандай қилса қулай бажариш мумкин?

Сизларга муваффақият тилаймиз, ёш дўстлар.

В. АЛЕКСЕЕВ,
С. ГУБЕНКОВ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУЛЛАНИНГ ГАПИГА КИРИБ...

Маҳалланинг мулласи бир маросимда йигитларга: «Эрта туринглар, бет-қўлларни тозалаб ювинглар. Олло саҳарда ризқ улашади, бирларинг икки бўлади» депти.

Бир йигитнинг иши юришмай юрган экан. Бу гапни эшитиб, эртаси соат учдаёқ туриб юз-қўлини ювибди, кейин зерикиб қолиб, кийиниб кўчага чиқибди. Бирим икки бўладиган бўлса, мўмайроғи дуруст, деб чўнтагига уч юз сўм солиб олибди.

Қоронғида чеккароқ жойга бориб қолган экан, иккита безори пиёниста уни тутиб олиб роса савалашиб чўнтагидаги пулини олиб ғойиб бўлишибди.

Эрининг чангга беланиб, ёқавайрон келганини кўрган хотин «Вой ўлай, нима бўлди», деб сўраса, йигит: «Мендан эрта турганлар ҳам бор экан», дермиш.

ДУДУҚЛАР

Вокзалга борсам, бир йигит газета ўқиб ўтирибди. Унга биттаси: «Со... со... соатингиз н-н-неча бўлди?» деса, ўтирган йигит бир қараб қўйиб, индамай газетага тикилибди.

— Со... со... соатингиз н-н-неча бў... бўлди, ака?

Йигит унга аввалгидек бир қараб қўйиб, яна индамай газетасига термилиб ўтираверган эди, дудиқ: «Э-э, б-б-бор-е!» деб қўлини силтаб кетворди.

Мен йигитга: «Соатингиз турибди, айтсангиз бўлмайдими?» десам, унинг ранги оқариб: «О-о! Ни... нима, к-калтак еб олийми?» деб жавоб қилди.

Агар дудуқ дудуққа дудуқланиб жавоб қилса, эрмаклаяпти деб муштлашиб кетаркан...

Бир куни трамвайда кетаётгандим. Ўрта эшикка яқинроқда бир қиз турувди. Ёнидаги йигит унга суюлганича тикилиб:

«Ай... айланай, о-опоқ қ-қ-қиз! А-агар би... би... билсангиз, ме... ме... мен си... си... сизни...» дегунича трамвай бекатда тўхтаб, ҳалиги қиз тушиб кетди.

Ўриндиқда ўтирган бир букри одам:

— Ука, бўлди-е, битта гапни айтгунча юракни қон қилвордингку. Модомики дудуқ экансан, эзмаланиб ўтирмай, қисқа қилиб: «Яхши кўраман», деб қўя қолмайсанми, — деб жеркиб берди.

Шунда дудуқ букрига аламзада боқиб: С-с-сиз ҳе... ҳеч р-р-расмга ту... тушганмисиз? — деб сўради.

— Йўқ, — деди букри.

— С-с-сираям тушманг, — дея мазахлади дудуқ. — Бе... белингиз х-халақит бериб, су... суратингиз солинган а-альбом бе... бе... беркилмай қолади.

БАНГИГА ХОС ЖАСОРАТ

Илгариги замонда иккита банги урушга борибди. Нашани чекволиб сузилишиб ётганда биттаси «бориб душманлардан бирортасини ушлаб келсак-чи, элликбошидан мукофот олардик», депти.

— Ўзинг ботирроқсан, Абдукарим, бориб ушлаб келавер, — деб унга далда берибди шериги.

Абдукарим кетибди-ю, анчадан кейин узоқдан бақириғи эшитилибди:

— Сотволди!!! Сотволди!! Вей, Сотволди!!!

— Хо! Топдингми бирортасини?

— Топдим, тўрттасини топдим!!!

Сотволди суюниб кетиб: «Баққа опкелавур», деса, Абдукарим тушмагур: «Қўйворишмаяпти», дермиш.

КУРОРТГА КУЗАТИШ

Бир йигит хотиним дам олиб, семириб келсин деб уни курортга жўнатадиган бўлибди. Хотини вагонга чиққач, ўзи перронда туриб насиҳат қила бошлабди:

— Ў, хотин, ўзингга эҳтиёт бўлгин. Ақа-бақа чиқмагин, бегона жой!

— А?

— Ве хотин, ақа-бақа чиқмагин, ёнингда пулинг бор, бегона жой!

— А?

— Ақа-бақа чиқмагин! Ёмон одамлар кўп!

— А?

— Э, билганингни қил-э!

Шунда хотини илжайиб бош қимирлатибди:

— Ҳа, тушундим, тушундим!

БИЛМАГАНГА БИР ҚАДАМ

Бешариқ билан Олтиариқ ораси юз километрдан ортиқ.

Бир киши Самарқанддан Бешариқдаги қариндошиникига поездда келаётган экан. Ухлаб қолиб Олтиариққа ўтиб кетибди. Проводник: «Сиз қаерга борардингиз ака?» деб сўраса, «Бешариққа бораман», дебди.

— Э, Бешариқдан ўтиб кетибсиз, тез тушинг, мана Олтиариққа келиб қолдик. Энди автобусда қайтиб кетасиз, — дея уни шошилтира бошлабди.

Шунда Самарқандлик киши бепарво қўл силтаб:

— Ҳай, зарари йўқ, бир ариққа пиёда қайтаверамиз, — дебди.

МАҲАЛЛИЙ «ДЎХТИР»

Бултур маҳалламиздаги бир тўйда роса қадаҳбозлик бўлди. Базм ярим кечадан кейин тугади. Меҳмонларнинг кўпчилиги кетиб бўлди. Энг охирлари биз мезбонларни қийнаб ҳалиям «тортиб» ўтиришибди. Меванинг чилгиси, ёзгиси, кузгиси бўлганидек, пиёнисталар ҳам ҳар хил. «Эртапишар»лари базмнинг ўртасидаёқ оёғи осмондан бўлади. Баъзилари тўй тугашига яқин «тинчийди». Ишқилиб, «кузги»ларидан сақласин. Биз ўшандақаларга дуч кепқолибмиз.

Саҳар мардонга яқин улардан биттаси ниҳоят «шалп» этиб ағанади-ю, шу кўйи жимиб қолди.

— Қаранглар-чи, нафас оляптими ўзи? — деб дўриллади биров. Бошқа бири унинг кўкрагига қулоғини босиб, «ўлганга ўхшайди, хумпар», дея алжиради. Биз қўрқиб кетдик. Бурчакроқда кайфи тароқ ётган маҳалладошимиз Самадни уйғотдик. У мол дўхтири эди.

Самад «бемор»нинг ёнига зўрға эмаклаб келиб, «билагини топиб беринглар менга» деди. Биз дарров билакни тутқаздик.

Ҳамма жимиб қолди. «Дўхтир» меҳмоннинг томир уришини текшириб, лаби қийшайганича: «Аҳвол чатоқ, агар бирор соатда ўзига келмаса, гўштга тортворинглар», деб хириллади...

Яхшиямки, «бемор» қатиқ ичиб, тез орада ўзига келди.

УЛФАТЛАР

Иккита пиёниста тунги соат ўн бирдаги поездга билет олиб, Чилонзордаги ресторанда улфатчилик қилиб ўтиришаверибди. Бир-бирига олинг-олинг қилиб, бир-бирини мақтаб, бир-бирини ялаб-юлқаб ўтираверибвақт ўтиб кетганиям сезмай қолишибди. Охири поезд эсларига тушиб, пиёда вокзалга югуришибди.

Итдек тиллари осилиб етиб келишса, вокзал бўм-бўшмиш... «Қўқонга борадиган поезд қани», деб сўрашса, навбатчи: «У поезд кетиб бўлди, бир соат кечикибсизлар», дея жавоб қилибди. Шунда ҳалиги пиёнистларнинг «эсликроғи» ошнасига илжайиб боқиб: «Яхшиям чопиб келганимиз, бўлмаса икки соат кечикар эканмиз», дебди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўртлик

Эшакдан яратмоқ бўлиб саман От,
Йиғдилар ҳар юртдан турлисин, э, дод...
Баридан битта От бўлмади пайдо,
Ва лекин кўпайди Эшак деган зот.

Ғулом АЛИ,
Самарқанд.

АЙБ МЕНДАМИ?

Бир амаким бор, ўзи ёзувчи. Анча-мунча китоблари чиққан. Йўлларда ҳам «илҳом париси» билан гаплашиб, ижод қилиб юрадилар. Гоҳида муҳлислари автограф ёздираверіб безор қилишаётганидан нолиб қўяди.

Бир куни меҳмон келадиган бўлиб қолди-ю, биргалашиб вокзалга чиқдик. Поезд келишига ҳали бир соатча вақт бор экан, бўш жой топиб бир чеккага ўтирдик. Бир вақт оқ халат кийган, лабларию кўзлари, қошларию киприкларини «капитал ремонт» қилган аёл аравачасини ғилдиратиб келиб олдимизда тўхтади, сомса сота бошлади. Мен ҳам тўртта сомса олиб, амакимга узатдим. У иштаха билан чайнар экан, сомса ўралган қоғозга қаради-ю, бирдан гезарди. Сомса ўралган қоғоз унинг китобидан йиртилган саҳифа экан.

Бутунлай иштаҳаси бўғилган амаким «Ҳе, ўша топган сомсангдан ўргилдим», дея менга ўқрайиб боқди.

Рустам УБАЙДУЛЛАЕВ.

Уаттнинг ёрдамчиси

Буғ машинасининг ихтирочиси, машҳур инглиз олими Жеймас Уаттнинг номини эшитмаган одам бўлмаса керак. Лекин ўша вақтда Жемс Мурдак деган одам ҳам ўтганки, Уатт кўп жиҳатдан шуҳратга шу киши туфайли эришган, деган фикрлар бор.

Тегирмончининг ўғли Мурдак ёшлигида илм ўрганишга муваффақ бўла олмади. Лекин у қўлидан ҳар иш келадиган қобилиятли бола эди. Кунларнинг бирида Мурдак иш қидириб Уаттнинг ишхонасига кириб қолади. Бечора бола «одам керак эмас» жавобини олади. Бола орқасига ўгирилиб, кетмоқчи бўлганида ногаҳон Уаттнинг кўзи унинг қўлидаги қандайдир қизиқ буюмга тушади.

— Бу нима? — деб сўрайди Уатт.
— Шапка, сэр, — дейди Мурдак.
— Нимадан ясалган?
— Ёғочдан.
— Сен уни қаердан топдинг?
— Ўзим токарлик станогида ясаб олдим.
— Токарлик станогида ишлашни қаердан ўргадинг?
— Ўз уйимда. Станокни ҳам ўзим ясаганман.

Боланинг бу гапларини эшитган Уатт дарҳол уни ўзига ёрдамчи қилиб олишга рози бўлди. Шундай қилиб, бу икки талантли кишининг ҳамкорлиги бошланди. Қизиғи шундаки, Уатт ихтиро этган машина ва механизмларнинг қарийб ҳаммасининг асл намуналарини даставвал Мурдак ишлаб берган.

Жавоб

...Марк Твен одам тирбанд бўлган поездга ўтирди. Вагонларда сиқила-сиқила бадбуруш кимса ўтирган купега дуч келди. Ёзувчи эшикни очиши биланоқ шовқин солди:

— Огоҳлантириб қўяман, мен дифтерия ва скарлатина билан оғриганман.

— Жуда яхши, — деди кулиб Марк Твен, — омадни қаранг! Барибир мен яқин тонелларнинг бирида ўзимни ўлдирмоқчи эдим.

Оёқ кимники?

Автобуснинг ичи тирбанд. Ўртада қисилиб қолган нозик бир жувон зорланиб қичқирди:

— Вой-ей! Оёғим янчилиб кетди-ку! Кимнинг оёғи бу?

Ортда турган киши дўриллади:

— Агар кирза этик бўлса, меники.

Алаҳсираш

Тўқмоқ ирғитиш бўйича спорт мастери қаттиқ шамоллаб, касалхонага тушди. Ҳамшира қиз унинг иситмасини ўлчаб кўриб, «иссиғингиз ўттиз тўққизу олти», деди.

Спортчи эса шошиб савол берди:

— Жаҳон рекорди қанча, сингилжон?

Аниқ жавоб

— Лоақал мана бу саволга жавоб бер, — деди хуноби ошган ўқитувчи, — судралиб юрувчиларга нималар киради?

Ўқувчи сира иккиланмасдан жавоб қилди:

— Пиёнисталар!



«Марк Твен чамадони билан»

...Меҳмонхонага тушган Марк Твен меҳмонхона дафтарида шундай сўзларни ўқиди: «Граф Дон Карлос хизматкори билан». Ёзувчи кўп ўйлаб ўтирмасдан: «Марк Твен чамадони билан», деб ёзиб қўйди.

«Ҳеч нарсага арзимас лойиҳа»

Марк Твен маълум ва машҳур бўлиб қолгач, унга кўплар ёрдам сўраб илтимослар билан мурожаат қила бошладилар. Бир шаҳар магистрати ундан шаҳар мозорининг девори қурилишига пул беришни сўради. Юморист шундай жавоб ёзди:

«Лойиҳангизни ҳеч нарсага арзимас деб ҳисоблайман. Чунки, мозор ичида ётганлар уни сира ҳам ташлаб кета олмайдилар, мозор ташқарисидагиларни эса у жойга тушишга заррача истаклари йўқ.»

Қачон фикр қиласиз?

...Машҳур инглиз физиги Э. Резерфорд ўз лабораториясига кириб қолди. Унинг шогирдларидан бири кеч бўлиб қолганлигига қарамай аллақандай иш билан машғул эди.

— Бемаҳалда нима қиляпсиз? — сўради олим.

— Ишлаб ўтирибман.

— Кундузлари нима қиласиз?

— Ишлайман, албатта, — жавоб берди у.

— Саҳар чоғлари ҳам ишласангиз керак-а?

— Ҳа, домла, саҳар туриб ҳам ишлайман, — деди яна шогирди.

Хушхабар

— Бу калла билан узоққа боролмайсиз, йигитча, — деди профессор ўз студентига.

Студент бундан жуда қувониб кетди:

— Ташаккур, домла, ўзим ҳам шаҳарда қолмоқчи эдим.

Интизомсиз аълочи

— Дарсга доимо кечикиб келасиз, — деб аччиғланди ўқитувчи. — Бу қанақа гап?

— Олдингиси «Дарак гап», «кейингиси «Сўроқ гап», — деб жавоб қилди ўқувчи.

Маҳаллий «буюк зот»

— Ўтган дарсни яхши ўзлаштирганим учун адабиётдан «беш» олдим, дада!

— Ўзи нимани ўтувдинглар?

— Мактабимиз директорининг таржимаи ҳолини...

Ўч олиш

— Анави шилқимнинг боплаб таъзирини бердим-да, — деб дугонасига мақтанди қиз.

— Вой, қанақа қилиб?

— Унга турмушга чиқдим.

Тўпловчи Эркин МУЗАФФАРОВ,
Самарқанд.

Шунда Резерфорд қовоғидан қор ёғилгудай бўлиб шундай деди:

— Менга қаранг, агар ундай бўлса қачон фикр қиласиз?

Эйнштейн ва Чаплин

Номини бутун жаҳон биладиган улуғ физик олим Альберт Эйнштейн билан машҳур кино артисти Чарли Чаплин суҳбатлишиб қолишди. Эйнштейн «Маҳоратингизнинг айниқса, бир фазилатига тан бермаслик мумкин эмас. Ролларни шундай ижро этасизки, унга ҳамма халқлар тушунади ва қойил қолади.

Чаплин эса унга «Сизнинг шуҳратингиз эса меникидан ҳам ажойиб, — деди. Сиз асос солган нисбият назариясини ҳеч ким тушунмайди, аммо ҳамма тан беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Паҳлавоннинг ўғирланиши

Анвар Обиджон

икки пардали эртак

ҚАТНАШУВЧИЛАР:
ТЎҚПОШШО — Боғистон ҳукмдори
МАЛИКА — хотини
ДУРБЕК — ўғли
ГУЛЗОР — асраб олган қизи
ШАҲАР БЕГИ — амакиваччаси
ТОШБОБО — тутинган отаси, овчи
ЖАНГЧИ
ОЧПОШШО
ВАЗИР
ЛАШКАРБОШИ
ҚОЗИКАЛОН
ЖОДУГАР
МАСХАРАБОЗ
ЖАЛЛОД
Аскарлар, ясовуллар, овозлар

БИРИНЧИ ПАРДА
БИРИНЧИ КЎРИНИШ

ДИКТОР ОВОЗИ: Оқил ва ўткир зеҳнли томошабин ошналар! Ҳозир «Паҳлавоннинг ўғирланиши» деб номланган ҳам кулгили, ҳам ваҳимали эртак-спектаклни намойиш этамиз. Бунда сиз яхши ва тузукрок одамлардан ташқари золим ҳукмдор, шум жодугар, конхўр жаллод, зоти паст соткинлар билан ҳам учрашасиз.

Диккат, диккат! Шундай килиб, томошани бошлаймиз!

Парда очилади. Очпошшонинг саройи. Тахт бўм-бўш. Пойгакда арбоб-уламолар қўл қовуштириб туришибди. Тахтнинг ўнг томонида бесўнақай телефон, чап тарафда пахмоқсоқол масхарабоз шапалоқдай хўрозқандни ялаб ўтирибди. Ташқаридан чийиллоқ товуш эшитилади.

ОВОЗ: Ваҳе-е-ей! Пўшт, ғофиллар! Улуғларнинг улуғи, тўрт марта ҳурматли Очпошшо ҳазрати олийлари ташриф буюрадила-а-ар!

МАСХАРАБОЗ: *(Туриб, арбобларга юзланади).* Қани, таъзимга тайёрланайлик-чи, жаноб арбоблар. Пошшомиз ҳаммамизга почча бўлади-я! Анкаймасдан, ўшшаймасдан, баравар эгиламиз. *(Бир қўлини юқори кўтариб).* Бир... икки... уч — эгилмаган кора мурч! *(Қўлини туширади, ҳамма эгилади.)* Нафас олинмасин! Оғизданам, бошка жойларданам овоз чкарилмасин!

Каттакон уч ғилдиракли велосипедини ҳайдаганича Очпошшо кириб келади. Эгилганича унга орқа билан турган Қозикалон йўлни тўсиб қўйганини кўриб, жаҳли чиқади. Велосипединнинг қўнғироғини чалса-да, ўша аҳвол.

ОЧПОШШО: Вей мол! *(Қозикалон ҳануз жим.)* Вей, мол! *(Қозикалон эшитмагач, велосипеддан тушиб, унинг кетига тепади.)* Қоч-е! *(Қозикалон ағанаб тушади.)*

МАСХАРАБОЗ: Мўъжизани каранг, катта мол кичик молга хўжайинчилик киляпти. Ва-а-а! *(тилини осилтириб кулади.)*

Очпошшо Қозикалонни айланиб ўтиб, велосипедини тахт остида тўхтатади. Жойига чиқиб ўтиради.

ОЧПОШШО: Хўш, жаноб арбоблар... *(Ҳамма қад ростлаб, унга юзланади.)* Қайнатамдан колган мамлакатим тинчми ишкилиб?

ЛАШҚАРБОШИ: Бутун олам Очпошшо ҳазрати олийларининг соғ-саломатлигидан кувониб яшамокда.

ОЧПОШШО: Яша, Лашкарбоши ука. Қани энди ўзингни ишларингдан гапирчи.

ЛАШКАРБОШИ: Чегараларимиз кенгайганича турибди. Босиб олинган мамлакатлардаги аскарларимиз ҳозирча тинч-омон. *(Бўшашиб.)* Факат...

ОЧПОШШО: Хўш?

ЛАШКАРБОШИ: Аскарларимиздан иккитаси кеча оғир ярадор бўлди.

ОЧПОШШО: Нега энди мендан берухсат ярадор бўларкан?

ЛАШКАРБОШИ: Биттасини эчки сузибди...

ОЧПОШШО: Унисини-чи?

ЛАШКАРБОШИ: Унисини... эшак тепибди.

ОЧПОШШО: Қозикалон!

ҚОЗИКАЛОН: Лаббай, олампаноҳ!

ОЧПОШШО: Бу қанака гап? Мамлакатимда тартиб борми ўзи?

ҚОЗИКАЛОН: Юртимиздаги ҳар бир банданинг бошида конун ойболтаси тонг юлдузидек чараклаб турибди, олампаноҳ. Қонунлар мажмуасининг биринчи бўлим, учинчи моддасига биноан йўталганинг оғзи, чучкурганнинг бурни назоратда. Афсуски, одамлар билан овора бўп кетиб, эчкию эшаклар тарбиясини бўшаштириб қўйибмиз.

ОЧПОШШО: Буюраман, шавкатли кўшинимизга талафот етказишга уринган суъикасдчи эчки ошхонамизда катл этилсин!

ЛАШҚАРБОШИ: Эшак-чи, олампаноҳ?

ОЧПОШШО: Эшак... Ҳм-м, ғалаёнчи эшак тутиб келтирилиб, саройда текинга ишлатилсин!

МАСХАРАБОЗ: Саройингиздаги эшаклар биттага кўпайгани муборак бўлсин, почча.

ОЧПОШШО: *(Масхарабозга эътибор бермай).* Хўш, Вазир, сен нима дейсан?

ВАЗИР: Хазинадаги тангликни ҳисобга олмасак, халкимиз шод, юртимиз обод, олампаноҳ.

ОЧПОШШО: Шунча ўлкаларни талаб ётган бўлсанг-у, нега энди хазинамиз бўшаб коларкан?

ВАЗИР: Чунки, аскарларимиз сувараклардан кўпайиб кетди. Улар десангиз ғирт текинхўр бўларкан — дам уст-бош бер дейди, дам курол-ярок сўрайди.

МАСХАРАБОЗ: Мўъжизани карангки, почча, ўша муттаҳам аскарлар яна уялмай-нетмай овкат ҳам ейишаркан. Ва-а-а!

ОЧПОШШО: *(Дастакни қўлига олиб, телефон бурамасини шиғиллатиб айлантиради).* Навбатчи ясовулмисан? Хазинабонни ула менга. Ким бу пишиллаётган? Хазинабон? Менга айт-чи, бўкоқ, хазинада аҳвол калай? Аҳвол хароб дейсанми? Ҳе, нафасинг совук бўлмай ўл! *(Дастакни жаҳл билан қўяди).* Ҳм-м... Демак, хазинани тўлдиришимиз керак.

МАСХАРАБОЗ: Мўъжизани карангки, почча, саройда яшаётганимга карамай, бирдан каллам ишлаб колди.

ОЧПОШШО: Хўш?

МАСХАРАБОЗ: Энди мен сизга айтсам, поччажон, ҳаммамиз эски-туски кийим бозорларга тарқалишимиз керак.

ОЧПОШШО: Яъни?

МАСХАРАБОЗ: Яъни... гадойчилик килиб, пул йиғамиз. Ва-а-а!

ОЧПОШШО: Юм оғзингни! Ҳе, молга ўхшаган!

МАСХАРАБОЗ: *(Четга ўгирилиб).* Ўзинг мол. *(Томошабинларга қараб.)* Чўнтагида сарик чакаям йўғ-у, яна менга олифтачилик килади.

ВАЗИР: Менимча, олдимизда битта йўл бор, олампаноҳ.

ОЧПОШШО: *(Жонланиб.)* Хўш, хўш?

ВАЗИР: Биронта ўртачарок мамлакатни босволамиз.

ОЧПОШШО: Ён-веримизда бизга тобе бўлмаган юрт борми ўзи?

ҚОЗИКАЛОН: Адолат юзасидан айтганда, кунчикар тарафимиздаги бир юрт талонимиздан бахраманд бўлолмай турибди.

ОЧПОШШО: Майли, одамгарчилик килиб, униям босволайлик бўлмаса. Қайси мамлакат экан?

ҚОЗИКАЛОН: Боғистон.

ОЧПОШШО: Ҳм-м... Бу юртни тобе килиб олсак-ку ишимиз юришиб кетарди-я, аммо ўзинг биласан, Боғистонга икки марта босиб бориб...

МАСХАРАБОЗ: Иккаласидаям каҳрамонларча кочиб келдик. ва-а-а!

ЛАШКАРБОШИ: Биз билан бўлган жангларда боғистонликлар, ҳаркалай, анча кучсизланди.

ҚОЗИКАЛОН: Қонунлар мажмуасининг бешинчи бўлим, еттинчи моддасига биноан аввал у ердаги аҳволни аник билволишимиз керак.

ОЧПОШШО: Бу гапда жон бор. *(Дастакни олиб, яна телефоннинг қулоғини бурайди.)* Ҳў, навбатчи ясовул, Жодугарни ула менга. Жодугармми бу? Мажлисга келмай каёкда юрибсан, мол? Топкир ойнани олиб, дарров бу ёққа югур. *(Дастакни қўйиб.)* Ҳа, Боғистонни кўлга киритсак, ёмон бўлмасди...

ВАЗИР: Биринчидан, хазинани тўлдирардик...

ЛАШКАРБОШИ: Иккинчидан, кўшинимизни янаям кучайтирардик...

ҚОЗИКАЛОН: Учинчидан, у ерлардаям ўзимизбоп тартиб ўрнатардик...

МАСХАРАБОЗ: Тўртинчидан, поччам менга ўша томонлардан кў-ў-пгина хўрозканд опкелярди.

Ихчам қўл телевизорига ўхшаш топқир ойнани кўтарганича Жодугар кириб келади. Қадам босишлари аллақандай сирли, кўзлари совук, боқишлари жиддий. Мункиллаган кўса чол бўлишига қарамай, америка ҳиндуларининг попукдор тор шими ва нимчасини кийиб, елкасига кийимига мос попукдор халта осган.

ЖОДУГАР: *(Подшога хиёл таъзим қилиб, атрофдагиларга мағрур юзланади.)* Калласи зўр пошшомизга гулдурос карсаклар!

Ҳамма чапак чалади. Масхарабоз ковушини ечиб, уларни қарсакка мослаб бир-бирига урганича, чангини қоқа бошлайди.

ОЧПОШШО: *(Бир қўлини кўтариб ишшайганича қарсакни тўхтатишга эришгач, бирдан жиддийлашиб жодугарга қарайди.)* Топкир ойнани якинрок опкел, Жодугар, Қани. Боғистонни кўрсатвор-чи менга.

Жодугар экранни подшо тарафга ўгириб, телефоннинг ёнига ўрнатади. Антеннани юқорига чўзиб, ён томондаги тугмачани шарақлатиб босади.

ЖОДУГАР: Абадайний, шабадайний, рака пуф! Бешинчи канал, тўртинчи программа кўрсат Боғистонни! *(Подшога.)* Марҳамат, ойнада — Боғистон.

ОЧПОШШО: Биз буни томоша кип турайлик. Сен анави *(велосипедини кўрсатиб)* тепкиаравани бир кўриб кўй. Орка ғилдираги сал-пал ғижирлаяпти.

Очпошшо имлагач, арбоблар унинг атрофига тўпланишиб, топқир ойнани томоша қила бошлашади. Жодугар велосипедни ағдариб, ғилдиракларини кўздан кечираётган пайтда унинг ёнига хўрозқанд ялаганича масхарабоз келади.

ЖОДУГАР: *(Жиддийлиги бирдан йўқолиб, ютинганича ялинади.)* Ке-е, хўрозкандингдан биттагина яла-а-ай.

МАСХАРАБОЗ: *(Хўрозқандни бағрига босиб.)* Ҳо-о-о!

ЖОДУГАР: Баҳил! Ҳозир битта карғасам, чўчка бўп коласан.

МАСХАРАБОЗ: Кейин иккаламизни адаштириб қўйишмасмикан? Ва-а-а!

ОЧПОШШО: Ҳў, жодугар, буёққа келиб мундок тушунтириб берсанг-чи. Боғистонда нима тўполон ўзи?

ЖОДУГАР: *(Бориб, топқир ойнани пича томоша қилгач.)* Боғистон ҳукмдори Тўкпошшо ўғил кўрибди. Юртда тўй-томоша бўляпти.

ЛАШКАРБОШИ: Шу пайтгача фарзанд кўрмаганди у ярамас. Аскарларимга карши жангда

www.ziyouz.com kutubxonasi

тоғаси ҳалок бўлгач унинг кизини асраб олганди.

ВАЗИР: Ўша киз ҳозир ўн бешга кирди. Исми Гулзор.

ҚОЗИКАЛОН: Адолатли айғокчиларимизнинг айтишича, у киз жуда чиройлимиш. Бунинг устига, зўр овчи деб таърифлашади.

ЛАШКАРБОШИ: Ўгай онасига тортибди-да. Лаънати Маликаям киличбозликда анча-мунча эркакни кочиради.

ОЧПОШШО: *(Топқир ойнага ишора қилиб.)* Анави чол ким бўлди, Жодугар?

ЖОДУГАР: Тошбобо деган машҳур овчи, Тўкпошшонинг тутинган отаси.

ОЧПОШШО: Ие, Тошбобо чакалокни қўлига олди-ку. Нималар деб вайсаяпти, а?

ЖОДУГАР: *(Халтасидан сурнайга ўхшаш нарса олиб, бир учини телевизорга, иккинчи томонини қулоғига тутади.)* Болага ном қўйяпти. Ана, оти Дурбек бўлсин, деди.

ОЧПОШШО: Дурбек *(Масхарабоз лаб буради).* Бе-е!

ВАЗИР: Шуям от бўлди-ю!

ҚОЗИКАЛОН: *(Бурун жийириб.)* Фу!

ЛАШКАРБОШИ: Ҳа, энди, отаси ким-у, боласи ким бўларди!

ОЧПОШШО: Шу болапакир тўғрисидаям бир фол кўрвор-чи, Жодугарвой.

ЖОДУГАР: *(Кўзларини олайтиб.)* Абадайний, шабадайний, рака пуф! Еттинчи канал, иккинчи программа, гапир гўдакнинг сирларини! *(Сурнайсимон асбобни яна телевизорга қадаб тинглайди).*

МАСХАРАБОЗ: *(Иккала қўлини карнай қилиб, Қозикалоннинг биқинига тирайди.)* Абадайний, шабадайний, рака пуф! Юзинчи канал, юзинчи программа! Қозикалон кимдан канча пора олганини шартта-шартта айтиб бер.

ҚОЗИКАЛОН: *(Масхарабозни нуқиб.)* Очпошшони олдида ҳовликма. Панарокда кўлимга тушсанг, конун билан эзвораман-а.

МАСХАРАБОЗ: Эзасан-а, эзасан! *(Подшо томонга ишора қилиб.)* Поччамга айтиб берсам, думингни тугиб кўяди.

ҚОЗИКАЛОН: *(Афтини буриштириб, четга ўгирилади).* Ҳаромзода! Бу безбетда на ака-ука бор, на опа-сингил. Шунга карамай, кўринган амалдорни почча дейди.

ЖОДУГАР: *(Қаддини ростлаб, қўлларини ваҳима билан осмонга чўзади).* О, тангри! Қандай фалокат бу!

ОЧПОШШО: *(тахтдан тез тушиб келиб, Жодугарнинг ёқасидан олади).* Хўш?!

ЖОДУГАР: Бошимизга битган бало бўлади бу гўдак!

ОЧПОШШО: *(Жодугарни асабий силтаб).* Хўш?!

ЖОДУГАР: Дурбек бу — сеҳрли гўдак, икки йилгача ҳар йили тўккиз ёшданга улғаяди, ўн саккиз ёшида тенгсиз паҳлавон бўлиб етишади: бир килич солганда, юз йиллик чинорни чўрт узиб ташлайди; отган найзаси калъа деворини тешиб ўтади: тўкмок урганда, пўлат дарвозалар ҳам чилпарчин бўлади.

ЛАШКАРБОШИ: *(Бошини чангаллаб).* Вой касофа-а-ат!

ОЧПОШШО: *(Жодугарни силтаб.)* Гапир! Уни даф килишнинг чораси борми?

ЖОДУГАР: Онаси! Фақат туккан онасигина бу паҳлавонни енгиши мумкин.

МАСХАРАБОЗ: Тушунарли! Буни йўли осон. *(Ҳамма унга умидвор боқади.)* Демак, мундок киламиз... *(Файласуфона ўйланиб.)* Лашкарбошимизга атлас кўйлак кийдириб, жангга киритворамиз. *(Лашкарбошининг орқасини силаб.)* Бу ойимтилламиз ўша паҳлавонга рўпара келиб, «ҳу, ер ютгур, мен онанг бўламан-а» дейди-ю, косовни олиб, уни кувлашга тушади. Қувлаб кетаверади, кувлаб кетаверади, кувлаб кетаверади, кувлаб кетаверади... Кўрибсизки, душманданам кутиламиз, лашкарбошиданам. Ана сизга мўъжиза!

ЛАШКАРБОШИ: Бас кил, аблаҳ!

ВАЗИР: Буни маошидан ушлаб колиш керак!

ҚОЗИКАЛОН: Ҳўў, конун билан эзвормайин тағин!

Очпошшо бу гапларга эътибор бермай, бармоғини оғзига тиқиб пича ўйланиб тургач, бирдан хотиржам қиёфага кириб, яна тахтга чиқиб ўтиради.

ОЧПОШШО: *(Буйруқомуз оҳангда.)* Жодугар!

ЖОДУГАР: *(Пинагини бузмай)* Бакирмай гапираверсинлар.

ОЧПОШШО: *(Сал ҳовридан тушиб.)* Сен билан бир иш киламиз, акаси. *(Атрофдагиларга қараб.)* Сенларга жавоб! Керак бўпколсанглар, ўзим кўнғирок киламан.

МАСХАРАБОЗ: *(Таъзим-ла чиқиб кетаётганларни пода ҳайдагандек қувалаб).* Кишт! Туёғингни шикиллат ҳамманг! Кишт-кишт! Ҳу, ҳаром ўлгурлар!

ОЧПОШШО: *(Масхарабозга.)* Вей, мол! Ўзинг ҳам корангни ўчир!

МАСХАРАБОЗ: *(Ўпкалаб боқади).* Шуми энди окибат?

ОЧПОШШО: Йўкол деяпман!

МАСХАРАБОЗ: *(Лаб буриб, ўзича.)* Қорнинг ишмай ўл! *(Кетади.)*

ОЧПОШШО: *(Жодугарни яқинроққа имлаб.)* Сенга битта хизмат бор, мулла Жодугар.

ЖОДУГАР: *(Унча менсимай.)* Қачон карама — хизмат, хизмат... Манавини еб ёт, дейдиган мард йўк.

ОЧПОШШО: Шу хизматниям бажарсанг, бешала панжанг ёғлик бўлади, акаси. Ўша паҳлавон Дурбек ҳали ота-онасини танимай туриб, шартта ўғирлаб келасан. Ўзимиз бокиб катта киламиз — токи улғайиб, бизга хизмат килсин.

ЖОДУГАР: Бу иш кўлимдан келмайди.

ОЧПОШШО: Келади! Сени ишга олаётганимда ўн икки минг хил макрим бор, деб мактангандинг. Ўғирлайсан энди болани. Гап тамом!

ЖОДУГАР: Ўғирламайман!

ОЧПОШШО: Ўғирлайсан! Бўлмаса, ҳозирок жаллодни чакираман.

Югурганча Жаллод кириб келиб, таъзим қилади. Қўлида йирқироқ дастарра.

(Давоми бор)

Рассом: Р. ЗУФАРОВ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗ ҚЎШИҒИНИ ИЗЛАБ

Очерк

У болалигидан аэропортга боришни севарди. Қўлида гулдаста, гўё бировни кутаётгандек. Гулдаста, албатта, атрофдагиларни чалғитиш учун бўларди. Троллейбус ҳайдовчиси охирги бекатни эълон қилиши билан ҳушёр тортиб кутиб олиш майдончасига шошиларди. Қизчага ўз яқинларини кузатиш ёки кутиб олиш билан банд бўлган кишилар мутлақо эътибор беришмасди. У бўлса темир панжарага суянганча самолётдан тушиб келаётган йўловчиларга синчковлик билан тикилгани-тикилган эди. Назарида у ана шу йўловчилар орасида худди катталардек ўйчан, чиройли кийинган, хушбичим, мағрур қиёфада самолёт пиллапояларидан бир-бир тушиб келаётгандек тасаввур қиларди ўзини. У Бутуниттифоқ, йўқ-йўқ, халқаро фестивалда қўшиқ айтиб ғолиб чиққан, бироз чарчаган, ҳаяжонда. Онаси ва дугоналарини соғинган. Ие, уни қаранглар! Йўлакчада фото ва кинокамерали репортёрлар туришибди. Улар микрофон тутиб, матбуот учун икки оғиз сўз айтишни ундан сўрашяпти...

* * *

Биз мана шунақа шуҳратлар қучиш учун, тезроқ катта бўлишга шошиламиз. Наталья Нурмуҳамедова эстрада куйчиси бўлишни орзу қиларди, лекин у буни бошқалардан сир тутарди. У Золушканинг маликага айланиши ҳақидаги эртакка ишонмасди. У яшайдиган кўчада турли касбдаги кишилар истиқомат қиларди. Улар орасида на бир хонанда, на бир кино, театр актёри бор эди. Наташа боғда Майя Кристальинскаяга ўхшайдиган қўғирчоғини ўйнаб ўтирар экан босмахонада ишлайдиган қўшниси Маша хола, ҳар куни енгил машина ишга олиб кетадиган Исфандиёр амакилар эстрада артисти бўлишни орзу қилишмаганмикин, деб ўйларди. Албатта, орзу қилишган! Лекин орзулари амалга ошмаган. Эстрада хонандалари бошқа шаҳарлардан, масалан, Ленинград ёки Москвадан чиқади. Улар яшайдиган кўчадан чиқмайди. Чиқиб қолсачи?

Наташа илк бор 15 ёшида ҳаваскор эстрада ансамбли жўрлигида куйлади. Бу Тошкентдаги «Коммунальник» маданият уйида бўлганди. У ўзи кўрмаган денгиз ҳақида, ўзи бормаган узоқ-узоқ мамлакатлар ҳақида берилиб, жон дилидан куйлади. Залда унинг тенгдошлари ўтиришарди. Уларнинг ҳам кўпчилиги денгизни кўрмаган, лекин денгиз ҳақида, унинг кучли пўртаналари ҳақида кўп ўқишган, эшитишган. Телевизор, кино экранлари орқали океанлар қудрати намаларга қодир эканлигининг гувоҳи бўлишган, кузатишган. Шунинг учун фанер стулларда ўтириб ўзларини афсонавий ороллар кашф этувчи оппоқ денгиз кемаларининг капитанлари деб ҳис этардилар. Улар қўшиқни ҳаяжон билан тинглаб, Наташа билан бирга орзуга чўмардилар. Уни саҳнадан қўймай денгиз ҳақидаги қўшиғини яна ва яна қайтаришини сўрадилар. У қўшиқни тенгдошларининг илтимосига кўра яна бир бор ижро этди.

Наташанинг «Коммунальник»даги дебюти аэропортдаги мурғак орзуларининг биринчи ва охиргиси бўлишига сал қолди. Улғайган сари у билдики, ўзидаги мурғаккина маҳорат билан қўшиқ айтишни давом эттириш мумкин эмас. У мана шуни чуқур англаб, бир оз афсусланган ҳолда, кечикиброқ консерваториянинг скрипка бўлимига ўқишга кирди.

Бир куни мен билан суҳбатда Наташа шундай деди: «Шунақа кишилар борки, буларга овозни табиат инъом этган, яъни туғма овозлари бор. Улар куйласа ҳамма ҳаяжондан титраб кетади. Бошқалар эса минг машаққат билан кунлаб, йиллаб меҳнат қилиб эришади бундай муваффақиятга...

Наташанинг бахтига унинг дўстлари «Синтез» вокаль ансамблида қатнашардилар. Улар Наташани ўз ансамбларига таклиф қилдилар. Наташа ҳеч иккиланмай бу таклифга рози бўлди. Чунки улар ҳам ўзига ўхшаган ҳаваскорлар эканлигини, бу ерда биринчи навбатда машқ учун, қолаверса, ўзи учун куйлашини биларди. 1972 йилда «Синтез» ансамбли билан биргаликда Бутуниттифоқ «Еш овозлар» телевизион конкурсининг лауреати бўлди. Консерваторияни тугатиш арафасида эса уни Ўзбекконцертга ишга таклиф қилишди.

Санъат турлари ичида энг оммавийси — кино. Аммо бугунги кунда эстрада санъати ундан ҳам ўзиб кетадиганга ўхшаб қолди. Эстрада бу — буюк тавакқал. Бу санъатни ҳамма тушунади. Бугунги томошабинни, тингловчини чалғитиш, алдаш қийин. Наталья Нурмуҳамедова биринчи чиқишлариданоқ томошабинни ўзининг ишончли дўсти деб билди. У ўз қўшиғи, ўз услубини излади.

Умуман, Н. Нурмуҳамедованинг қўшиқчи сифатида ном чиқариши бошқа эстрада қўшиқчилари ва ансамбллари сингари осон бўлмади. Челябинскийнинг «Ариэль» ансамблини эслайлик: конкурсда ғалаба қилиб, профессиональ ансамбль номини олгунгача, бир ярим йил давомида кўп қаватли уйнинг ертўласида репетиция қиларди. «Земляне»дагилар эса бир-бирларининг уйларида машқ қилардилар. Жанна Бичевская магазинга тунги қоровулликка ишга кириб, кечалари гитара чалишни ўрганган. Н. Нурмуҳамедова ўз қўшиқларини Тошкент консерваториясида дарсдан кейин рухсатсиз репетиция қиларди. Вахтёр Нюра хола уни киритиб, эшикни қулфлаб қўярди. Ярим кечада эшикни очиб: «Қани, Наталья, бугунча етар, уйингга қандай етиб оласан? Безорилар йўлингни тўсиб юрмасин, тағин», — дер эди.

Нурмуҳамедова ўз репертуарига эга эмас эди. У фақат ўзига маълум йўллар билан москвалик ва тошкентлик композиторларнинг уйларига янги қўшиқ нотасини олиш учун кириб борарди. Бу фақат ишнинг ярми эди, холос. Ҳали яна унинг қўшиғини концерт программасига киритиб берувчи ансамбль ҳам керак эди. Янги бошловчилар, шунингдек номи чиққан қўшиқчилар учун ҳам хизмат-беминнат бюроси ташкил қилинмаган. Фақат ўзингга ва омадга ишониш керак. Наташанинг эса омади келиб қолди. Концертларнинг бирида уни Ботир Зокиров кўриб қолди. Ўзбек эстрадасининг асосчиси уни ўзи бошқараётган Тошкент мюзик-холлига таклиф қилди.

1977 йилда эса Наталья Нурмуҳамедова «Қўшиқ билан ҳамнафас» Бутуниттифоқ телевизион конкурсининг лауреати бўлди. Муваффақият уни гангитмади. Чунки у бу муваффақиятга жуда қийинчилик билан эришган эди. Наташа бундай бўлишини тўғриси унчалик кутмаган эди. Аслида бу конкурсда таниқли эстрада артистларидан бирон сабоқ олиб қайтишни ўйлаганди. Унга Росконцертга ўтишни таклиф қилишганда, ҳеч иккиланмай рози бўлди. Наташа уч йил давомида Росконцерт билан бирга мамлакатимизнинг у бошидан бу бошигача бориб келди. У ажойиб жасоратли кишилар билан учрашди. Уни узоқ ўлкалардаги буғу боқувчилар, БАМ қурувчилари, ўрмончилар, Узоқ Шарқ балиқчилари хурсандчилик билан қарши олдилар, қўшиқларига жўр бўлдилар. У бундай гастроллардан ҳар сафар кўзида ёш билан қайтарди. Бу учрашув ва хайрлашувларда болалигида орзу қилган хаёллари ҳақиқатга айланганига ўзи ҳам ҳайрон қоларди.

Росконцертда унинг учун ажойиб мактаб яратган Лев Лешенко, Михаил Боярский, Владимир Висоцкийлар билан бирга куйлади. 1980 йилда унинг узоқ муддатли командировкаси тамом бўлди. Нурмуҳамедова Тошкентга қайтди. Чунки у ўз ижодини она шаҳрисиз тасаввур қилолмасди. Она шаҳридан узоқда ҳамиша ниманидир йўқотгандек ҳис қиларди ўзини. Наташа энди республика бўйлаб кезмоқда, радио ва телевизорларда овози янграмоқда.

1983 йилда эса Ялтадаги социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қўшиқчиларининг энг яхши ижроси учун бўлган Бутуниттифоқ конкурсининг биринчи мукофотини олиб қайтди.

1984 йилда Наталья Нурмуҳамедова Польшадаги «Зелена Гура» деб номланган совет қўшиқчилари фестивалининг якунловчи концертида фахрли меҳмонлар қаторида қатнашди. Шу йили «Дрезден — 84» халқаро фестивалида биринчи ўринни эгаллади.

Томошабинлар ҳурматини қозонишда унинг ижрочилик маҳорати, баланд овози, ижодий жавобгарликни ҳис этиши катта роль ўйнамоқда. Тўғри, унинг ижрочилик услуби ҳаммага ҳам бирдек манзур бўлавермайди. Наташа ўз ижрочилик услубида миллий ва замонавий куйларни бирлаштириб, қўшиқлар шаклини бирмунча ўзгартириб, уларга жаз белгиларини қўшади. У тақлидчиликдан узоқ, ҳамиша ўзига хосликка интилади.

Ўзбекистон Давлат филармониясининг яккахон хонандаси Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Наталья Нурмуҳамедова кўпгина қўшиқларини замонавий жаз музикаси жўрлигида ижро этади. Унинг овози радио, телевизор, грампластинкалар орқали янграйди, у кинода ўйнайди, кўплаб гастролларда бўлади. Бир сўз билан айтганда у жуда банд одам. Аммо у — аёл. Наташанинг фикрича у аввало аёл бўлиб, она бўлиб қолиши керак. «Мен ўз ишимни жуда севаман, аммо шахсий ҳаётимни Вера Фёдоровна Комиссаржевская сингари санъат меҳробига қўёлмасам керак. Гастролда юрганларимда боғчага борувчи қизим Настяни жуда соғинаман. Тошкентга кунига бир неча маротабалаб қўнғироқ қиламан. Туғишганларингдан узоқда бўлиш жуда оғир», — дейди Наталья.

ФИТЦ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПЕТЛЯЛАРНИНГ КЎРИНИШИ ВА УЛАРНИНГ ТЎҚИШ ТАЪРИФИДАГИ ШАРТЛИ ЁЗИЛИШИ

Ўнг петля (1-расм).

Ўнг спица чап спицадаги петля ичига ўнгга томон киритилади ва асосий ип илиб олиниб, петля орқали олдга томон тортиб чиқарилади.

Момо петля (2-расм).

Чап спицадаги петляга ўнг спица ўнгдан чапга томон киритилади ва асосий ип шу петля орқали олдга томон тортиб чиқарилади.

Терс петля (3-расм).

Ўнг спицани чап спицадаги петля орасидан ўнгдан чапга томон киритиб, асосий ип илиб олинади ва орқа тарафга тортиб чиқарилади.

Терс момо петля (4-расм).

Ип чап спицага илинади. Ўнг спица ортидан олдга томон ўтказилиб, асосий ип чапдан ўнгга томон тортиб чиқарилади.

Икки ёки бир неча петляни бир этиб ўнг петля ҳолида тўқиш (5-расм).

Ўнг спица икки ёки ундан ортиқ петлялар орасидан чапдан ўнгга ўтказилиб, асосий ипни ана шу петлялар орасидан олдга томон тортиб чиқарилади.

Икки ёки ундан ортиқ петляни момо петля этиб тўқиш (6-расм).

Ўнг спица чап спицадаги петлялар олддан ўнгдан чапга томон ўтказилиб, спица ортидаги асосий ипни олдга томон тортиб чиқарилади.

Икки петляни бир этиб ўгириб тўқиш (7-расм).

Ўнг спица учи билан чап спицадаги биринчи петля ўгирилади ва ҳар иккиси бир этиб ўнг момо петля усулида тўқилади.

Икки ёки бир неча петляларни бир этиб терс петлялар ҳосил қилиш (8-расм).

Чап спицада хомаки петля ҳосил қилинади. Ўнг спица чап спицадаги петлялар остидан ўнгдан чапга ўтказиб асосий ипни олд томондан орт тарафга ўтказилади ва петля чўзилади.

Икки терс петлядан терс момо петля ҳосил қилиш (9-расм).

Чап спицада хомаки петля ҳосил қилинади.

Ўнг спица чап спицадаги петлярнинг орқа тарафида чапдан ўнгга томон ўтказилиб, асосий ип илиб олинади ва орқа тарафга тортиб чиқарилади ва тортилади.

Олдиндан ўрни алмаштирилган иккинчи ва биринчи петляларни қўшиб уч петляни бир этиб тўқиш (10-расм).

Қўшимча спица ёрдамида ўнг тўқилган спицадаги биринчи ва иккинчи петлялар ўрни қуйидагича алмаштирилади. Иккинчи петля биринчи петля ўрнига ўтказилиб, петлялаларни тўқишдан олдин охирги петляга ёпилади. Петлялар момо петля усулида тўқилади.

Хомаки петля (11-расм).

Ўнг спица ўнгдан чапга томон йўналтирган ҳолда асосий ипни илиб олади. Спицада ҳосил бўлган петлялалар кўрсаткич бармоқ билан ушлаб турилган ҳолда кейинги петля тўқилади.

Кейинги қатор петлялаларни орттиришда ва нафис тўр нусха тўқишда хомаки петлялалар ўнг ёки терс петля қилиб тўқиб кетилаверади. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, кейинги қаторлардаги ўнг ва терс момо петляларда накид билан нафис тўр ҳосил қилиб бўлмайди. Фақат петлялалар орттирилади, холос.

Терс хомаки петля (12-расм).

Ўнг спица билан асосий ип чапдан ўнгга томон илиб олинади. Илиб олинган ипни кўрсаткич бармоқ билан ушлаб турилган ҳолда кейинги петля тўқилади.

Бу тўқиш таърифида тескари хомаки петля деб қайд этилади.

Юқорида айтганимиздек кейинги қаторда хомаки петля ўнг ёки терс момо петлялалар усулида тўқилади.

Ундан кейинги қаторларда хомаки петляларни тўқиш чоғида ўнг ёки терс петляларда нафис тўр ҳосил қилинмайди. Фақат петлялар орттирилади.

Қўш хомаки петля (13-расм).

Ўнг спицада иккита хомаки петля ҳосил қилинади. Кейинги қаторни тўқиётганда петлялар сонини орттириш учун биринчи хомаки петля ўнг, иккинчиси эса терс петля этиб тўқилади.

Тўқиш таърифида бу 2 накид деб қайд этилади.

Занжир (воздушная петля) (14-расм).

Ўнг спицада асосий ипдан оддий петля ҳосил қилинади.

Пастки қаторлардан ҳосил қилинган ёки чирмашувчи петлялалар (15-расм).

Ўнг спицани тўқиб бўлинган бир еки бир неча қатор оралиғидан ўтказилиб, асосий ип узун петля кўринишида тортиб чиқарилади. Петля нақш турига кўра шу қатордан ёки кейингисидан тўқиб кетилади.

Пастки қаторлардаги петлялараро оралиқ петля ҳосил қилиш (16-расм).

Ўнг спицани пастки қатордаги петлялараро горизонтал жойлашган ип остидан киритиб, асосий ип илиб олинади ва ҳосил бўлган петля чўзилади.

Бир петлядан икки петля тўқиш (17-расм).

Чап спицадаги петля икки марта — бир ўнг ва бир терс петля қилиб тўқилгач спицадан ташлаб юборилади.

Бир петлядан уч петля тўқиш (18-расм).

Чап спицадаги петля ўнг қилиб тўқилади. Уни спицадан чиқармай туриб хомаки петля олинади-да, шу вақтнинг ўзидаёқ яна бир ўнг петля тўқилади. Сўнг петлялалар спицадан ташлаб юборилади.


1.


2.


3.


4.


5.


6.


7.


8.


9.


10.


11.


12.


13.

14.


15.


16.

17.

18.

19.

БЕЗАКЛАР ВА УЛАРНИ АСРАШ

Буюмнинг барча қисмлари тўқиб бўлингач анчагина дазмолланади. Бунда хўлланган материал ёки дока билан полотнонинг тескари томонидан дазмолни оҳиста юргизиш мақсадга мувофиқдир. Шунда полотно нақшлари ўз кўринишини сақлаб қолади. Агар тўқиш давомида деталь шакли ўзгарган бўлса (баъзан ўта пишитилган ип билан тўқилганда деталь шакли ўзгаради), у ҳолда детални андозага бириктириб, сўнг дазмоллаш лозим. Агар тўқиш давомида деталь шакли ўзгармаса, дазмоллаб бўлгач андаза билан қиёслаб кўрилади, холос. Бўртма нақшларни эса яхшиси дазмолламаган маъқул. Ҳар эҳтимолга қарши резинкага ҳам дазмол босманг, эластикликига путур етади. Буюм олдин кўклаб олинади ва примеркадан сўнг тикиб чиқилади. Кўклаш давомида деталларнинг ўз ўрнига мос равишда жойланишига алоҳида эътибор бериш керак.

ТЎҚИЛГАН БУЮМЛАРНИ САҚЛАШ

Тўқилган буюмларни шкаф токчаларида тахланган ҳолда сақлаш лозим. (осилганда шакли ўзгариши мумкин) Агар буюмни узоқ вақт сақламоқчи бўлсангиз куядан эҳтиёт қилинг. Куядори яъни нафталиндан фойдаланаётганингизда уни тўқилган буюмга тўкилмайдиган қилиб жойлаштиринг. Шунингдек, куяга қарши тамакидан ҳам фойдаланиш мумкин.

БУЮМНИ ЮВИШ

Жундан тўқилган буюмлар кир ювиш порошоги ёрдамида иссиқ сувда ювилади. Қайноқ сувда ювиш ва қаттиқ ишқалаш асло ярамайди, чунки буюм киришиб, дағаллашиб қолади.

Уни ювилган сув температурасидаги тоза сувда чайиш керак. Сўнгги чайиш даврида сувга бир ош қошиқ сирка қўшиб юборсангиз буюм жилоланиб туради.

Яхшилаб чайилган буюмни олдиндан тайёрлаб қўйилган ёки простинага ўраб, оҳиста ғижимлаб суви терилади. Сўнг текис қияроқ жойга простина тўшаб буюм батартиб жойлаштирилади. Қуригунга қадар бир неча марта жойини ўзгартириб шамоллатилади.

Сифати бузилмасин десангиз жундан тўқилган буюмларни асло қуёш нурида ёки иссиқ плиталар яқинида қуритманг. Уни яхши қуриганига ишонч ҳосил қилганингиздан сўнг енгилгина дазмолланг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Еш куч» журналининг бултур 10-сонида босилган «Сизга ўхшагим келади» мақоласи журналхонлар муҳокамасида

Маълумки, ушбу мақолада ўқувчилар ўқитувчиларига кўнгил сўзларини изҳор қилган эдилар. Мақоладаги «Хўш, ўқитувчилар-чи? Ахир улар «фалончи менинг ўқувчим бўлади, мен ўқитганман», дея фахр билан гапириб беришади. Биз улардан шогирдлари ҳақида мақола кутамиз» деган фикрлар кекса ўқитувчиларнинг хотираларини жонлантириб юборди.

Қуйида биз ана шу мақола таъсирида редакциямизга йўлланган мактублардан иккитасини эълон қилмоқдамиз.

Шогирдларимдан хурсандман

Социалистик тузумимиз афзалликлари ҳақида сўз кетса меҳнаткаш инсон ақлзаковати, яратувчилик меҳнати билан бунёд этилган дориломон ҳаётимиз қаҳрамонлари ёдга тушади.

75 баҳорни кўрган кекса муаллим сифатида шогирдларим Дадажоновлар оиласи ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилгим келди. Собиқ ўқувчиларимдан иборат бу оилани кўп йиллардан буён яхши биламан.

Оила бошлиғи Мамадали Дадажонов 1941 йил уруш бошланган кундаёқ Ватан ҳимоясига отланганда ҳали ёш йигитча эди. Мамадали Узоқ Шарқдаги СССР Ҳарбий Денгиз флотида денгизчи сифатида хизмат қилди. Умрида денгиз кўрмаган йигит қисқа вақтда ҳарбий денгиз сирини яхши эгаллаб олди, ҳарбий машғулот топшириқларини юқори баҳоларга бажарадиган аълочи денгизчи бўлиб етишди.

М. Дадажонов Денгиз Флотида олти йил давомида кўрсатган хизматлари учун ўндан ортиқ орден ва медаллар билан тақдирланди.

У Совет армиясидан қайтгач, ота касби — ошпазликни ўрганди. «Дарахт бир жойда кўкаради», деган мақол асли одамнинг касбкор танлашига нисбат берилиши бўлса керак. Мамадали узлуксиз 38 йил бир жойда самарали меҳнат қилиб, эл ҳурматини қозонди.

Унинг умр йўлдоши Ҳанифа ҳам ўз касбига ихлос қўйган замондошларимиздан. Х. Дадажонова 1926 йили Қўқон шаҳрида ишчи оиласида туғилди. 1941 йилда мактабни аъло баҳолар билан тугатди. У кўп йиллардан буён илғор савдо ходими сифатида обрў-эътибор қозонган.

Партия ва ҳукуматимиз Ханифа Дадажонованинг меҳнат фаолиятини муносиб тақдирлаган. Унинг кўксидаги Қизил Байроқ, Халқлар дўстлиги, «Ҳурмат белгиси» орденлари, В. И. Ленин 100 йиллиги медали, «Совет савдо аълочиси», «Коммунистик меҳнат зарбдори», «Социалистик мусобақа ғолиби» нишонлари шундан далолат бериб турибди.

Х. Дадажонова билан суҳбатлашганимизда у бундай деди: «Ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган вақтимда, кўз ўнгимда онам ҳикоя қилиб берган революциядан бурунги хотин-қизларнинг аянчли тақдирини эслайман. Уларнинг меҳнати тан олинганмиди! Улар беқадр, ҳаётлари, қувончдан кўра ҳасратга қўшни эди. Эндичи? Жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларида аёлларнинг баракали озод меҳнатини кўриб яйрайсан киши. Мен ўша бахтли аёлларнинг бири бўлганимдан хурсандман, шундай замонда яшаётганимдан шодман».

Шуниси диққатга сазоворки, Ханифахон бошлиқ мураббийлик ҳаракати ёшларнинг ўз касбларини севишга, эъзозлаш ва масъулиятли иш эканликларини тезроқ тушунишларига амалий ёрдам бермоқда.

Уларнинг хонадонига ҳамма ҳавас қилади. Мен ҳам кекса мураббий сифатида ўқувчиларимнинг жамият, эл-юрт корига яраганига, меҳнатдан бахт топганларига астойдил қувонаман.

Шогирдларимдан хурсандман!

Михаил ГАВРИЕЛОВ,
кекса педагог.

Устознинг бахти

Одам боласи ўз шогирдининг камолидан хурсанд бўлади. Ҳаётда шундай касб эгалари борки, у деҳқон каби ўз ҳосилини бир йилда эмас, кўп йиллардан сўнг кўради. Мен 45 йил ўқитувчилик қилиб, ҳозир қарилик пенсиясидаман. Ёшим 66 да. Тошкентдаги 24-ўрта мактабда 38 йил ўқитувчи бўлиб ишладим. Юқори синфларда она тили ва адабиётидан дарс бердим. Ҳозир шахсий архивимда 70 га яқин 10-синфни тугатиш вақтида олинган битирувчилар фото-суратлари бор. Гоҳо шуларни кўздан кечириб, бундан 30—40 йил аввал ўқиган собиқ ўқувчиларимни эслайман, ўша қийинчилик даврида ўқиб, ҳозирда партия раҳбари, олим, ёзувчи, инженер, врач, санъаткор, ўқитувчи ва бошқа касб эгалари бўлиб етишганидан қувонаман. Улар энди оилали бўлиб 5—6 тадан фарзандга ота ва она бўлишган. Ҳар сафар бирор йиғилишда, тўй-маросимларда бўлиб қолсам қайсидир шогирдимни учратиб қоламан. Баъзан газета, журналларда ўз мақолалари билан чиқиб қолса ёки телевизорда кўриб қолсам қувониб кетаман. Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Мирқосимов, Республика врачлар малакасини ошириш институтининг ректори, медицина фанлари доктори А. Убайдуллаев, техника фанлари доктори Н. Мўминов, химия фанлари доктори О. Обидов, профессор И. Сулаймонов, доцент Р. Иноғомов, М. Мусажонов, журналистлар В. Мажидов, С. Сайдалиев, Ҳ. Икромов, А. Абдуллаев, Б. Абдуллаев, СССР Давлат мукофоти лауреати, солист Қаҳрамон Дадаев, Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев, «Ҳамза» театрининг артисти Дилбар Ҳасанова (Исмоилова), раққоса Ж. Йўлдошева (бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин) каби собиқ ўқувчиларим билан учрашиб қолсам ёки уларнинг муваффақияти ҳақида бирор янгилик эшитсам кўнглим тоғдек кўтарилади.

Ўтган йили телевизор экранида медицина фанлари доктори Абдулла Убайдуллаев билан ўрта мактабни тугатаётган комсомол ёшлар учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув сўнгида ёшлардан бири: «Ҳурматли Абдулла ака! Сиз қайси мактабда ўқигансиз ва Сизнинг шундай олим бўлишингизда мактабингиз коллективининг роли борми?» деган саволга А. Убайдуллаев: — Мен ўқиган Меҳнат Қизил Байроқ орденли 24-ўрта мактаб республикадаги илғор, намунали мактаблардан бири эди, ҳозир ҳам шундай. Ўша йиллари бизга таълим ва тарбия берган педагогларимиз ҳақиқатан ҳам жонкуяр, аҳил коллектив эди. Математика ўқитувчимиз Зайниддин ака Камолов, рус тили ўқитувчимиз, Ф. И. Кузнецова, физика ўқитувчимиз Зокиржон Йўлдошев, химия ўқитувчимиз Абдулла Жабборов, биология ўқитувчимиз Муҳаррам Зоҳидова, география ўқитувчимиз Юсуфжон Шокиров, адабиёт ўқитувчимиз Ҳамидулла Йўлдошев ва бошланғич синфларда дарс берган Муаззам опа Назарова, Хатми опа Қодироваларни доим эслайман. Айниқса, мактабимизда синфдан ташқари ишлар яхши йўлга қўйилган эди. Рус тили, драма тўгараги, «Еш химиклар», «Ёш географлар», музика тўгараклари жуда яхши ишларди. Ҳар фан бўйича алоҳида кечалар бўларди. Айниқса отахон шоиримиз Ғ. Ғулом, Уйғун, К. Яшин, М. Шайхзода, А. Қаххор, Қ. Муҳаммадий, С. Аҳмад, А. Мухтор, Миртемир каби ёзувчилар билан бир неча бор учрашувлар бўлган. «Алишер Навоий», «Бой ила хизматчи», «Шоҳи сўзана», «Ҳаёт қўшиғи» каби пьесаларни тўлиқ саҳналаштириб дастлаб ўқувчиларга, сўнг ота-оналарга ҳам қўйиб берганмиз.

Мен аслида адабиётшунос бўлмоқчи эдим, аммо 10-синфни тугатиш арафасида химиядан ўтказилаётган тажрибада чап кўзимга темир парчаси сачраб анча вақт азоб чекдим. Мени бу оғир азобдан меҳрибон врачларимиз халос қилди. Шундан сўнг мактабни тугатиш билан Тошкент медицина институтига кириш учун жиддий ҳозирлик кўрдим ва уни муваффақият билан тугатдим. Ана шунинг учун ҳам дастлаб менга таълим-тарбия бериб олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берган устозлардан умрбод миннатдорман».

Ҳа, бундай миннатдорчилик сўзларини эшитиб бошим кўкка етди. Шогирднинг камоли — устознинг бахти, деб шуни айтсалар керак-да.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳридаги
24-мактабнинг собиқ ўқитувчиси

I-тур жавоблари

1. $x^2-2x\sqrt{2}+c=0$ квадрат тенгламанинг илдизлари тўғри бурчакли учбурчакнинг катетларини, озод ҳади С эса гипотенузасини ифодалайди. Учбурчакнинг томонларини топинг.

$x_1^2+x_2^2=c^2$, $x_1+x_2=2\sqrt{2}$, $x_1x_2=c$

лерни масала шартига биноан ёзиб оламиз.

$x_1^2+x_2^2=(x_1+x_2)^2-2x_1x_2$

бўлганлигидан $(x_1+x_2)^2-2x_1x_2=c^2$ ёки $(2\sqrt{2})^2-2c=c^2$; $c^2+2c-8=0$. Бундан $c>0$ бўлганда $c=2$ ни топамиз. $x_1+x_2=2\sqrt{2}$, $x_1x_2=2$ лардан $x_1=\sqrt{2}$, $x_2=\sqrt{2}$ ларни топамиз. Демак $a=x_1=\sqrt{2}$, $b=x_2=\sqrt{2}$, $c=2$.

2. $a+b=ab=\frac{a}{b}$ бўладиган а ва в сонларни топинг.

$ab=\frac{a}{b}$ дан $a=0$, $b\neq 0$, ёки $b=1$, ёки $b=-1$ бўлишлиги келиб чиқади. Агар $b\neq 0$ бўлса, у ҳолда $a\neq 0$, акс ҳолда $a+b\neq 0$, $\frac{a}{b}=0$ бўлиб қолади. $b\neq 1$ бўлади, чунки $a+1\neq a\cdot 1$. Агар $b=-1$ бўлса, у ҳолда $a-1=a\cdot(-1)$ бўлади, бундан $a=\frac{1}{2}$

Демак $a=\frac{1}{2}$, $b=-1$ ягона ечим бўлади.

3. 45 га бўлинадиган ва рақамлари арифметик прогрессия ташкил қиладиган уч хонали сонни топинг.

Фараз қилайлик х-разлар хонаси, у-ўнлар, $\overline{z}$-бирлар хонаси бўлсин, у ҳолда $\overline{xyz}$. Қуйидагига эга бўламиз.

$100x+10y+z=45n$, n - бутун сон.

х, у, z лар арифметик прогрессиянинг кетма-кет учта ҳади бўлганлиги учун $\frac{x+z}{2}=y$ ёки $2y=x+z$ бўлади.

Масала шартига биноан тўртта номаълумли иккита тенгламалар системасига эга бўламиз.

$$\begin{cases}100x+10y+z=45n,\\ x+z=2y\end{cases}$$

Ҳосил бўлган тенгламалар системасини манфиймас бутун сонларда ечиб, қуйидаги уч хонали сонларни топамиз: 135, 630, 765.

4. Ихтиёрий қавариқ тўртбурчак томонларини диаметр қилиб ясалган доиралар уни тўла қоплашини исботланг.

Ихтиёрий қавариқ тўртбурчакни ичидаги нуқтани олайлик. Бу нуқтадан тўртбурчак томонларини $\alpha, \beta, \gamma, \delta$ бурчаклар остида кўринади. Бу бурчакларнинг йиғиндиси 360^0 га

www.ziyouz.com kutubxonasi

Клуб мутасаддиси
СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ

ОТ СУРИБ, ФИЛ ЎЙНАТИБ

Сарғайган дафтардаги сабоқлар

Журналингизнинг 2-сонида сиз машҳур совет шахмат мастери ва педагоги Б. М. Блюменфельднинг ярим аср муқаддам ўқиган дастлабки лекциясининг бошланиш қисми билан танишган эдингиз. Бугун лекция билан танишишда давом этамиз.

С. Тартаковер — Г. Мароци

Нью-Йорк, 1924 йил



(1-дигарамма)

Ушбу ҳолатда юриш қоралардан, албатта: филни қайси пиёда билан урган бўлардингиз? (Тингловчилар ўйлар, топишга ҳаракат қилар ва умумий мулоҳазаларга кўра филни «f» пиёдаси билан уришга қарор қилдилар). Бироқ бу юриш позициявий жиҳатдан ёмон (эътироз билдирди Блюменфельд). 27 cd дан сўнг оқлар очиқ «с» линиясига эга бўлади. Уткир, жуда ўткир позициявий ўйинчи Мароци ҳам шундай деб ўйлаган. У 26... fe ни яроқсиз деб топиб, 26... de ўйнади. Мароци фақат a3 даги от муаллақ, яъни ҳомийсиз турганини ҳисобга олмади. Демак, бундан фойдаланса бўлади: 27 cd га 27... cd жавобини беришга ҳожат йўқ. Бунинг ўрнига 27... Ф:f8! Ўйнаб, ҳомийсиз отга ҳужум қилиш ва айни чоқда f1 дан мот хавфини солиш керак. Қоралар отни, бинобарин, ўйинни ютади. Бу мисол, шахмат ўйинида комбинациявий ҳамда позициявий момент — ҳолатлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

В. Замиховский — М. Ботвинник
VII Бутуниттифоқ биринчилиги, 1931 йил



(2-диаграмма)

b7 даги филга эътибор беринг: у c6 ва d5 пиёдалари билан росаям тўсилиб қолган. Шунга қарамай, бу фил партияда ҳал қилувчи ролни ўйнади. У оқларнинг марказни эгаллашига қаршилик қилмоқда. Агар ҳозир 22. e4 бўлса, 22... de 23. fe c5 24. d5 Ке:d5! 25. К:d5 К:d5 26. cd С:d5+ 27. Крf2 c4 28. С:c4 Сc5+! ва қоралар қаттиқ ҳужумга ўтади.

Комбинация — гениаллик аломати, деган фикр юради. Бекор гап! Одам шахмат ўйнаркан, демак, унда шахмат ижодиётига нисбатан қандайдир асос, қандайдир мойиллик бор. Ўйини учун пул олмайди-ку, демак у комбинацияларни топади... фақат тахтага диққат билан синчиклаб қарасагина топади уни.

Тейхман — №№
Цюрих, 1921 йил



(3-диаграмма)

Ушбу вазиятда Тейхман (g7 даги битта пиёда эвазига икки отини берган!) h6 да руҳини, сўнгра d8 да фарзинини, h7 да пиёдасини беради ва янги фарзин қилиб қора шоҳни мот қилди: 1. Л:h6 К:h6 2. Фg5 Кf7 3. Фd8+ К:d8 4. h6 bc 5. h7+ ва ҳоказо. Мана, қаранг, Тейхман зўр комбинацияни амалга оширди, лекин бунда ҳеч қанақа мўъжиза йўқ. Тейхман, қора шоҳни турган жойидан қўзғатилса бас, шунда ҳамма нарса тугашини тушунган. Бинобарин, ана шу силтовга (h7+!) интилар экан, у йўлдаги барча ғовларни емириб ташлайди. a8 даги қора руҳнинг «овозини ўчириш» учун фарзинни d8 да берди. Тейхман вазиятнинг ғоясини тушунган!

Сизларни битта нарсадан огоҳлантириб қўяй, гўзаллик учун гўзаллик ахтарувчи шахмат шайдолари бор. Комбинацияни қурбон қилинган доналар сони билан эмас, ғоясига кўра баҳолаш лозим. Қандай комбинация қилмасликка битта ибратли мисол кўрсатай.

Эдуард Ласкер — Ф. Маршалл
Нью-Йорк, 1924 йил



(4-диаграмма)

Маршалл 27... Кf5 (28... Фе5 хавфини туғдириб) жавобини қилди. Эд. Ласкер отни олмай, 28. Сf4! ўйнаб, хавфли диагонални тўсди. Гўзаллик кетидан қувиш жазога маҳкум этилди, бу ерда унинг кераги йўқ. Оддий 27... Кd5 28. Фc1 Фе5 29. Крg1 Лf8 ўйинни ютарди. Бу мисол бизни нимага ўргатади? Шахмат — шашка эмаслигига! Бирор дона қурбон қилинаётган бўлса, уни олишинг ҳам мумкин, олмаслигинг ҳам. Бирданига эмас, балки бир юришдан кейин олишинг мумкин. Қуйидаги қоидани эслаб қолишни тавсия қиламан: комбинация қилиб бирор донани бераётганингизда ҳарифингиз уни олишга мажбурми ёки йўқлигига яхши эътибор беринг. Олмаслиги, балки бирон-бир оралиқ юриш қилиши мумкин, сипоҳингиз эса «осилиб» қолади. Уни кейинги юришда олади, вассалом.





(№ 5 ва № 6 диаграммалар)
Шарти: Икки юришда мот (иккаласида ҳам)

Жавоб йўллаш муҳлати — 30 апрелгача.

ҒОЛИБЛАРИМИЗ БИЛАН ТАНИШТИРАМИЗ

Журнал саҳифасидада 1987 йилда ўтказилган шахмат конкурсининг ғолибларини биласиз. Уларнинг рўйхати 12-сонда эълон қилинган. Бугун биз сизларни уларнинг бири билан таништирамиз. Сахий Санақулов — инженер, Мирзачўл районидаги «XXIV партсъезд» совхозида ишлайди. У бўш вақтларини шахматга беради. Маҳоратини чархлайди. У конкурсда муваффақиятли қатнашиб 1 разряд нормасини бажарди.

теңг. Фараз қилайлик доиралар билан қопланмаган тўртбурчакнинг ички нуқтаси мавжуд бўлсин. У ҳолда бу нуқтадан тўртбурчакнинг томонлари ўткир бурчак остида кўринади. Тўртта ўткир бурчак йиғиндиси 360^0 га тенг бўлиши мумкин эмас. Келиб чиққан зидлик масала тасдиғи тўғрилигини исботлайди.

5. Томонлари, a, в, c бўлган ихтиёрий учбурчак учун

$$\frac{3}{2} < \frac{a}{в+c} + \frac{в}{c+a} + \frac{c}{a+в} < 2$$

бўлишини исботланг.

I) $в+c=x, a+c=y, a+в=z$ десак, у ҳолда буларни қўшиб $2(a+в+c)=x+y+z$ ёки $a+в+c=\frac{1}{2}(x+y+z)$ ни ҳосил қиламиз. Сўнгра $a=\frac{1}{2}(y+z-x), в=\frac{1}{2}(x+z-y), c=\frac{1}{2}(x+y-z)$ ларни топамиз. У ҳолда чап тенгсизлик қуйидагича ёзилади. $\frac{y+z-x}{2x}+\frac{x+z-y}{2y}+\frac{x+y-z}{2z}\geqslant\frac{3}{2}$ ёки

$$\left(\frac{x}{y}+\frac{y}{x}\right)+\left(\frac{x}{z}+\frac{z}{x}\right)+\left(\frac{y}{z}+\frac{z}{y}\right)>6,$$

x, y, z лар мусбат бўлганлигидан.

$$\frac{x}{y}+\frac{y}{x}\geqslant 2, \frac{x}{z}+\frac{z}{x}\geqslant 2, \frac{y}{z}+\frac{z}{y}\geqslant 2$$

ларга кўра ҳосил бўлган тенгсизлик ўринлидир. Демак чап тенгсизлик исботланди.

2) Учбурчак тенгсизлигига $в+c>a$ га кўра $в+c+в+c>a+в+c$ ёки $2(в+c)>a+в+c$, бундан $\frac{2}{a+в+c}>\frac{1}{в+c}$ ёки $\frac{2a}{a+в+c}>\frac{a}{в+c}$

Худди шунга ўхшаш $\frac{2в}{a+в+c}>\frac{в}{a+c}$ ва $\frac{2c}{a+в+c}>\frac{c}{a+в}$ ларни келтириб чиқарамиз. Кейинги учта тенгсизликни қўшиб қуйидагини ҳосил қиламиз: $\frac{2a}{a+в+c}+\frac{2в}{a+в+c}+\frac{2c}{a+в+c}>\frac{a}{в+c}+\frac{в}{a+c}+\frac{c}{a+в}$

$\frac{2(a+в+c)}{a+в+c}>\frac{a}{в+c}+\frac{в}{a+c}+\frac{c}{a+в}$

Демак $\frac{a}{в+c}+\frac{в}{c+a}+\frac{c}{a+в}<2$, яъни ўнг тенгсизлик исботланди.

Б.РИХСИЕВ,
Т.ЮРРОНОВ,
З.ЮРРОНОВ.

Шу сондан бошлаб, «Ёш математикларнинг сиртқи олимпиадаси»да берилган савольларнинг жавобларини бериб борамиз. Сиз уларни қандай ечганлигингизни жавобларга қараб билиб оласиз, албатта.

2-СОНДА БОСИЛГАН «ШОНЛИ АРМИЯ» ЦИКЛОКРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

1. Матросов. 2. Парад. 3. «Ғалаба». 4. Брест. 5. Солдат. 6. «Даурия». 7. Фрунзе. 8. Зорге. 9. Громова. 10. Взвод. 11. Турдиев (Қўчқор). 12. Армия. 13. Ракета. 14. Чапаев. 15. Карпов (Владимир). 16. Майор. 17. Матрос. 18. Порох.

Цифрограмма: Зебо Ғаниева.

Муқовамизда:
Зарафшон шаҳридаги «Олтин водий» маданият саройининг раққосалари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

РАВШАН АКАНИНГ ШОГИРДЛАРИ

— Қани, тайёрмисизлар! — ўқитувчи Равшан ака Пўлатов кийиниб, саф тортиб турган болаларга юзланди.

— Тайёрмиз! Тайёрмиз! — дейишди бир овоз билан болалар.

Равшан ака уларнинг овозидаги қувонч оҳангларини илғади ва зимдан мамнун бўлди. Бунинг ўзига яраша сабаби бор: қаршисидаги болалар техникумга ўқишга келганларига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Аммо биринчи кунлар...

Дастлабки пайтлар жисмоний тарбия дарсини ўтиш учун залга кирган Равшан ака ажабланиб ёқасини ушлаб қолди. Нимага десангиз, зални бир-икки айлана югуришгач, кўпчилиги ҳарсиллаб қолишди-да. «Уҳ-ҳў, ўқиган мактабларида жисмоний тарбия дарслари ўтилганмикин ўзи» деб ўйлаганди ўшанда Равшан ака. Кейин баъзилари ҳатто физкультура деса безиллаб турришларининам пайқади. Шунда у жисмоний тарбиянинг аҳамияти ҳақида суҳбатлар ўтказди. Машқлар эса, табиийки, бир маромда давом этаверди. Натижа...

...Дарс бошланди. Талабалар мароқ билан машқ қилишга киришди.

Тошкент шаҳридаги Набн Ғаннев номли кинотехникум студентлари билим жиҳатдан-

гина эмас, жисмоний тайёргарликда ҳам муваффақиятга эришмоқда. Лекин техникум ўқитувчиси Равшан Пўлатов ўзининг қуйидаги саволига ҳамон жавоб топа олмади.

«Айрим мактабларда нима учун физкультура дарслари самарали эмас!»

Ростдан ҳам нега!

СПОРТ

Суратда: жисмоний тарбия дарсидан лавҳалар.

А. КУДРЯШОВ фотолари.

ФАН-ТЕХНИКА ОЛАМИДА

Сув қўриқчиси!

Суғориш учун ер остидан қанча сув олиш мумкин! Қайси майдонларга шўрланиш хавф соляпти!

Сувни кам зоналар, хусусан Ўрта Осиё дала меҳнаткашлари ва чорвадорлари учун бу саволларга ўз вақтида жавоб олиш жуда муҳим. Бунинг учун эса мутахассислар ҳар ойда жуда катта территорияни айланиб чиқиб, махсус қудуқлардаги сув миқдорини ўлчаб чиқадилар. Жазирамада дашту биёбон кезиш осон эмас, бунинг устига аниқ маълумот олишнинг ҳам иложи йўқ. Чунки бунинг учун ўнлаб қудуқлардаги сувнинг ой, кун, соат сайин қандай ўзгариб туришини билиш керак.

Ўзбекистонлик олим ва инженерлар оддий ва ишончли аппарат яратишди. У сув билан — унинг кўпайиб озайишига қараб — бирга ҳаракатланади. Ўзгаришлар эса автоматик равишда перфолентага ёзиб борилади. Барча приборларнинг маълумотлари эса ЭҲМга киритилади ва у керакли маълумотни бераверади. Натижада битта мутахассис юзлаб квадрат километр майдон бўйича бемалол ишлай олади.

Янги двигатель

Мамлакатимизда янгича автомобиль двигатели яратилди. У бензин ва водород қоришмаси билан ишлайди. Автомобиль ҳаракатланмай турган пайтда ишлаётган двигатель фақат водород билан, ўртача кучланишда водород-бензин қоришмаси, тўла қувватда эса фақат бензин билан ишлайди. Бундай иш режими ёмон газлар чиқиши миқдорини камайтиради. Иқтисодий томони эса қуйидагича: Агар Газ-24 автомобилига шундай двигатель ўрнатилса 100 километрга кетадиган ёнилғи сарфи икки баравар камаяди. Албатта бир литр водород (100 км га шунча кетади) анча қимматлик қилади. Шунинг учун ҳам бу борада изланиш давом этмоқда. Аммо мутахассисларнинг фикрича, яна 5-10 йилдан сўнг бундай двигателлар кенг қўлланила бошлайди.

Оҳакли сув, холос!

Нефтепровод магистралини дарёдан ўтказиш доимо мутахассислар олдига қийин муаммолар қўяди. Шулардан бири — трубани занглашдан сақлашдир. Волга дарёсидан нефть магистрали ўтказилаётганда трубани трубақобиқ ичига жойлаштириш ва бу икки қават трубани дарё тубига жойлаштириш усули қўлланилди.

Аммо мутахассисларнинг фикрича бу усул талаб қилинган натижани бермас экан. Янги усулларни излаш бошланди. Энг осон ва маъқул усул — ички ва ташқи трубалар ўртасини химиявий нейтрал ва экологик жиҳатдан тоза нарса, масалан, газ ёки суюқлик билан тўлғазиш эди. Инерт газ танлаш қийин эмас, аммо у қиммат. Бундан ташқари, ҳар доим газ босимини ушлаб туриш керак. Мутахассислар барча янги вариантларни синаб, изланишни давом эттиришди. Буни қарангки, улар излаган нарса оддий ва ишончли — оҳакли сув экан. Қорилган суюқ оҳак кислороднинг занглатиш даражасини нолга тенглаштириб қўяр экан. Металл юпқа ҳимоя «плёнка»си билан қопланганда занглаш тезлиги юз мартадан ошиқроқ камаяркан. Ва, натижада, нефтепровод бир неча ўн йиллар давомида зангламай ишлай оларкан.

Сезгир металл ва... яхмалак

Бундан анча йиллар олдин термомеханик хотирали металлар кашф этилган эди. Ҳозир бу сезгир металлар жуда кўплаб қурилмаларда ишлатилмоқда. Ундан ҳатто космик кема антеннасида ҳам фойдаланилган. Яқинда эса ундан фойдаланишнинг ғалати, яна бир зарур варианти топилди. Бунақа металл парчалари оёқ кийимни тагига қўйиладиган бўлди. Энди унн кийган кишилар яхмалакда тойиб йиқилишмайдн. Муз совуғнни сезган бу металл қаламчалар ёйилади ва худди альпинист ботинкасн тагидаги илмоқларга ўхшаш тишлар ҳосил қилади.

И. УСАРОВ тўплаган.

Нур таратувчи микроорганизмлар

...1832 йил. Жанубий Атлантикага саёҳат қилган Чарльз Дарвин ажойиб манзарани кузатди. Иссиқ кеча эди, кучли шамол бўлиб, бутун океан юзасини кўпик қоплади... Кўпикнинг ҳар бир томчиси ўзидан кучсиз ёруғлик чиқарарди. Кеманинг икки ёнидан ярқираган тўлқинлар тарқалар эди.

Дарвиннинг ўша саёҳатидан 2 йил ўтгач немис биологи Христиан Готфрид Эренберг жуда майда, катталиги ярим миллиметрли ўзидан нур чиқарадиган денгиз организмларини кашф қилди.

Гельголанд (ГФР) оролида жойлашган Биология институтининг ходими Готрам Улиг бу денгиз организмлари май ойида кўпайиб, август ойида бирданига йўқ бўлиб қолишини аниқлади. Бунинг сабаби ҳозиргача номаълум.

Дунёда ёруғлик чиқарадиган минглаб тур ҳайвонлар бор. Бундай «ёритувчи» организмларнинг кўпчилиги иссиқ денгизларда учрайдилар. Сувнинг чуқур қатламларида яшайдиган баъзи ёруғлик чиқарадиган ҳайвонлар, нурланадиган органларини прожектор сифатида қўллаб, ўлжа қидирадилар.

Америкалик Вильям Биб ажойиб ҳодисанинг гувоҳи бўлди. Чуқурликда катта бир қурт озроқ нурланиб ётар эди. Бирдан пайдо бўлган балиқ унн тишлаб иккига бўлиб юборди. Қуртнинг дум тарафи ёруғроқ бўлиб кетди ва уни балиқ ютиб юборди. Бош қисми эса аксинча бутунлай ўчиб қоронғида кўздан ғойиб бўлди. Қурт жонини сақлаш учун камроқ муҳим бўлган қисмидан кечиб, асосий бош қисмини сақлаб қолган. Чунки бош қисми омон қолса кейин дум яна ўсиб чиқиши мумкин эди-да.

Баъзи бир оёқбошликлар (головноги) ёруғликни ҳимоя воситасида қўллайдилар. Таналарининг махсус чўнтакларида улар нурланадиган бактерияларни сақлайдилар. Хавфли вазиятда улар бактерияларни улоқтириб юборади. Алданган йиртқич эса ялтироқ бўшлиққа ташланади.

Денгиз жониворларидан яна баъзилари эса ёруғлик ёрдамида ўлжани ўзларига жалб этадилар. Совет биологи Борис Сергеевич гигант, суст ҳаракат қилувчи қутб акулаларининг кўзларн атрофида майда ёруғлик тарқатадиган қисқичбақалар яшашини аниқлади. Акула денгиз тагида қимирламай, нурга қизиқиб келаётган балиқ ва тюленларни пойлаб ётади.

Ҳайвонлар, ҳашоратлар, микроорганизмлар чиқарадиган ёруғлик оқ, яшилҳаворанг ва қизил бўлади. Нур чиқарадиган организмлар люцифирин ва люциферас номли моддалар ишлаб чиқарадилар. Люцифернн ҳаво ёки сувнинг кислород билан бирикканида ёруғлик пайдо бўлади. Бу процессда люциферам катализатор ролини бажаради.

Ш. ҲАКИМОВА,
биология фанлари
кандидати.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Спутник» халқаро ёшлар туризм бюроси дунёдаги энг нуфузли ёшлар ташкилотларидан. У Совет Иттифоқи ёшлари ва чет эл ёшларини турли-туман сайру саёҳатларга чорлайди. Саёҳатга чиқмоқчимисиз! Марҳамат: ўзингиз яшаб турган область комсомол комитетлари қошидаги «Спутник» бюросига мурожаат қилинг.

ХАЛҚАРО ЁШЛАР ТУРИЗМ БЮРОСИ 30 ЁШДА

Суратларда: В. И. Ленин Мавзолейи, Ленинграддаги «Петродворец». Батуми порт шаҳри.

Ҳар йили 100 мингдан зиёд ўзбекистонлик ёшлар Ватанимизнинг диққатга сазовор жойларида бўладилар. Совет халқининг курашли ўтмиши, бунёдкорлик ишлари билан танишадилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Баҳоси 35 тийин.
Индекс 75242.

«Ўзбекистонда март»

Ўрол ТАНСИҚБОЕВ асари.

www.ziyouz.com kutubxonasi